

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМАТОВ ОТАБЕК МАХАМАТЖОНОВИЧ

**ЎРТА ОСИЁДА ЎТКАЗИЛГАН
РАЙОНЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ**

(Монография)

ТОШКЕНТ
«TURON-IQBOL»
2022

УЎК 94 (575.1)
КБК

Маъсул муҳаррир:

Қ.К. Ражабов – тарих фанлар доктори, профессор

Тақризчилар:

А.Н. Расулов – НамДУ профессори, тарих фанлар доктори,

Х.Э. Юнусова – ЎзМУ «Ўзбекистон тарихи» профессори,
тарих фанлар доктори,

Я.Х. Фафоров – ЧДПУ, «Тарих» кафедраси профессори,
тарих фанлари номзоди

Мазкур монографияда Ўрта Осиёда районлаштириш сиёсати ўтказилишининг сабаблари ва объектив зарурияти, хусусан Ўзбекистонда ўтказилган районлаштириш сиёсати масаласи, унинг Ўзбекистон тараққиётига қай даражада таъсир кўрсатгани ва Ўзбекистон ССРда амалга оширган маъмурий ва иқтисодий районлаштириш сиёсати ҳамда унинг Ўзбекистон ССР ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсирининг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари, шунингдек, Ўзбекистон ССР ҳукуматининг районлаштиришга ёндошуви сингари муҳим масалалар катта ҳажмдаги архив ҳужжатлари, турли тарихий манбалар ҳамда даврий матбуот материаллари асосида ёритилган.

Монография районлаштириш даврида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, ижтимоий-гуманитар соҳа мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабалар, магистрлар ҳамда бевосита тарихга қизиқувчи кенг китобхонларнинг барчасига мўлжалланган.

*Чирчиқ давлат педагогика университети Илмий техник кенгашининг
16.03.2022 й. №8 мажлис баёномаси билан нашрга тавсия қилинган.*

ISBN

©

КИРИШ

Бугунги кунда жаҳондаги ривожланган давлатлар иқтисодий қудрат борасида учинчи дунё мамлакатларини анча ортида қолдирмоқда. ХХІ асрга келиб Ер юзида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий фарқ яққол кўзга ташланмоқда. Ривожланган мамлакатларда турли минтақаларнинг табиий шароитлари ва имкониятларидан самарали фойдаланиш учун эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш ишлари кенг тус олган.

Дунёнинг қатор илмий тадқиқот муассасалари ва университетларида районлаштиришнинг иқтисодий, ижтимоий хусусиятлари, ҳудудларни ривожлантириш бўйича маркетинг хизматларини такомиллаштириш, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, аграр соҳага таъсири, этник жараёнларда акс этиши, миграция ва урбанизация жараёнларида тутган ўрни, саноатлаштириш ва унинг оқибатлари каби масалалар устувор мавзулар сифатида ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида совет ҳокимиятининг моҳияти ва унинг асосий ривожланиш босқичлари, совет давлатчилиги генезиси масалалари, большевиклар томонидан амалга оширилган янги иқтисодий сиёсат (НЭП) ва унинг мажбурий равишда тўхтатилиши, совет давлатининг миллий сиёсати ҳамда совет режимига қарши қуролли ҳаракат каби масалалар жиддий равишда ўрганилди. Бироқ Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш ҳамда унинг Ўзбекистон тараққиётига таъсири ҳозиргача алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Мазкур монографияда катта ҳажмдаги архив ҳужжатлари, турли тарихий манбалар ҳамда даврий матбуот материаллари орқали совет ҳокимияти минтақада, жумладан, Ўзбекистонда амалга оширган маъмурий ва иқтисодий районлаштириш сиёсати ҳамда унинг Ўзбекистон тараққиётига таъсири, бу таъсирнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари, шунингдек, Ўзбекистон сиёсий раҳбариятининг районлаштириш масаласида тутган позицияси ва уларнинг муносабати кабилар бугунги куннинг долзарб мавзуларидан биридир.

Мустақиллик йилларида мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш, қишлоқ жойларида аҳоли учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, шунингдек, ислохотларни амалга оширишда фуқароларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор муҳим давлат ва ҳудудий дастурлар, қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Зеро, «урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш керак»¹. Мазкур жараёнда ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар ҳам соҳага хос бўлган муаммоларни илмий таҳлил қилиш имконини беради.

¹ *Мирзиёев Ш.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

I БОБ

ЎРТА ОСИЁДА РАЙОНЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ЎТКАЗИЛИШИНING САБАБЛАРИ ВА ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТИ

1.1. Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш сиёсати мавзусининг манбашунослиги

Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш сиёсатининг ўрганилганлик даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, ўзига хос кўринишга эга. Ўрта Осиёда 1926 йили ўтказилган районлаштириш сиёсатининг Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига таъсири мавзусига оид тарихий тадқиқотларни учта гуруҳ: совет даври, мустақиллик йиллари ҳамда хорижий тадқиқотларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳга мансуб совет ҳокимияти йилларида жамоат арбоблари, тарихчилар ва иқтисодчилар томонидан яратилган айрим тадқиқотларда¹ Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш, Ўзбекистон ССРда бу соҳада амалга оширилган ишлар, республиканинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи, маъмурий-ҳудудий бўлиниши ва аҳолиси ҳақидаги фикрлар маълум маънода ўз аксини топган.

XX аср 20–30 йилларида чоп этилган бошқа бир туркум адабиётларда² РСФСР ва СССРда районлаштириш масалалари, Туркистон

¹ Средне-Азиатский Экономический район. Под редакцией Ю.И. Пославского и Г.Н. Черданцева. – Ташкент: Изд. ТЭС, 1922; Ксенофонтов Ф. Узбекистан и Туркменистан. К вопросу об их вхождении в СССР. – Москва – Ленинград: Государственное издательство, 1925; Архипов Н.Б. Средне-Азиатские республики. 3-изд. – Москва-Ленинград: Государственное издательство, 1930; Илиас Алкин. Средняя Азия. Экономико-географический очерк Кара-Калпастана, Киргизстана, Таджикистана, Туркменистана и Узбекистана. Часть I. – Москва: Изд. Научно-исследовательской ассоциации по изучению национальных и колониальных проблем, 1931 ва б.

² Материалы по районированию Туркестана. Выпуск 1-ый. Сборник статей по районированию Туркестана. Под редакцией Д. Красновского. – Ташкент: Изд ТЭС, 1922; Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-ой. Проект администра-

АССР ва Ўрта Осиё республикаларида маъмурий ва иқтисодий районлаштиришнинг ўтказилиши, Ўзбекистон ССРдаги иқтисодий районлаштириш масалари ва ҳўжалик аҳволи тўғрисида сўз юритилади. XX аср 50–70 йилларида чоп этилган тарихий тадқиқотларда¹ кўпроқ Ўрта Осиёда ўтказилган миллий – ҳудудий чегараланиш ва Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши, миллий сиёсатнинг бошқа жиҳатлари, совет давлати курилиши ёритилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ССР раҳбарлари ва сиёсий арбобларнинг Ўрта Осиёдаги районлаштириш ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиши тўғрисидаги мақолалари ва нутқлари ҳам мавжуд. Бу мақола ва нутқларнинг муаллифлари таникли давлат арбоблари Файзулла Хўжаев, Турор Рискулов, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев ва бошқалар бўлган².

тивно – хозяйственного деления ТССР. Под редакцией Председателя Комиссии районированию Д.П. Красновского. – Ташкент: Изд. ТЭС, 1924; Материалы по районированию Средней Азии. Кн. I. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1. Бухара. – Ташкент: Изд. Комиссии районированию Средней Азии, 1926; Материалы по районированию Средней Азии. Кн. 2. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 2. Хорезм. – Ташкент: Изд. Комиссии районированию Средней Азии, 1926; Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарканд: Изд. ЦК Р Уз, 1926; Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск II. Список населённых пунктов. Книга I. Округ Хорезм. – Самарканд: Изд. ЦК Р Уз, 1926; Материалы по районированию Ташкентского округа Уз ССР. Выпуск I. Список населённых пунктов. – Ташкент: Изд. ТОКР, 1926; Материалы статистико – экономического обследования сельского хозяйства Зеравшанской области 1926 г. – Старая Бухара, 1926; Предварительные итоги переписи населения 1926 г. По Ферганскому округу Уз ССР. – Коканд.: Изд. Ферокргорисполкома, 1927; Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 хоз. год. – Ташкент: Издания. Средне-Азиатского отделения Российско – Восточной торговой палаты, 1926; СССР по районам. Средне-Азиатские республики. Составил Н.Б. Архипов. – Москва-Ленинград: Государственное издательство, 1927; Районы Уз ССР в цифрах. – Самарканд, 1930; Средняя Азия в цифрах. – Ташкент: Изд. Средазгосплана, 1931 ва б.

¹ *Турсунов Х.Т.* Образование Узбекской Советской Социалистической Республики. – Ташкент: Изд. АН Уз ССР, 1957; *Турсунов Х.Т.* Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1958; *Хакимов М.Х.* Развитие национальной советской государственности в Узбекистане в период перехода к социализму. Основные проблемы. – Ташкент: «Наука», 1965. *Гордиенко А.А.* Образование Туркестанской АССР. – Москва: Юридической литература, 1968; *Агзамходжаев А.* Образование и развития Узбекской ССР. – Ташкент: Фан, 1971 ва б.

² *Хўжаев Ф.* Ўзбекистон ССРнинг ҳўжалик аҳволи ва уни ривожлантириш истикболлари. // Танланган асарлар. Уч томлик. Т. II. – Тошкент.: Фан, 1978: – Б. 11–68;

Иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида нашр этилган коллектив монографиялар ва фундаментал тадқиқотлар¹, Р. Муртазаева, Қ. Ражабов, Х. Юнусова, А. Расулов, Н. Маҳкамова, С. Шодмонова, М. Ҳайдаров, И. Ҳайдаров, А. Ерметов, А. Пардаев, О. Рашидов, М. Рахматов ҳамда бошқа тарихчилар томонидан ёзилган монографиялар ва ҳимоя қилинган диссертациялар², шунингдек, Ўзбекистон тарихига оид турли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари³ киради.

Икромов А. О земельное реформе и ближайших задачах реконструкции сельского хозяйства. Из доклада на II курултае Советов Узбекской ССР. // Избранные труды. В трех томах. Т. I. – Ташкент: «Ўзбекистан», 1972. – С. 271–279; Охунбобоев Й. Районлаштиришдан деҳқон хўжалигига келадиган фойдалар // Танланган асарлар. 2-нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1976. – Б. 28–35.

¹ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я. Раджапова. – Ташкент: Шарқ, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000; Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Лойиҳа раҳбари ва масул муҳаррир: Д. Алимова. – Тошкент: «Шарқ». 2001; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, А. Рахимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: «O'zbekiston». 2019.

² *Раджабов Қ.* Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917–1935 й.). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Тошкент: Университет, 2007; Юнусова Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар. – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2008; Ҳайдаров И. Ўзбекистонда иқтисодий кенгашлар фаолияти (1917–1934 й.). – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2008; Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатагонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929–1959 й.); Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917–1941 й.) – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2012; Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917–1941 й.). – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2015; Пардаев А. Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920–1924 й.). – Тошкент: «Yangi nashr», 2015; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент: Тафаккур, 2016; Ерметов А. Ўзбекистонда ички ишлар органлари фаолияти (1925–1991 й.). – Toshkent. Adabiyot uchqunlari, 2018; Рашидов О. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши (1918–1933 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент, 2018; Рахматов М. Туркистондаги очарчилик ва унинг оқибатлари (1917–1924 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент, 2019 ва б.

³ *Раджапова Р. и др.* История Узбекистана (1917–1993 гг.). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 й.). – Тошкент: Университет, 2002; Ўзбекистон тарихи. Р.Ҳ. Муртазаванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон

СССР тарқалгач, Ўзбекистондан ташқари Россия Федерацияси¹, Украина², Беларусь³, Озарбайжон⁴, Қозоғистон⁵, Қирғизистон⁶, Тожикистон⁷ каби мустақил давлатларда яратилган кўплаб тарихий тадқиқотларда ҳам бу республикаларда амалга оширилган районлаштириш сиёсати ҳамда совет ҳокимияти миллий ва иқтисодий сиёсатининг баъзи жиҳатлари ёритилган.

Шунингдек, хорижда яратилган баъзи тарихий тадқиқотларда⁸ Ўрта Осиёда районлаштириш сиёсати муаммосининг айрим жиҳатлари кўрсатилган ҳолос. Бироқ ҳозиргача яратилган барча тадқиқотларда Ўрта Осиёда 1926 йили ўтказилган районлаштириш сиёсатининг Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига таъсири масалалари махсус ўрганилмаган.

Манбаларнинг бошқа турини архив ҳужжатлари ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг архиви, шунингдек, Бухоро вилояти

тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган 6-нашр. – Тошкент: «O‘zbekiston», 2015; Rajabov Q., Zamonov A. O‘zbekiston tarixi (1917–1991-y.). 10-sinf o‘quvchilari uchun darslik. – Toshkent: G‘ofur G‘ulom nashriyoti. 2017 va b.

¹ История России XX век. Ответственный редактор: В.П. Дмитренко. – Москва: АСТ, 2000; Ратьковский И.С., Ходяков М.В. История советской России. – Санкт-Петербург: Лань, 2001; История Башкортостана 1917–1990-е годы. В двух томах. Том первой. 1917–1945. – Уфа: Гилем, 2005; История России с древнейших времен до наших дней. Под редакцией А.Н. Сахарова. – Москва: Проспект, 2014; Уроки Октября и практики советской системы 1920–1950-е годы. Дебаты. Материалы X международной научной конференции. Москва, 5–7 декабря 2017 г. – Москва: РОССПЭН, 2018.

² Очерки истории Украины. Под общей редакцией П.П. Толочко. – Киев: Киевская Русь, 2010.

³ История России XX век. Под редакцией В.И. Меньковского и О.А. Яновского. – Минск: РИВШ, 2005; История Беларуси. Польный курс. – Минск: Изд. Юниперс, 2010.

⁴ Мамедов И. История Азербайджана (с древнейших времен до наших дней). – Баку, 2009.

⁵ История Казахстана. В пяти томах. Том 4. Казахстан в советский период. – Алматы: Атамура, 2010.

⁶ Османов О. История Кыргызстана (С древнейших времен до наших дней). – Бишкек: Мезгил, 2017.

⁷ История таджикского народа. Том V. Новейшая история (1917–1941 гг.). – Душанбе, 2004.

⁸ Hayit B. Turkistan Rusyaile Gin arasinda. – Istanbul: Otac yayinlari, 1975; Khalid A. Making Uzbekistan. Nation, Empire and Revolution in the Early USSR. – London: Cornell University press, 2015.

давлат архиви, Самарқанд вилояти давлат архиви, Фарғона вилояти давлат архиви, Тошкент вилояти давлат архиви материалларидан фойдаланилган. Бундан ташқари монографиядани ёзишда манбаларнинг бошқа тури: ўша давр матбуоти материаллари ва хотиралардан ҳам кенг фойдаланилган.

1.2. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Туркистон ўлкасининг йирик шаҳарлари бўлган Тошкент, Самарқанд, Скобелев (ҳозирги Фарғона), Андижон ва бошқа катта шаҳарларда 1917 йил ноябрда совет ҳокимияти ўрнатилди. Большевиклар ва сўл эсерлар худди Россиянинг марказий шаҳарлари бўлган Петроград ва Москвада бўлгани сингари Туркистонда ҳам ҳокимиятни зўравонлик билан босиб олдилар. 1917 йил 15–22 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон Советлари ишчи, солдат ва крестьян депутатларининг III ўлка съездида Ф. Колесов бошчилигида Туркистон ўлка Халқ Комиссарлари Совети ташкил қилинди. Бироқ ўлкадаги дастлабки совет ҳукумати таркибига сайланган 15 нафар «халқ комиссарлари» таркибида бирорган ҳам маҳаллий аҳоли вакиллари киритилмади¹.

Бу ҳолдан қаттиқ норози бўлган Туркистон тараққийпарварлари ва жадидлари ҳамда демократик кайфиятдаги миллий сиёсий ташкилотларнинг вакиллари, хусусан, «Шўрои Исломия» ҳамда Туркистон ўлка Мусулмонлари Шўроси (Миллий Марказ) вакилларининг катта қисми Тошкентдан Фарғона водийсининг муҳим сиёсий ва маданий маркази Қўқон шаҳрига келиб жойлашдилар. Улар сафида Мустафо Чўқай ва Маҳмудхўжа Бехбудий сингари таниқли сиёсий арбоблар бор эди.

Қўқон шаҳрида 1917 йил 26–28 ноябрда (янги ҳисоб билан 9–11 декабрда) бўлган Бутунтуркистон мусулмонларининг фавқулудда IV қурултойида Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил қилинди. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг Бош вазири лавозимида аввал Муҳаммаджон Тинишбоев, сўнгра Мустафо Чўқай самарали фаолият кўрсатди. Бироқ мухторият ҳукуматининг фаолияти Тошкентда ҳокимиятни

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я. Раджапова. – Ташкент: Шарк, 2000. – С. 70–76; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М. Жўраев. – Тошкент: Шарк, 2000. – Б. 47–50.

зўравонлик билан эгаллаган большевиклар ва сўл эсерлар ҳокимиятига ёкмади. Улар 1918 йил январь ойи охири ва февраль ойи бошларида Тошкент, Қизил Ўрда, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарлардан куролли отрядлар (улар асосан қизил гвардиячилар, дашноқ дружиналари ва бошқалардан иборат бўлган) жўнатиб, 1918 йил 22 февралда Қўқон шаҳрини босиб олишди ҳамда Туркистон Мухторияти ҳукуматини тугатишди¹. Қўқон шаҳри ва атрофлари талон-торож қилинди, ўн мингдан ортиқ тинч аҳоли ўлдирилди. Мусулмонлар оммавий равишда қирғин қилинди².

Туркистон Мухторияти ҳукумати ағдариб ташлангач, миллий тараққийпарварлар ва истиқлолчилар қўлга қурол олиб, совет режими ва большевикларга қарши қуролли ҳаракатни бошлаб юбордилар. Улар мустақилликни фақат қўлга қурол ёрдамида қўлга киритилишига умид боғладилар. Совет ҳокимияти йилларида «босмачилар» деб қораланган бу ҳалқ фарзандлари аслида истиқлолчилар эди.

Бундан ташқари 1918 йил бошларидан бошлаб Турор Рискулов, Тошхўжа Ашурхўжаев, Назир Тўракулов, Низомиддин Хўжаев, Султонхўжа Қосимхўжаев сингари бир гуруҳ маҳаллий миллат вакиллари совет ҳокимияти томонига ўтиб, большевиклар партиясига аъзо бўлишди. Кейинчалик тарихий адабиётларда «миллий коммунистлар» номи билан тилга олинган бу миллий раҳбар ходимлар совет ҳокимияти идораларида турли лавозимларда фаолият кўрсатишди.

1918 йил 20 апрель – 1 майда бўлиб ўтган Туркистон ўлка Советларини V съездида РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР) тузилди³. Съезд делегатлари совет давлати ва большевиклар партиясининг раҳбарлари В.И. Ленин ва И.В. Сталиннинг кўрсатмаси асосида 30 апрелда «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси ҳақидаги Низом»ни қабул қилдилар. Ушбу Низом Туркистонда автоном республика тузилганли-

¹ *Аъзамхўжаев С.* Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси: – Тошкент: «Маънавият», 2000. – Б. 146–149.

² *Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С.* Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. – Тошкент: «O'zbekiston», 2015. – Б. 152.

³ *Гордиенко А.А.* Образование Туркестанской АССР. – Москва: «Юридическая литература», 1968. – С. 211–215.

гини эълон қилди. Низомнинг дастлабки икки моддаси қуйидагича кўринишда бўлган:

«1. Туркистон ўлкасининг ҳудуди Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси деб эълон қилинади. Туркистон Республикасининг таркибига бутун Туркистон мамлакатининг Хива ва Бухородан ташқари, ҳозирги жугрофий чегараси доирасидаги ҳамма ҳудуд киради.

2. Туркистон Совет Федератив Республикаси автоном тарзда бошқарилади, Россия Совет Федерацияси марказий ҳукуматини тан олади ва ўз фаолиятини у билан мувофиқлаштиради»¹.

Мазкур съездда Туркистон АССРнинг қонун чиқарувчи органи – 36 кишидан иборат (18 нафардан большевиклар ва сўл эсерлар кирган) Марказий Ижроия Комитетини сайланади. Туркистон АССР МИК раиси қилиб Марказдан юборилган фавқулудда комиссар Л.А. Кобозев ва ҳам раис қилиб А.Солькин сайланди. Шунингдек, Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети таркибига 16 нафар киши (9 нафар большевик ва 7 нафар сўл эсер) киритилди. Ф.Колесов Туркистон АССР ХКС раиси қилиб сайланди. Туркистондаги совет ҳокимияти органлари таркибига биринчи марта маҳаллий миллат вакилларида 4 киши: Сафо Жўрабоев, Собир Юсупов, Ш. Остонбоев, С. Азимбоев Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети аъзолигига сайланди ҳамда Саъдуллахўжа Турсунхўжаев (Соғлиқни сақлаш халқ комиссари) ва Тошхўжа Ашурхўжаев (Миллий ишлар халқ комиссари) Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети таркибига ҳукумат аъзоси сифатида киритилди².

1917–1918 йилларда Россия ва Туркистонда юз берган сиёсий ўзгаришлар Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ёш хиваликлар ва Ёш бухороликлар бу ҳудудларда сиёсий ҳокимиятни эгаллаш, монархияга асосланган подшолик тузуми ўрнига аввал конституциявий монархия (идораи маршрута), сўнгра демократик халқ республикаси ўрнатиш фикри билан чиқиб, Совет Россияси ва Туркистон АССРдаги большевиклар билан ҳамкорлик қилдилар.

¹ Положение о Туркестанской Советской Республике Российской Советской Федерации // Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Том II. – Ташкент «Фан», 1972. – С. 251–252; «Наша газета» (Ташкент). 5 мая 1918 г.

² *Ражабов Қ. Ҳайдаров М.* Туркистон тарихи (1971–1924 й.). – Тошкент: «Университет», 2002. – Б. 48.

1919 йил 22 декабрда Туркистон комиссияси (Турккомиссия) директивасига биноан Туркистон фронти ва Турккомиссия вакили Г. Скалов ва Амударё кўшинлари гуруҳининг кўмондони Н. Шчербаков Хива хонлиги ҳудудига «унинг қўзғолон кўтарган халқига ёрдам кўрсатиш учун» бостириб кириш тўғрисида буйруқ бердилар. Амударё кўшинлари гуруҳининг жангчилари икки отрядга: Н. Шайдаков кўмондонлигидаги шимолий отряд ҳамда Н. Шчербаков кўмондонлигидаги жанубий отрядларга бўлинди. Жанубий отряд таркибида хивалик қочоқлар (Ёш хиваликлар, коммунистлар ва б.)дан ташкил топган кўнгилли отряд ҳам курашди. 28 декабрда уларга Жунаидхондан норози бўлган Қўшмамедхон, Ғулом Алихон, Яхшигелди, Муродбахши каби туркман ва ўзбеклардан ташкил топган турли қуролли гуруҳлар қўшилди. Тез орада хивалик қўзғолончиларнинг умумий сони 3000 нафар кишига етди¹.

Совет кўшинлари Жунаидхон лашкари қаршилигини енгиб, Кўҳна Урганч, Хўжайли, Эминқалъа, Порсу, Илоли, Тошҳовузни қўлга киритди. Қизил аскарлар ва хонга қарши бўлган қўзғолончилар отрядлари 1920 йил январь ойининг иккинчи ярмида Ғозовот атрофида Жунаидхон кўшинига жиддий зарба бериб, Хива хонлиги пойтахтига яқинлашдилар ҳамда 1 февралда пойтахт Хива шаҳрини жангсиз қўлга киритдилар². Хива хони Саид Абдуллахон ўз ихтиёри билан тахтдан воз кечди.

Қизил аскарлар томонидан босиб олинган хонлик ҳудудида тинч аҳолига нисбатан ўзбошимчалик ва зўравонлик қилинди. Бу ҳақда ҳатто совет кўмондонлиги раҳбарлари ҳам тан олиб, турли ёзишмаларда бундай зўравонлик ҳолларини кўрсатиб ўтдилар. Масалан, Туркистон фронти Инкилобий ҳарбий кенгашининг мухтор вакили Г. Бройдо 1920 йил 6 апрелдаги буйруғида шундай деб айтган эди: «Жанглар вақтида ҳамда кўшинлар ва бизга иттифоқчи туркман отрядлари ҳаракати даврида Хива мамлакати бўйлаб аҳоли устидан кўплаб нотўғри хатти-ҳаракатлар ва зўравонлик қилинишига йўл қўйилди»³.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б. 119.

² Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. Главный редактор: И.И Минц. – Ташкент: «Фан», 1967. – С. 674–675.

³ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – С. 304.

Хивада 1920 йил февраль оyi бошларида коммунист Мулла Жуманиёз Султонмуродов раислигида 5 кишидан иборат Муваққат ҳукумат ташкил қилинди. Бу пайтда асосан Тошкентда бўлган Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошчилигидаги Ёш хиваликлар инқилобий комитетихонлик тузуми ағдарилгандан сўнг Хивага қайтиб келди. 1920 йил 27–30 апрелда Хивада бўлиб ўтган Бутунхоразм халқ вакилларининг I қурултойида Хива хонлиги бекор қилинди ҳамда Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилганлиги эълон қилинди. Қурултойда Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошчилигида Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси ташкил қилинди. Ҳукумат таркибига ўзбеклардан ташқари туркман, қорақалпоқ, қозоқ ва татарлар ҳам киритилди. Унда ХХСРнинг муваққат конституцияси қабул қилинди¹.

Совет ҳукумати ва большевиклар Хива хонлигини босиб олгач, асосий эътиборларини минтақадаги сўнгги миллий давлат – Бухоро амирлигини тугатишга қаратдилар. М.В. Фрунзе қўмондонлигидаги Туркистон fronti жангчилари амирлик ҳудудига яқин жойлаштирилиб, бутун ҳарбий кучлар 1920 йил август ойида Бухорога ҳужум қилишга тайёрлаб қўйилди.

1920 йил ёзида Бухоро амирлигида сиёсий вазият жуда ҳам кескинлашди. 25 августда қўмондон М. Фрунзе Туркистон fronti қўшинларига «қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида» буйруқ берди. Жанг ҳаракатларига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилиш учун Янги Бухоро (ҳозирги Когон) шаҳрига Туркистон комиссияси аъзоси ва янги ташкил топган РКП(б) МК Туркистон бюроси раисининг ўринбосари Георгий Сафаров жўнатилди. Қизил армия томонидан Бухоро шаҳрига ҳужум ҳам 29 августга ўтар кечаси бошланди. Ҳал қилувчи жанглар пойтахт Бухоро шаҳри дарвозалари яқинида рўй берди².

Бухоро босқинининг бевосита шоҳиди қуйидагича ёзган эди: «Шаҳар маркази ер билан яксон қилинди. Жанг давомида юзлаб замбараклар ва самолётлар ишга солинди. Минглаб снарядлар ва бомбалар Эски Бухоро устига ёғдирилди. Шаҳар химоячиларидан ташқари кўплаб бегуноҳ кексалар, аёллар ва болалар ҳалок бўлди. Аҳолининг

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б. 120–122.

² *Ражабов Қ.* Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920–1924 й.). – Тошкент: «Маънавият», 2002. – Б. 12.

юзлаб уй-жойлари, меъморчилик ва тарихий обидалар ер билан яксон бўлди. Регистон ёндирилди»¹.

Бухоронинг манғитлар сулоласидан бўлган сўнгги ҳукмдори Амир Саид Олимхон кейинчалик ўз хотираларида бу фожиаларни куйидагича тасвирлайди: «Бу уруш асносида душман тахминан Бухоронинг ярмини тўп ва пулемётдан ўққа тутиб, кўп талафот етказди. Улар ўн битта тайёра (аэроплан) билан Бухоро шаҳри устида ҳавода парвоз этиб, бомба ёғдирдилар»².

Хуллас, 1920 йил 2 сентябрда Туркистон фронти қўшинлари каттиқ жанглардан сўнг Бухоро шаҳрини эгаллашди. Амир Саид Олимхон пойтахтдан чикиб, аввал Ғарбий Бухоро ва Ўрта Бухоро худуди орқали Шарқий Бухорога жўнади, сўнг 1921 йил март ойида Афғонистон худудига ўтиб кетишга мажбур бўлди.

1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, Инқилобий кўмита ва Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг умумий йиғилишида Абдулқодир Муҳитдинов раислигида 9 кишидан иборат Бутунбухоро Инқилобий Қўмитаси (Марказий ревком) ҳамда Файзулла Хўжаев раислигида 11 кишидан ташкил топган республика ҳукумати – Халқ Нозирлар Шўроси ташкил топди³.

1920 йил 6 – 8 октябрда Бухоро амирининг ёзги саройи Ситораи Моҳи Хосада Бутунбухоро халқ вакиллариининг I қурултойи бўлди. Унда Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топганлиги қонуний тасдиқланди.

1920 йил 13 сентябрда Москвада РСФСР билан ХХСР (Хоразм Халқ Совет Республикаси) ўртасида Иттифок шартномаси, шунингдек, ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий битимлар тузилди⁴. Бу ҳужжатлар, бир томондан, мамлакатдаги тўнтариш натижасида ўрнатилган тузумни мустаҳкамлашган ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан, унинг РСФСРга тўлиқ қарамлигини қонунлаштирди.

¹ Бу ҳақда қаранг: Генис В. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // «Вопросы истории» (Москва). 1993. №7. – С. 49–50.

² *Амир Сайид Олимхон*. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Форсийдан таржима, мукаддима ва изоҳлар муаллифи: А. Ирисов. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 15.

³ *Файзулла Хўжаев*. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Тошкент: «Фан», 1997. – Б. 17.

⁴ История Хорезмской Народной Советской Республики (1920–1924 гг.). Сборник документов. – Ташкент: «Фан», 1976. – С. 56–64.

1921 йил 4 мартда Москвада БХСР (Бухоро Халқ Совет Республикаси) билан РСФСР ўртасида Иттифок шартномаси ва иқтисодий битим тузилди¹. Бу ҳужжатлар ХХСР сингари Бухоро Халқ Совет Республикасини ҳам РСФСРга ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам бўлганлигини қонун йўли билан мустаҳкамлади².

1920 – 1924 йилларда Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР совет республикалари сифатида фаолият кўрсатдилар. Бу пайтда Туркистон АССР РСФСР таркибига автоном республика сифатида кирган бўлса, Бухоро ва Хоразм республикалари мустақил давлат сифатида аввал РСФСР ва сўнгра 1922 йил 30 декабрда СССР тузилгач, у билан ўзаро муносабатга киришдилар.

Туркистон АССР ҳукуматининг ташқи сиёсий фаолияти РСФСР ҳукумати томонидан қонунийлаштирилган эди. 1918 йил сентябрь ойининг охирида РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлиги Эрон давлати ва Хитойнинг чегара ҳудудларидаги консулларини бошқариш «Ўлка Советига топширилишини» маълум қилди³.

1919 йил 4 ноябрда Марказнинг Туркистон ишлари бўйича махсус комиссиясининг (Турккомиссия)нинг Тошкентга етиб келганидан сўнг Туркистон АССР Ташқи ишлар халқ комиссарлиги тарқатиб юборилди, унинг шахсий таркиби вamuлки эса янги келган комиссия ихтиёрига топширилади. Туркистон комиссияси қошида РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлигига бўйсунадиган Ташқи алоқалар бўлими ташкил қилинади.

Ташқи ишлар халқ комиссарлиги тарқатилганидан сўнг Туркистоннинг барча шахслари ҳамда муассасалари Туркистон комиссиясининг Ташқи алоқалар бўлими орқали чегарадош давлатларнинг ҳукумат муассасалари ҳамда уларнинг вакиллари билан алоқада бўлишлари мумкин эди⁴.

1919 йил ноябрь оyi бошларида РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссари ўринбосари ўзининг Тошкентга юборган телеграммасида бу ҳолатга қуйидагича аниқлик киритади: «Туркистон Марказий Ижро-

¹ История Бухарской Народной Советской Республики (1920–1924 гг.). Сборник документов. – Ташкент: «Фан», 1976. – С. 194–195, 198–203, 204–205.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилик даврида... – Б. 130 – 131.

³ «Трудовая мысль» (Марв), 1 октября 1918 г.

⁴ Ўзбекистон миллий архиви, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 206-иш, 225-варақ.

ия Комитетига фақатгина Марказ рухсати билан қўшни давлатларга вакилларни тайинлаш ҳуқуқи берилади». Кейинчалик Туркистон комиссиясининг Ташқи алоқалар бўлими Ўрта Осиёдаги РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлиги ваколатхонасига айлантирилди¹.

БХСРнинг ташқи сиёсатида РСФСР билан амалга оширилган ҳамкорлик муносабатлари характерлидир. РСФСР ҳукумати икки ўртада тузилган шартномалар, шунингдек, Бухородаги мухтор вакиллар орқали БХСР ташқи сиёсатини назорат қилди. Туркистон комиссиясининг 1920 йил 10 сентябрда бўлиб ўтган йиғилишида РСФСР ҳукуматининг БХСРга нисбатан тутадиган сиёсатининг асосий йўналишлари деярли белгилаб берилган эди. Йиғилишда ҳар икки мамлакат ўртасида мавжуд бўлган божхона чегараларини олдинги тартибда сақлаб қолиш, Бухородан моддий бойликларни олиб чиқиб кетиш, Бухоро ҳудудида мавжуд бўлган темирйўл тармоқларининг БХСР ихтиёрига ўтишига йўл қўймаслик, барча эски ваколатхоналарни тугатиш, Бухоро ва Хива ўртасида ўзаро вакиллар айирбошлашни йўлга қўйиш, ҳар икки томон ваколатхоналари устидан РСФСР вакилининг раҳбарлигини ўрнатиш, РСФСР манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Бухоронинг Афғонистон билан дипломатик муносабатлари сақлаб қолинади деб қарор қабул қилинди. 1920 йил 6 ноябрда РСФСР билан БХСР ўртасида Иттифоқ шартномаси², 1921 йил 4 март куни эса ҳар икки давлат ўртасида муваққат ҳарбий – сиёсий шартнома тузилди. Юқоридаги шартномалар БХСРнинг мустақил ташқи сиёсат юритишини чеклашга қаратилган эди. 1921 йил 28 февралда РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссари Г.Чичерин «Бухоро масаласи» бўйича лойиҳа тақдим қилди³.

РСФСР вакиллари Бухорони молиявий томондан ҳам ўз назоратлари остида ушлаб туришга қаратилган тадбирларни амалга оширдилар. Бухоро бозорида РСФСРнинг 1919 йилдаги пул бирликлари амал қилиши масаласига асосий восита сифатида қаралди.

Бундан ташқари БХСРнинг ташқи бозордаги фаолияти масаласи ҳам РСФСР савдо ташкилотлари томонидан назорат қилинадиган бўлди. Йирик миқдорда савдо ишлари олиб бориладиган мамлакатларда

¹ Ўзбекистон миллий архиви, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 217-иш, 54-варак.

² История Бухарской Народной Советской Республики. – С. 194–195.

³ История Бухарской Народной Советской Республики. – С. 198–203.

РСФСР савдо ваколатхоналари қошида БХСРнинг ваколатхоналари очилишига рухсат берилди¹.

Ҳар икки давлат ўртасида 1922 йил 9 августда божхона битими имзоланди². Давлатлар ўртасида тузилган ушбу божхона битими ҳам ҳукукий жиҳатдан БХСР мустақиллигини чеклашга қаратилган эди.

БХСР ҳукумати РСФСР билан сиёсий алоқаларини амалга ошириш учун Москвада ўзининг сиёсий ваколатхонасини, Петроград ва Полторацк (ҳозирги Ашхобод) шаҳарларида консулхоналарини ташкил қилган эди. 1921 йил 1 майдан 1922 йил 6 майгача БХСРнинг РСФСР ҳукуматидаги мухтор вакили М. Саиджонов, кейинчалик М. Бурхонов, икки йил давомида Отаулла Хўжаев, 1924 йилда Абдурахим Юсуфзода БХСРнинг СССР ҳукуматидаги мухтор вакили бўлиб ишлади³. Москвада сиёсий ваколатхонадан ташқари савдо бўлими, «Қизил Шарк» фабрикаси, «Бухоро Маориф уйи»⁴ мавжуд бўлган.

БХСР ҳукумати ўз қўшнилари Туркистон АССР ва ХХСР билан ўзаро тинчлик асосида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тарафдори бўлган эди. БХСР ҳукумати Туркистонда бош консуллик, Хоразмда ўз ваколатхоналарини ташкил қилади. БХСР ва ХХСР ўртасида 1922 йил февралда тузилган 15 моддадан иборат шартнома ҳар икки мамлакат манфаатларини акс эттирган⁵. Ҳар икки республика ўртасида ўзаро вакиллар алмаштирилди. Бироқ БХСРнинг Туркистон билан муносабатлари РСФСР органларининг иштирокида олиб борилди. 1921 йил 30 июнда Бухородан Туркистонга 500 000 пуд⁶ ғалла жўнатиш, унинг 30 000 пудини дарҳол Фарғона вилоятига етказиб бериш ҳақида Туркистон комиссияси қарор қабул қилган эди. Бухородан Туркистон ва Россияга жўнатишган катта миқдордаги ғалла маҳсулотлари Фарғона ва Самарқанд вилоятларида давом этаётган очарчиликни тугатишга хизмат қилди. Шунингдек, БХСР билан Туркистонда фаолият олиб борган «Хлебопродукт», «Турквино» ва бошқа ташкилотлар билан савдо-сотиқ муносабатлари йўлга қўйилди.

¹ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 33-варак.

² Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 179-иш, 3–5-вараклар.

³ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 194-иш, 134-варак.

⁴ Қаранг: Иноятов С.И., Алауов А.А. Бухарский дом просвещения в Москве. – Навои, 1996. – С. 17–18.

⁵ «Бухоро ахбори» (Бухоро), 1922 йил 11 февраль.

⁶ Бир пуд – 16, 38 килограммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

Совет ҳокимияти ва большевиклар минтақани советлаштириш жараёнида турли иқтисодий кенгашлар ва комиссиялар тузишга алоҳида эътибор қаратди. Ана шундай иқтисодий кенгашларнинг дастлабкиси 1921 йил февраль ойида Тошкентда ташкил этилган Туркистон Иқтисодий Кенгаши (Турк ЭКОСО) ҳисобланади¹. Туркистон АССР вилоятларида эса вилоят иқтисодий кенгашлари тузилди. 1921 йил 6 октябрда Туркистон АССР МИК ва ХКС унинг фаолиятини кучайтириш мақсадида Низом қабул қилинди. Низомда Туркистон Иқтисодий Кенгаши Туркистон АССРда олий хўжалик органи бўлиб, у ўз фаолиятида Туркистон ХКС ва МИК олдида масъул эканлиги ва унинг барча кўрсатма ва қарорлари халқ комиссарликлари ва ташкилотлари учун бажарилиши шарт эканлиги кўрсатиб ўтилди².

1921 йил 12 мартда Бухоро Иқтисодий Кенгаши³ ҳамда 1921 йил май ойида Хоразм Иқтисодий Кенгаши ташкил қилинди. Туркистон Иқтисодий Кенгашига Николай Паскуцкий, Бухоро Иқтисодий Кенгашига Муҳитдин Мансуров ва Хоразм Иқтисодий Кенгашига Шокир Сиддиқов раис қилиб тайинланди⁴.

РКП (б) Марказий Комитети ҳали 1921 йил октябрь ойидаёқ Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини хўжалик томонидан қайта тузилишини, бу республикалар билан совет Россиясининг хўжалик курсларини бирлаштириш кераклигини зарур деб топган эди. 1922 йил 13 февралда РКП(б) МК Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини иқтисодий бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

1922 йил 9 мартда бўлган РКП (б) МК Туркистон бюросининг мажлисида Ўрта Осиё республикалари конференциясини тайёрлаш учун С Гусев раислигида комиссия тузилди. Бўлажак конференция Ўрта Осиё республикалари иқтисодий жиҳатдан бирлаштириши ва РСФСРдан юборилган фармойишлар асосида уни бошқариш режасини белгилаши керак эди.

¹ *Ражабов Қ., Ҳайдаров М.* Туркистон тарихи (1971–1924 й.). – Тошкент: «Университет», 2002. – Б. 88–89.

² *Ҳайдаров И.* Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917–1934 й.). – Тошкент: «Abu matbuot- konsalt», 2008. – Б. 24.

³ *Пардаев А.* Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1917–1924 й.). – Тошкент: «Yangi nashr», 2015. – Б. 90.

⁴ *Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С.* Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашри. – Б. 165–166.

1923 йил 5–9 мартда Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё республикалари – Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг I иқтисодий конференцияси чақирилди. Конференция фаолиятига РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси номидан Исидор Любимов раҳбарлик қилди. Конференцияда ҳар бир республиканинг иқтисодий аҳволи тўғрисидаги асосий маърузаларни Туркистон Иқтисодий Кенгаши раиси Н. Паскуцкий, Бухоро Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаев, Хоразм Марказий Ижроия Комитети вакили Отажонов қилишди. Шунингдек, конференцияда молиявий аҳвол бўйича Иевлев ва Любимов маърузалари ҳам тингланди¹.

Конференцияда учта республикадан келган вакиллар ўз давлатларидаги иқтисодий аҳвол билан анжуман қатнашчиларини батафсил таништирдилар. Уларнинг нутқларида учала республиканинг моддий ва маънавий бирликка эга эканлиги қайд этиб ўтилди. Ҳатто Хоразм Марказий Ижроия Комитети вакили Отажонов ўз сўзида «балиқ сувсиз яшай олмаганидек, биз ҳам Россия ва Туркистонсиз яшай олмаимиз», деб гапирди. Вакиллар республикаларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги (асосан, пахтачилик), ирригация, саноатни тиклаш учун зарур эканлигини таъкидлашди. Ўрта Осиё иқтисодий районидаги қишлоқ хўжалиги ва саноатни Россия халқ хўжалиги билан бирлаштириш кераклиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Конференцияда Туркистон АССР ХКС раиси Турор Рискулов ташкилий масала бўйича маъруза қилди². У ўз сўзида учала республикани иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришни асослашга ҳаракат қилди. Марказ вакили И. Любимов ва РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси Я. Рудзутак конференцияда бу хусусда сўзлашни айнан маҳаллий халқларнинг вакили Т. Рискуловга топширгани характерли ҳолдир. Чунки Т. Рискуловнинг нуфузи ўша пайтда туркистонликлар ўртасида жуда баланд бўлган.

Т.Рискулов ўз маърузасида Туркистонда ўтказилаётган иқтисодий районлаштириш тўғрисида, «*Районлаштиришнинг мақсади* ва асоси шундан иборатки, биз чоризм давридагига қараганда давлат қурилишида катта ўзгаришлар қилишни хоҳлаймиз. Биз бу ўзгаришлар мам-

¹ Первая экономическая конференция. Средне-Азиатских республик – Туркестана, Бухары и Хорезма. 5–9 марта 1923г. Стенографический отчёт. – Ташкент: Туркго-сиздат, 1923. – С. 5–6.

² Бюллетень Первой Экономической Конференции Средне-Азиатских республик. (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). №5. 8 марта 1923 г. – С. 12.

лакат иқтисодиётида амалга ошишини, яъни қишлоқнинг шаҳар билан алоқаси яхшиланишини хоҳлаймиз. *Иқтисодий районларнинг Маркази* фабрика-заводларнинг марказлари бўлиши шарт: бу масаланинг бир томони, бошқа томони эса комбинациялашган ҳўжалик ташкил қилишдир. Чоризм ҳукумати даврида сиёсат бошқа томонга йўналтирилган эди. Метрополия ва чекка ўлкалар – мамлакатлар мавжуд бўлиб, улардаги хом ашё Марказга жўнатилади. Лекин эдиликда, *районлаштириш принципида*, бошқа шароитлар юзага келади: бу ердаги маълум *иқтисодий районларда* нафақат ер ости бойликларини қазиб олувчи саноат, балки қайта ишловчи саноат билан ҳам шуғулланиш, шу ернинг ўзида хом ашёни завод ва фабрикаларда қайта ишлаш мумкин ва бундай қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу завод ва фабрикаларни фақат Федерация марказида ташкил қилиш шарт эмас». Бу маърузада Т. Рискулов Ўрта Осиё республикаларида, жумладан, Туркистон АССРда ўтказилиши лозим бўлган иқтисодий районлаштириш масалаларига илк марта тўхталиб ўтган. Шунингдек, у ўз сўзида Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий бирлаштиришда етакчилик роли Туркистон Республикаси зиммасига тушишини таъкидлаб, буни саноатнинг кўплаб тармоқлари шу ерда қурилганлиги, темир йўл устахоналари, нефть ва кўмир конларининг мавжуд эканлиги билан изоҳлайди¹.

Конференциянинг 1923 йил 9 мартда бўлган охириги мажлисида Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиниб, *Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО)* ташкил қилинди². Конференцияда 10 нафар кишидан иборат Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиуми тузилиб, унга РСФСРдан 1 вакил (Любимов), Туркистондан 4 вакил (Хидиралиев, Паскуцкий, Прибитков, Рискулов), Бухородан 3 вакил (Отахўжаев ва б.), Хоразмдан 2 нафар вакил (Якубов, Сарсенбаев) сайланди. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши раиси қилиб Турк ЭКОСОНинг бошлиғи Н. Паскуцкий тайинланди³.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ихтиёрига уч республиканинг ҳўжалик режаларини кўриб чиқиш ва уйғун-

¹ Бюллетень Первой Экономической конференции... №5. 8 марта 1923 г. – С. 10–11.

² *Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари.* 6-нашри. – Б. 169.

³ Бюллетень Первой Экономической конференции... №6. 9 марта 1923 г. – С. 4.

лаштириш, барча Ўрта Осиё совет республикалари учун умумий қонун шаклларини ишлаб чиқиш, савдо ва молия сиёсатига умумий йўналиш бериш масалалари кирар эди. Кенгаш транспорт, алоқа, мелiorацияни яхшилашга оид ишларни умумий йўналишини белгилаб берар, шунингдек, ўлкадаги хом ашё ва ёқилғи ресурсларини ҳисобга олиб, уларни Марказга жўнатиш учун тайёрлаб қўяр эди. Бир сўз билан айтганда, бу кенгаш вазифасига Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари халқ хўжалигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, Ўрта Осиё аҳамиятига эга бўлган иқтисодий масалаларни мувофиқлаштириш юклатилган эди.

Марказлашган ягона иқтисодий кенгашнинг тузилиши билан большевиклар ва совет ҳукумати минтақани советлаштириш жараёнини авж олдиришди. Иқтисодий кенгаш ташкил қилингандан сўнг орадан кўп ўтмай, аввал Бухоро, сўнгра Хоразм совет халқ республикалари бу мақомдан маҳрум қилиниб, улар сунъий тарзда социалистик республикаларга айлантирилди. БХСР ва ХХСР тобора Марказга қарам бўла бошлади. 1923 йил 11 сентябрда БХСРнинг Тошкентдаги бош консуллигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундай қарорлар орқали Марказ тобора тезроқ Бухоро ва Хоразм республикалари иқтисодиёти-ни ҳам ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилди.

1.3. Туркистон АССРда районлаштириш сиёсатининг ўтказилиши

Россия империясининг катта ҳудудида совет ҳокимияти асосан қарор топгач, 1920–1921 йилларда большевиклар томонидан районлаштириш сиёсатига алоҳида эътибор қаратилди. Совет, партия ва хўжалик органлари улкан мамлакатда иқтисодий ва ҳудудий районлаштириш ўтказилишини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ҳаракат қилдилар. Бу сиёсат Туркистон АССРда ҳам ўтказилди.

Бутунроссия Советларининг Москвада 1920 йил декабрда чакирилган VIII съездида «ҳарбий коммунизм» сиёсати даврида шаклланган давлат аппарати марказлаштирилишини қайтадан кўриб чиқиш мақсадида Россияни районлаштириш масаласи илк марта қўйилди¹. Рай-

¹ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск I-ый. Сборник статей по районированию Туркестана. Под редакцией Председателя Подкомиссии по районированию Д. Красновского. – Ташкент: Издание ТЭС, 1922. – С. 1.

онлаштириш масаласи қўйилганда дастлаб хўжалик frontiда Марказ билан жойлардаги меҳнат тақсимотини амалга ошириш ҳамда халқ хўжалиги барча соҳаларидаги техник базасини қайта қуриш режаларини амалга ошириш мўлжалланди. Бутунроссия Советларининг VIII съезди Россияни районлаштириш масаласининг бутун икки-чикирларини ишлаб чиқишни Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетига (ВЦИК-ка) топширди¹.

БМИҚ (ВЦИК) томонидан ишлаб чиқилган асосий таклифлар Бутунроссия Советларининг 1921 йили ўтказилган IX съездида маъқулланди ҳамда Туркистон ва унинг маркази Тошкент шаҳри йирик автоном миллий бирлашма сифатида Россия Федерациясининг алоҳида иқтисодий райони деб эълон қилинди.

Туркистон АССРнинг ички тузилишидаги тўлиқ номутаносибликларни қўрган Туркистон Иқтисодий Кенгаши, Бутунтуркистон Советларининг X съезди (1921 йил сентябрь) қарорига биноан республикадаги районларни кичик ҳудудий ва маъмурий-хўжалик чегараларда ўша пайтда мавжуд бўлган областлар (губерниялар) чегарасини ўзгартирган ҳолатда тузишга киришди. Бунинг учун Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши қошидаги Давлат режа комиссияси (Госплан) ҳузурида районлаштириш бўйича махсус кичик (ёрдамчи) комиссия (подкомиссия) тузилди.

Районлаштириш ёрдамчи комиссияси Туркистонни (Хива ва Бухорони ҳам қўшганда) иқтисодий жиҳатдан қуйидаги 11 та кичик районлар (подрайонлар)га ажратди:

«1. Семиречье (Етисув) кичик райони (подрайон) ўзига Олмаота, Жаркент, Копал, Ўржар, Учорол уездларини бирлаштиради.

2. Чуй кичик райони Қорақўл, Пишпек уездлари ва қисман Авлиёота ва Туркистон уездларини бирлаштиради.

3. Арис-Талос кичик райони Пишпек, Авлиёота ва Туркистон уездларининг қолган қисмини бирлаштиради.

4. Қуйи Сирдарё кичик райони Қазали ва Перовск уездларини бирлаштиради.

5. Тошкент кичик райони Тошкент, Жиззах ва собиқ Ўратепа уездларини бирлаштиради.

¹ *Хакимов М.Х.* Развитие национальной советской государственности в Узбекистане в период перехода к социализму. Основные проблемы. – Ташкент: «Наука», 1965. – С. 321.

6. Самарқанд кичик райони Самарқанд ва Каттақўрғон уездларини бирлаштиради.

7. Фарғона кичик райони қисман Хўжанд (у 1922 йил бошларигача мустақил уезд бўлган); Қўқон, Наманган, Андижон, Фарғона, Ўш ва Норин уездларини бирлаштиради.

8. Қуйи Амударё кичик райони Хива ҳамда Амударё областини ўзига бирлаштиради.

9. Закаспий кичик райони бутун Туркман областини ўзида бирлаштиради.

Бухоро Республикаси 2 та кичик районга ажратилади:

10. Ўрта Амударё кичик районига Фарбий Бухоро киради.

11. Юқори Амударё кичик районига Шарқий Бухоро киради»¹.

Табиийки, Туркистондаги районлаштириш сиёсатини амалга оширишда Қирғизистон АССР [Қозоғистон АССР] ҳудуди эътиборга олинмаган. Тарихдан маълумки, Қирғизистон АССР (пойтахти – Оренбург) 1920 йил 26 августда РСФСР таркибида ташкил топган бўлиб, унда асосан қozoқлар ва руслар яшаган. Қирғизистон, яъни Қозоғистон АССР ташкил қилинган пайтда Туркистон АССР ҳудудининг катта қисми, Марказ томонидан унга берилди. Бироқ ҳали бу пайтда районлаштириш масаласи кўтарилмаган эди.

Расмий маълумотларда ёзилишича, Туркистонни районлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқишда Россия Федерацияси (РСФСР) Госплани ҳузуридаги районлаштириш бўйича ёрдамчи комиссия қўйидаги иккита ҳолатни эътиборга олган: сув тизими ҳамда мавжуд маъмурий бўлиниш. Биринчи ҳолатга масалан Чуй кичик районини тузишда, иккинчи ҳолатга эса Зарафшон водийсидаги иккита кичик районни ташкил қилишда эътибор қаратилган².

Туркистон Иқтисодий Кенгаши Госплани ҳузуридаги районлаштириш ёрдамчи комиссияси³ райиси Д. Красновскийнинг 1922 йил 27 май-

¹ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск I-ый... – С. 2.

² Материалы по районированию Туркестана. Выпуск I-ый... – С. 2.

³ Аслини олганда бу комиссиянинг ўзаги 1920 йил кузида ташкил топган эди. Ўша пайтда районлаштириш масаласи биринчи марта Туркистон раҳбарияти олди-га қўйилганда Туркистон МИК (ТурЦИК)нинг 1920 йил 4 сентябрдаги қарори билан Марказий маъмурий комиссия (ЦАК) тузилиб, унинг таркибига Туркистондаги турли комиссарлик ва идоралар: Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД), Марказий Халқ Хўжалиги Кенгаши (ЦСНХ), Марказий статистика бошқармаси (ЦСУ), Ер ишлари халқ комиссарлиги (НКЗ) ва Озиқ-овқат халқ комиссарлиги (НКПрод) вакиллари кири-

да ёзишига қараганда, кичик районларга ажратиш белгилари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратилган:

1. Аҳоли.
2. Ер билан таъминланганлик.
3. Яйлов, ўрмон ва қўкаламзор жойлар нисбати.
4. Маданий экинлар нисбати (зироатчилик).
5. Чорвачилик.
6. Табиий-тарихий шарт-шароитлар¹.

Булардан ташқари Туркистонда ўтказилган районлаштириш масаласида халқ хўжалигининг қўллаб йирик соҳалари: саноат, транспорт, сув хўжалиги, савдо-сотиқ (тижорат) ва бошқалар ҳам эътиборга олинди. Районлаштириш сиёсатида 1917 ва 1920 йилларда ўтказилган Бутунроссия аҳолини рўйхатга олиш материалларидан ҳам кенг фойдаланилди².

Шу ўринда Туркистон Республикаси областлари ва уездларининг 1917 ва 1920 йиллардаги ҳудуди ва аҳолиси ҳақидаги маълумотларни қисқача тарзда бу ерда келтириб, таҳлил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

1917 йили Туркистонда 5 та область (Сирдарё, Семиречье, Фарғона, Самарқанд, Закаспий) ҳамда Амударё бўлими таркибида 27 та уезд бўлган бўлса, 1920 йили уларнинг миқдори 6 та область (Сирдарё, Амударё, Семиречье, Фарғона, Самарқанд, Туркман) ва 31 та уездга қўпайди (*1-иловага қаранг.*). Бироқ Туркистон ўлкаси ҳудуди 1917 йили 1 533 267 квадрат вёрста* бўлган бўлса, 1920 йили Туркистон АССР ҳудуди камайиб 1 337 847 квадрат вёрста бўлиб қолди³. Чунки Туркистоннинг 200 000 квадрат вёрста ҳудуди 1920 йил октябрда ташкил топган

тилди. 1921 йил декабрда бу комиссия Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС) Госплани ҳузуридаги ёрдамчи комиссия сифатида қайта ташкил қилиниб, унга раис Д.Красновскийдан ташқари Г. Карпов, А. Ледомский, профессор Н. Димо, профессор Н. Кажанов ва Н. Кузнецов аъзолар қилиб киритилди.

¹ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск I-ый. – С. 4–5.

² *Қаранг:* Материалы Всероссийских переписей. Перепись населения в Туркестанской Республике. Выпуск IV-ый. Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917 г. – Ташкент: Издание ЦСУ Туркеспублики, 1924; Материалы Всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Часть I. Поселенные итоги. Выпуск V-й. Поселенные итоги Самаркандской области. – Ташкент: Издание ЦСУ Туркеспублики, 1924 и др.

*Бир вёрста – тахминан 1 чақирим (1,0668 километрга тенг масофа ўлчови).

³ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск I-ый... – С. 20–21.

Қозоғистон АССРга берилган эди. Кейинчалик ҳам Туркистон АССР ҳудудининг жуда катта қисми бу автоном республикага берилди.

1917 ва 1920 йилларда ўтказилган Бутунроссия аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Туркистон Республикасининг кичик маъмурий бўлиниши қуйдагича бўлган: 1917 йили Туркистондаги област ва уездлар 32 та шаҳарга, 170 та шаҳар типидagi манзилгоҳлар ва темир йўл станцияларига, 603 та волостга ҳамда 4 658 та қишлоқ жамоаси ва овулларга бўлинган бўлса, 1 920 йили уларнинг миқдори 35 та шаҳарча, 156 та шаҳар типидagi манзилгоҳлар ва темир йўл станциялари, 466 та волост ҳамда 3 925 та қишлоқ жамоаси ва овуллардан иборат эди. Қишлоқ жойларидаги аҳоли манзиллари бутун республикада 1917 йили 9 461 та бўлган бўлса, 1924 йили уларнинг миқдори 8 916 тага камайди¹. Бироқ бу рўйхатдан маълум бўлишича, 1917 йилга нисбатан 1920 йили 1 та волостда яшовчи қишлоқ жамоалари ва аҳоли манзиллари ҳамда хўжаликлар миқдори ўртача ҳисобда сал кўпайган (2-иловага қаранг).

1920 йил Туркистон АССР маъмурий жиҳатдан 6 областга бўлинган. Бу областлар эса 31 та уезд, 466 та волост ва 3 925 та қишлоқ жамоасига тақсимланган.

Туркистон АССРдаги областлар ва уездлар:

1. Сирдарё областида 7 та уезд бўлган: Қазали, Перовск, Черняев, Туркистон, Авлиёота, Тошкент, Мирзачўл.

2. Амударё областида 2 та уезд бўлган: Шўраҳон, Чимбой.

3. Ёттисув (Семиречье) областида 7 та уезд бўлган: Лепсин, Копал, Жаркент, Қорақўл, Норин, Пишпек, Верний.

4. Фарғона областида 7 та уезд бўлган: Андижон, Ўш, Марғилон, Наманган, Қўқон, Хўжанд, Помир.

5. Самарқанд областида 4 та уезд бўлган: Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах, Ўратепа.

6. Туркман областида 4 та уезд бўлган: Марв, Тажан, Полторацк, Красноводск².

Туркистон Сув хўжалиги бошқармаси томонидан кейинги даврда районлаштириш масаласида қўпол бўлса ҳам дастлабки аниқ қарорлар қабул қилинган. Улар маъмурий чегараларни тан олмасдан кичик

¹ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск I-ый... – С. 30–31.

² *Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С.* Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашр. – Б. 165.

микёсдаги ирригация – маъмурий мақсадлардан келиб чиқиб, мавжуд бўлган область ва уездлар ўрнида округлар кесимидан фойдаланишди. Сув хўжалиги бошқармаси материалларида кўрсатилишича, Туркистон АССРдаги 31 та уезд ўрнига 31 та округ ташкил қилинади. Бу округлар қуйидагича бўлган:

- | | |
|-----------------------------|-----------------------------|
| 1. Қазали. | 17. Андижон. |
| 2. Перовск. | 18. Пишпек. |
| 3. Ташкент. | 19. Норин. |
| 4. Чимбой. | 20. Пржевальск. |
| 5. Шўрахон. | 21. Олмаота. |
| 6. Авлиёта. | 22. Жаркент. |
| 7. Прокаспий (Каспий бўйи). | 23. Копал. |
| 8. Полторацк. | 24. Лепсинск. |
| 9. Тажан. | 25. Тўқмоқ. |
| 10. Мурғоб. | 26. Ўш. |
| 11. Каттақўрғон. | 27. Ўржар. |
| 12. Самарқанд. | 28. Наманган. |
| 13. Жиззах. | 29. Черняевск. |
| 14. Хўжанд. | 30. Туркистон. |
| 15. Қўқон. | 31. Мирзачўл ¹ . |
| 16. Фарғона. | |

а) 1923 йил октябрда ХХСРнинг қабул қилинган янги Конституциясига кўра, ХХСР ҳудуди қуйидаги 4 вилоят: Ҳазорасп, Янги Урганч, Тошховуз, Хўжайли ҳамда ва 26 та туман (шўролар)дан иборат бўлган.

б) 1923 йил охирида БХСРнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига ҳам ўзгартириш киритилиб, у қуйидаги 8 та вилоят: Бухоро, Кармана, Нурота, Чоржўй, Қарши, Шаҳрисабз, Шеробод, Карки вилоятлари, улар 28 та туманга, шунингдек, Шарқий Бухорога бўлинган. Ўша йили Шарқий Бухоронинг ўзида ҳам маъмурий бўлиниш ўтказилиб, у 6 та вилоят: Сариосиё, Бойсун, Душанбе, Кўлоб, Қўрғонтепа, Фарм вилоятларига, бу вилоятлар эса 20 та туманга тақсимланган эди².

¹ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск I-ый. – С. 66.

² Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашр. – Б. 171.

в) Хоразм ССР миллий-худудий чегараланиш арафасида 3 та область: Қозоқ-Қорақалпоқ, Тошховуз, Янги Урганч областлари ҳамда Хива райониға, улар ўз навбатида 32 та шўроға бўлинган эди. Шўролар кўплаб оқсоқолликлар ва мачитлардан иборат бўлган. Ўзбекистон ССР таркибига бу маъмурий бирликлардан Янги Урганч области (Дарғоно-та ва Садивар қирмаган), Тошховуз областининг 7 та шўросидан 3 таси ҳамда бутун Хива райони кирган¹.

1924 йил бошларидан бошлаб Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилишиға тайёргарлик ишлари қизиб кетгач, 1924 йил кузида Туркистон Иқтисодий Кенгаши Давлат режа комиссияси хузуридаги районлаштириш комиссияси республикани маъмурий жиҳатдан уч бўғинли бошқарув усулини таклиф қилади: Марказ – Тошкент; округлар ва район волостлари. Бу даврда Туркистон АССРда мавжуд бўлган 6 та область, 31 та уезд ва 590 та волость ўрниға 12 та округ ва 150 та район волостлари Помир райони билан биргаликда тузилади². Туркистон АССРнинг маъмурий-хўжалик жиҳатдан бўлиниш лойиҳаси қуйидаги 12 та округдан иборат бўлган:

1. Саркан (11 та волость).
2. Олмаота (16 та волость).
3. Пишпек (16 та волость).
4. Чимкент (15 та волость).
5. Сирдарё (9 та волость).
6. Амударё (6 та волость).
7. Туркман (8 та волость).
8. Самарқанд (18 та волость).
9. Тошкент (9 та волость).
10. Қўқон (18 та волость).
11. Андижон (22 та волость).
12. Помир райони (2 та волость)³.

¹ *Хакимов М.Х.* Развитие национальной советской государственности в Узбекистане в период перехода к социализму. Основные проблемы. – Ташкент: «Наука», 1965. – С. 326.

² *Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С.* Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашр. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2015. – Б. 176–177.

³ Материалы по районированию Туркестана. Под редакцией Председателя Комиссии районирования Д.П.Красновского. Выпуск II-й. Проект административно-хозяйственного деления ТССР. – Ташкент: Издание ТЭС, 1924. – С. 3.

Туркистон АССРдан ташқари БХСР ва ХХСРда ҳам бу пайтда округлар ташкил қилинди. Масалан, 1924 йил 1 октябрда Бутунбухоро МИК қарори билан БХСРда маъмурий-худудий бўлиниш қайта ўтказилиб, вилоятлар ўрнида 5 та округ ташкил қилинди. Округлар ўз навбатида 15 вилоят, 48 туман, 195 кент ва қўплаб қишлоқларга бўлинди.

Зарафшон округи таркибида 3 та вилоят: Бухоро, Кармана, Нурота вилоятлари бўлиб, улар таркибида 8 та туман ва 2202 та қишлоқ бўлган.

Қашқадарё округи таркибида 2 та вилоят: Қарши ва Шаҳрисабз вилоятлари бўлиб, улар таркибида 9 та туман бўлган.

Сурхондарё округи таркибида 8 та туман бўлган.

Туркман (Амударё) округи таркибида 2 та вилоят: Карки ва Чоржўй вилоятлари бўлиб, улар таркибида 608 та қишлоқ бўлган.

Шарқий Бухоро таркибида 6 та вилоят: Қўлоб, Бойсун, Сариосиё, Фарм, Душанбе, Қўрғонтепа вилоятлари бўлиб, улар таркибида 3646 та қишлоқ бор эди¹.

Совет ҳокимияти томонидан ўтказилган районлаштириш сиёсати арафасида Ўрта Осиё худудива унинг умумий ҳолатини айрим округлар мисолида ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Дастлаб маъмурий жиҳатдан округлар ичида муҳим аҳамиятга эга бўлган Тошкент округи ҳақида тўхталиб ўтсак. Худуд жиҳатдан Тошкент округи улар ичида энг кичиги бўлишига қарамадан округнинг маъмурий маркази Тошкент шаҳрида жойлашган².

Ўрта Осиёда районлаштириш ўтказилиши арафасида, Туркистон АССР таркибида бўлган Тошкент округи шимолда Сирдарё областининг Туркистон, Чимкент ва Авлиёта уездлари билан, шимоли-шарқда Фарғона областининг Наманган уезди билан, жануби-шарқ ва жанубда Самарқанд областининг Хўжанд уезди билан, жануби-ғарб ва ғарбда эса Жиззах уездлари билан чегарадош бўлган³. Демак, Тошкент округининг ўша даврдаги худуди маъмурий марказни марказлаштириш учун амалга оширилган бўлса ҳам амалда бугунги Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилоятининг ташкил топишига асос бўлиб хизмат қилади.

¹ *Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С.* Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашр. – Б. 173–174.

² Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-й. – С. 3.

³ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-й. – С. 128.

Шу билан бирга ўша вақтда Тошкент округига кирган ҳудуднинг катта қисми бугунги кунда Сирдарё вилояти таркибига киради. XX асрнинг 20-йилларида Тошкент округининг ҳудуди 34,4 минг квадрат вёрстани, аҳолиси эса 635,9 минг киши бўлиб, шаҳар аҳолиси 37,0% (235,9 минг) киши ва қишлоқ аҳолиси эса 63,0% (400,3 минг) кишини ташкил этган. Округ бўйича 1 квадрат вёрстага ўртача 18,5 киши тўғри келган. Тошкент округи аҳолисининг 44,8% ни ўзбеклар, 25,6% ни қozoқ-қирғизлар, 12,8% ни руслар, 7,9% ни қурамалар, 2,2% ни тожиклар, 1,9% ни қорақирғизлар ва 4,8% ни татар, форс ва бошқа миллат вакиллари ташкил этган¹.

1923 йилдаги Туркистон районлаштириш комиссиясининг маълумотларига қараганда, Тошкент округи Туркистон АССРдаги 12 округ ичида аҳоли зичлиги ва шаҳар аҳолисининг миқдори жиҳатидан ҳам алоҳида ўринга эгаллиги билан ажралиб турган. Масалан, «Саркан округи аҳолисининг 2,6% шаҳарда, 97,4% қишлоқда; Олмаота округи аҳолисининг 14,1% шаҳарда, 85,9% қишлоқда; Пишпек округи аҳолисининг 8,1% шаҳарда, 91,9% қишлоқда; Чимкент округи аҳолисининг 12,3% шаҳарда, 87,7% қишлоқда; Сирдарё округи аҳолисининг 10,9% шаҳарда, 89,1% қишлоқда; Амударё округи аҳолисининг 4,5% шаҳарда, 95,5% қишлоқда; Туркман округи аҳолисининг 16,9% шаҳарда, 83,1% қишлоқда; Самарқанд округи аҳолисининг 19,4% шаҳарда, 80,6% қишлоқда; Қўқон округи аҳолисининг 20% шаҳарда, 80% қишлоқда; Андижон округи аҳолисининг 15% шаҳарда, 85% қишлоқда; Помир округи аҳолисининг эса 100% қишлоқларда истиқомат қилишган»². Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб таққосланса, Тошкент округи шаҳар аҳолисининг кўплиги жиҳатидан округлар ичидабиринчи ўринда турган, аҳоли зичлиги жиҳатидан эса Қўқон округидан сўнг иккинчи ўринда бўлган. Маъмурий марказнинг шаҳарда жойлашишини ҳисобга олсак, Тошкент шаҳри Туркистоннинг маркази қилиб тўғри танланган. Стратегик нуқтаи назардан ҳам шаҳарнинг қулай жойлашганлиги тўғри ҳисобга олинган.

Тошкент округида ҳар бир районда алоҳида аҳоли истеъмол эҳтиёжини қондириш учун бозорлар фаолият юритишган. Бозорлар ҳар доимдагидек, аҳолининг асосий олди-сотди жойлари бўлиб, улар ўл-

¹ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-й... – С. 129.

² Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-й... – С. 104–137.

канинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Бозорларга турли хил истеъмол моллари, хом ашё материаллари темир йўл ва бошқа йўллар орқали етказиб берилган ҳамда турли районларнинг иқтисодий тараққиётига жиддий таъсир кўрсатган. Савдо алоқалари округ доирасидаги районлар билан чегараланмасдан бошқа округлар билан ҳам олиб борилган. Жумладан, Тошкент округидан Қўқонга гуруч, ун, пахта, спирт маҳсулотлари, тамаки, тери, тола; Андижонга гуруч, нон, пахта, мевалар, спирт маҳсулотлари; Самарқандга тери; Чимкентга спирт маҳсулотлари, тери, ҳўл мевалар; Туркман округига гуруч, поллиз экинлари жўнатилган бўлса, Тошкент округига Сирдарёдан балиқ, тери; Қўқондан тошқўмир, нефть, тозаланган ёғ; Туркман округидан керосин, нефть; Андижондан тозаланган ёғ, тошқўмир, нефть, тола; Самарқанддан чой, спирт маҳсулотлари; Чимкентдан пахта, нон, тола ва бошқа ҳудудлардан ҳам турли хил маҳсулотлар келтирилган¹.

Туркистон АССР таркибидаги яна бир муҳим аҳамиятга эга бўлган округлардан бири Қўқон округи ҳисобланган. Дастлаб Қўқон округининг чегараларини Фарғона области Қўқон ва Наманган уездларининг шимоли-шарқий қисми ҳамда Самарқанд областининг Хўжанд уездининг айрим ҳудудларида тузиш режалаштирилган. Кейинчалик Қўқон округининг ҳудуди Хўжанд уездидаги Боғча-Исфара, Ғўлақандоз, Пистакўз, Нов, Унжи, Урал ва Чанкўли волостлари ҳудудидан иборат бўлди. Қўқон округи чегаралари Авлиёота уезидан бошланиб, у жануб ва жануби-ғарбга томон йўналиб Қўқон округи билан Чотқол воҳасини ажратган. Бундан ташқари Сирдарё областининг Тошкент, Мирзачўл уездининг Сирдарё районигача, Сирдарё районида жанубга Туркистонгача чўзилган. Округ ҳудуди кейинчалик: Самарқанднинг жанубий қисми ва Бухоро Республикаси, шимоли-шарқда – Фарғона областининг Фарғона ва Андижон уездлари (Норингача бўлган ерлар) ва шимолдан Семиречье (Еттисув) областининг Пишпек уезди билан чегараланган².

Марказнинг районлаштириш бўйича тузган Давлат режалаштириш комиссиясининг маълумотларига қараганда, XX асрнинг 20 йилларида Қўқон округининг ҳудуди 36,0 минг квадрат вёрста, аҳолиси 1 миллионга яқин кишини ташкил этган. Округ бўйича аҳоли 1 квадрат вёр-

¹ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-й... – С. 131.

² Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-й. – С. 131–132.

стага ўртача 28,8 нафар киши тўғри келган бўлиб, Туркистон АССР округлари ичида аҳоли зичлиги бўйича биринчи ўринда турган. Қўқон округи 1 214 та аҳоли пунктдан иборат бўлиб, унда 4 та йирик шаҳар ва 66 та кичик шаҳар типигаги аҳоли пунктлари бўлган. Округдаги Қўқон шаҳрида 50 338 нафар, Наманганда 40196 нафар, Хўжандда 32 805 нафар, Чустда 8756 нафар аҳоли яшаганлиги рўйхатга олинган (1923 й). Қўқон округининг аҳолисини 72,1% ни ўзбеклар, 14,9% ни тожиклар, 8,3% ни қирғизлар, 2,2% ни руслар, 1,2% ни қипчоқлар, 1,3% ни турли миллат вакиллари ташкил этган¹.

Жумладан, Қўқон округида савдо алоқалари ҳам ўзига хос равишда олиб борилган. Маъмурий районлаштириш Марказ талаблари билан олиб борилган бўлсада, аҳоли турмуш тарзига ижобий таъсир этган томонлари ҳам бўлди. Округда аҳоли савдо ишларини юритиш ва истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида марказий шаҳар бозорлари ва қишлоқ бозорлари фаолият юритган. Масалан, Риштон, Бешариқ, Лайлакхона, Кува, Яйпан, Чодак ва бошқа шунга ўхшаш 38 та қишлоқ бозорлари бор эди. Асосий йирик шаҳар бозорлари эса Қўқон, Фарғона, Марғилон ва Чуст каби водийнинг йирик шаҳарларида жойлашган эди².

Туркистон АССРда ўзига хос ўринга эга бўлган Самарқанд округининг умумий ҳолати қуйидагича бўлган. Округнинг таркибига Самарқанд области Хўжанд уездининг Боғча-Исфара, Ғўлакандоз, Пистакўз Нов, Унжи, Урал ва Чанқўли волостлари ва бундан ташқари Мирзачўл уездининг жанубий қисми, Сирдарё области (Сават волости) қиритилиши режалаштирилган.

Марказнинг районлаштириш бўйича тузган Давлат режалаштириш комиссиясининг маълумотларига қараганда Самарқанд округи шимолдан Туркистон уезди ва Сирдарё области, шимоли-шарқдан Мирзачўл, жануби-шарқдан Қўқон – Фарғона области, жануб ва жануби-ғарбдан Бухоро Республикаси ва шимоли-ғарбдан Амударё области билан чегараланган.

Самарқанд округининг бу даврда ҳудуди 66,7 минг квадрат вёрстани ташкил этган. Округ бўйича аҳоли 674,8 минг кишини ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 квадрат вёрстага 10,1 нафар кишига тўғри кел-

¹ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-й. – С. 132.

² Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-й. – С. 111–112.

ган. 1923 йилдаги маълумотларга кўра, округнинг 5 та йирик шаҳарлари: Самарканд (аҳолиси 71 456 киши), Ўратепа (13069), Каттақўрғон (10 219), Жиззах (9 564), Панжикент (3145 киши) ҳисобланган. Самарканд округи аҳолисининг этник таркибини 64,6% ўзбеклар, 26,6% тожиклар, 2,9% руслар, 1,8% форслар, 1,7% қозоқлар, 2,4% яхудий, арман ва бошқа миллат вакиллари ташкил этган¹.

Наманган уезди Фарғона области таркибидаги муҳим аҳамиятга эга ҳудуд ҳисобланиб, қуйидаги волостлар (бўлислар)ни ўз ичига олган: Олмос, Ахси – Шаханд, Ашт, Бободархон, Варзик, Косон, Капа, Қирғизқўрғон, Нанай, Поп, Пишқўрғон, Тергачи, Тўрақўрғон, Уйчи, Хонобод, Чодак, Чортоқ, Чуст ва Янгиқўрғон².

Расмий маълумотларга кўра, Наманган уездининг маъмурий-ҳудудий бошқаруви ўзига хос равишда ташкил этилган бўлиб, юқорида номлари келтирилган волостлар, Наманган уезди ва шаҳар ижроия кўмитаси томонидан Наманган шаҳрида туриб бошқарилган. Наманган уезди ва шаҳар ижроия кўмитаси таркибига Шоғофур Шомансуров (раис), Қосимов (ўринбосар), Асрор Зайниддинов (маъсул котиб), Аҳаджон Муҳимардонов, Мизамбоев, Марк Милявский, Чиверев, Аҳмаджонов, Мухаммаджон Муродов (аъзолар) ва бошқалар киритилганлигини кўришимиз мумкин³.

Наманган уезди ва шаҳар ижроия кўмитаси таркибида котибият, ташкилий, маъмурий, умумий бўлимлар, режалаштириш комиссияси, халқ таълими бошқармаси, сиёсий – маданий оқартув бўлими, хўжалик бўлими ва девонхона фаолият юритган. Шуни аъкидлаш керакики, ижроия кўмита қарамоғида қуйидаги бўлимлар асосий бўлимлар ҳисобланган: режалаштириш комиссияси, уезд ер тузиш ва фойдаланиш бўлими, уездсув хўжалиги бўлими, уезд ҳарбий ишлар бўлими, уезд суд тизими, уезд статистика бўлими, уезд халқ таълими бошқармаси, уезд ижтимоий таъминот бўлими ва уезд ички савдо кўмитаси⁴.

Бундан ташқари Наманган уездида тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи давлат органлари ҳам фаолият юритган. Жумладан, Наман-

¹ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-й. – С. 125–127.

² Список населённых мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Выпуск III. Ферганская область. –Самарканд: Изд. ЦСУ УзССР, 1925. – С. 1–4.

³ Вся Средняя Азия.Справочная книга на 1926 хоз. год. – Ташкент: Изд. Средне-Азиатского отделения Российско – Восточной торговой палаты, 1926. – С. 413.

⁴ Вся Средняя Азия.Справочная книга на 1926 хоз. год. – С. 413.

ган уезди ва шаҳар милиция бошқармаси, Наманган жиноят қидирув бўлими, Наманган уезди бўйича халқ судлари, Наманган уезди прокуратурасини бунга мисол келтиришимиз мумкин. Бундай назорат органлари Фарғона области раҳбарияти тайинлаган шахслар томонидан бошқарилган. Масалан, Наманган уезд ва шаҳар милиция бошқармаси бошлиғи лавозимиغا Посунов, Наманган жиноят қидирув бўлими бошлиғи лавозимиغا Қодир Юсупов, Наманган уезди прокурори лавозимиغا Абдурахмонов тайинланган ва улар Фарғона областининг Наманган уезди бўйича вакиллари ҳисобланишган¹.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон АССРда ўтказилган районлаштириш сиёсати даставвал иқтисодий ва маъмурий хусусиятга эга бўлган. Совет ҳокимияти районлаштириш сиёсатига 1923–1924 йилларда Туркистон АССРдан ташқари Бухоро ва Хоразм республикаларини ҳам жалб этиб, биринчидан бутун Туркистон минтақаси иқтисодиётини ягона марказдан туриб бошқаришга интилса ва иқтисодий самарадорликка эришишни мўлжаллаган бўлса, иккинчи томондан районлаштириш минтақадаги вайрон бўлган халқ ҳўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган эди.

1.4. Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланишнинг районлаштириш сиёсатига таъсири

1924 йил кузида Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш сиёсати ўтказилди. Чегараланишнинг ўтказилиши натижасида 1925 йил февралда Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ҳамда бошқа миллий автоном республикалар ва областлар тузилди. Бу ҳолат Ўрта Осиёда районлаштириш сиёсатига, жумладан, Ўзбекистонда ўтказилган районлаштиришга жиддий таъсир кўрсатди.

1924 йил 12 июнда РКП(б) МК Сиёсий бюросининг «Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралаш тўғрисида» қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан, 15 июлда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси томонидан янги ташкил этиладиган миллий республикалар ва областларнинг муваққат бюрolari ташкил қилинди. Ўзбеклар бюроси таркибига Файзулла Хўжаев, Рустам Исломов, Акмал Икромов, Қори Йўлдош Пўлатов, Мухторжон Саиджонов, Калугин аъзо

¹ Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 хоз. год. – С. 415–434.

сифатида, Иноятон номзод сифатида киритилди. Шунингдек, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ташкил этган Марказий ҳудудий комиссияда, унинг миллий кичик комиссияларида можароли масалаларни ҳал қилиш учун тузилган махсус комиссиялар ҳам бўлган. Марказий ҳудудий комиссия таркибига Файзулла Хўжаев, Султонбек Хўжанов, Абдулла Раҳимбоев, Рустам Исломов, Қайғисиз Отабоев, Нодирбой Айтоқов, Юсуф Абдурахмонов, И. Айдарбеков, Исаак Зеленский, Иосиф Варейкис, Дмитрий Манжара, Иван Межлаук, Х. Сахат-Муратов сингари Ўрта Осиё республикаларининг таниқли сиёсий арбоблари кирган эди¹.

РКП(б) МК Сиёсий бюроси бюджет йилининг² охирида, яъни 1924 йил октябрь ойида Ўрта Осиё республикаларини чегаралаш зарурлиги ҳақидаги масалани яқин амалий тадбир сифатида кун тартибига қўйди. Шундай қилиб, Ўрта Осиё республикаларини миллий-ҳудудий чегараланишини амалга ошириш учун тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. У асосан қуйидаги иккита йўналишда олиб борилди:

а) сиёсий, оммавий-тушунтириш ва ташвиқот ишларини кучайтириш;

б) муҳим ташкилий ва хўжалик тадбирларини (янги ташкил этиладиган республикалар ва областларнинг чегараларини белгилаш, иқтисодий чегаралаш ва бошқалар) амалга ошириш лозим эди³.

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, миллий чегаралашга оид вазифаларни амалга ошириш учун РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси қошида миллий чегаралаш бўйича Марказий территориал (ҳудудий) комиссия тузилди. Комиссия янгидан ташкил қилинадиган республикалар ва областлар вакилларининг унда тенг ҳуқуқлиги асосида тузилган эди. Территориал комиссия асосан чегараларни белгилаш ҳамда Ўрта Осиё республикалари ва автоном областларининг давлат мулкларини аниқлаш ишларини олиб борди. Марказий территориал комиссия қошида Ўрта Осиё республикаларини чегаралаш бўйича ўзбек, туркман, қирғиз ва қозоқ муваққат миллийбюроси (миллий комиссиялари) ҳам

¹ Ражабов Қ. Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш сиёсати: мақсад, режа ва амалиёт // «Турон тарихи» (Тошкент). 2015. № 2–4. – Б. 29.

² Россияда ва Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач, бюджет йили ёки хўжалик йили 1 январда эмас, ҳар йили 1 ноябрда бошланадиган бўлди.

³ Турсунов Х.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1958. – Б. 121–122.

тузилди. Шунингдек, тожик ва қорақалпоқ ёрдамчи комиссиялари ҳам ташкил қилинган эди.

Янгидан барпо этиладиган республикаларнинг территориялари (худудлари) ва чегаралари масаласини олдиндан ишлаб чиқиш, республикаларнинг шартномалари ва декларацияларини тузиш, давлат аппаратини ташкил қилиш ва расмийлаштириш масалаларини ишлаб чиқиш, бу республикалар халқ хўжалигининг бюджетлари ва планларини тузиш ва бошқалар миллий бюро (комиссия)ларнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Тегишли материаллар ва умумлашмалар тайёрлаш учун маъмурий-ҳуқуқий, ер, иқтисодий масалалар бўйича миллатлараро иқтисодий комиссия, бюджет, маориф ва соғлиқни сақлаш бўйича ёрдамчи комиссиялар тузилди¹.

Большевиклар миллий-худудий чегараланиш тўғрисида улкан ҳажмдаги тарғибот ва ташвиқот юритишдан ташқари ташкилий ва хўжалик тадбирларини ҳам амалга оширдилар. Умумий майдони 1,7 млн км² бўлган Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари территорияларини улардаги моддий ва маданий бойликлар билан бирга янгидан ташкил этилаётган республикалар ва автоном областларга бўлиб бериш вазифаси турар эди.

Миллий чегаралаш ўтказилишидан олдин Ўрта Осиё республикаларида республикалар ва областлар аҳолисининг сони ва миллий таркибини, турли районларнинг ўзаро иқтисодий алоқалари ва хўжалик-маиший хусусиятларини ўрганиш бўйича катта тайёргарлик ишлари олиб борилган эди.

1920 йилдаги Бутунроссия аҳоли рўйхати маълумотлари 1921–1924 йиллар давомида ҳар томонлама умумлаштирилди ва таҳлил қилинди, уларнинг яқунлари матбуотда ва алоҳида китоблар ҳолатида чоп этилди².

Туркистонда иқтисодиёт ва республика аҳолисига оид ягона давлат статистикасига асос солинди ҳамда «Статистический ежегодник» тўпламининг дастлабки икки томи нашр қилинди³.

¹ *Турсунов Ҳ.Т.* Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Б. 122.

² *Қаранг:* Материалы Всероссийской переписи 1920 г. ЦСУ Туркестанской Республики. Выпуск I–V. – Ташкент, 1922–1924.

³ Статистический ежегодник 1917–1923 гг. ЦСУ Туркестанской Республики. Том II. – Ташкент, 1924.

Ўрта Осиё районлаштириш комиссияси томонидан «Ўрта Осиёни районлаштириш бўйича материаллар» туркумида рус тилида Бухоро¹ ва Хоразм² республикаларининг территорияси ва аҳолиси тўғрисида катта ҳажмдаги китоблар чоп қилинди. Бундай китоблар аввал Туркистон АССР³, сўнгра Ўзбекистон ССР⁴ районлаштириш масалалари бўйича ҳам нашр қилинди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари, Туркистонни янги районларга бўлиш (районлаштириш) материаллари, Бухоро ва Хоразмни янги маъмурий районларга ажратиш натижалари Ўрта Осиё совет республикалари ва автоном областлари чегараларини ҳамда территорияларни аниқлашга асос солган муҳим манбалар бўлди. Территориал комиссиялар ва Ўрта Осиёни миллий чегаралаш бўйича миллий ёрдамчи комиссияларнинг ишларида бу материаллардан кенг фойдаланилди.

РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг аввал кўрсатиб ўтилган 1924 йил 15 июлда чиқарган қарорида районлаштириш масалаларига қуйидагича эътибор қаратилган эди: «Айрим республикалар ўртасида чегаралар белгилашда, Ўрта Осиёни иқтисодий районларга бўлишда у ёки бу миллатга қулайлик туғдирувчи ҳамма шарт-шароитлар ҳисобга олинishi керак»⁵.

Ўрта Осиё республикаларининг партия ва совет ташкилотлари янги республикалар ва автоном областларнинг чегараларини белгилашда миллий хусусиятларни, миллатларнинг иқтисодий алоқалари янада ривожланишини, шунингдек, районларнинг бирор иқтисодий марказга иқтисодий томондан яқинлашувини ҳисобга олдилар.

¹ Материалы по районированию Средней Азии Кн. I. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть I. Бухара. – Ташкент: Изд. Комиссии по районированию Средней Азии. – Ташкент, 1926.

² Материалы по районированию Средней Азии Кн. II. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть II. Хорезм. – Ташкент: Изд. Комиссии по районированию Средней Азии. – Ташкент, 1926.

³ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск I-ый. Сборник статей по районированию Туркестана. Под редакцией Председателя Подкомиссии районирования Д. Красновского. –Ташкент: Издание ТЭС, 1922; Выпуск II-й. Проект административно-хозяйственного деления ТССР. –Ташкент: Издание ТЭС, 1924.

⁴ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарканд: Издание ЦКР Уз, 1926.

⁵ Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Б. 133.

Миллий комиссия (бюро)ларнинг тавсияси бўйича Марказий территориял комиссия этнографик, иқтисодий ва тарихий-географик маълумотлар асосида Ўрта Осиёда барпо этиладиган янги республикалар ва автоном областлар территориялари ва чегараларининг тахминий лойиҳасини ишлаб чиқди. Территориял комиссия бу ишларни 1924 йил сентябрь ойи бошларида асосан тугатди.

Ўрта Осиёда янгидан барпо этиладиган миллий республикаларнинг чегаралари ва ҳудудини аниқлаш бўйича тайёргарлик кўрилиши ва маҳаллий аҳоли ўртасида оммавий ташвиқот – тушунтириш ва тарғибот компаниясининг олиб борилиши натижасида Туркистон, Бухоро ва Хоразм Компартиялари миллий чегаралашни амалга оширишга киришдилар.

Территориял комиссия фаолиятининг натижалари Ўрта Осиё бюроси ҳамда Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг юқори органларида муҳокама қилинди. 1924 йил 14 сентябрда ўтказилган Туркистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий Контроль Комитети ҳамда Ревизия комиссиясининг қўшма пленумида Территориял комиссия фаолияти тўғрисида комиссия раиси, Туркистон Компартияси МК масъул секретари Иосиф Варейкис маъруза қилди¹. Пленум Марказий территориял комиссиянинг қарорини маъқуллади ва миллий чегараланишга оид амалий тадбирлар режасини тасдиқлади.

1924 йил 15 сентябрда иш бошлаган Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси навбатдан ташқари сессиясида миллий-ҳудудий чегараланиш масаласи бўйича Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Рустам Исломов маъруза қилди². Бироқ бу маъруза аввалги босқичларда илгари сурилган барча ғоя ва қоидаларни яққол такрорлашдан иборат бўлди. Маърузада большевикларнинг миллий-ҳудудий чегараланиш сиёсати миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи тўлиқ амалга оширилганлиги сифатида кўрсатилиб, бу ҳолат «янги миллий – давлат тузилмалари»ни ташкил этиш сифатида қаралди³.

1924 йил 16 сентябрда Туркистон МИК сессияси чегараланиш тўғрисида қуйидагича қарор қабул қилди:

¹ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – С. 656.

² «Туркестанская правда» (Ташкент), 17 сентября 1924 г.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б. 295.

«1. Ўзбек халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг умумий иродасини бажариш мақсадида ўзбек халқига Туркистон АССР таркибидан чиқиш ва мустақил Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини тузиш ҳуқуқи берилсин.

2. Туркман халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг ифодаланган умумий иродасини бажариш учун туркман халқига Туркистон АССР таркибидан чиқиш ва мустақил Туркменистон Совет Социалистик Республикасини тузиш ҳуқуқи берилсин.

3. Туркистон АССРнинг қирғиз (қозоқ) вилоятларини Қирғизистон АССР [Қозоғистон АССР] билан бирлаштириш мақсадида қирғиз (қозоқ) халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг ифодаланган умумий истагини бажариш учун қирғиз (қозоқ) халқига Туркистон АССР таркибидан чиқиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қорақирғиз (қирғиз) халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг ифодаланган умумий хоҳишини бажариш учун Қорақирғиз (қирғиз) халқига Туркистон АССР таркибидан чиқиш ва Қорақирғиз автоном областини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Тожиқ халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг ифодаланган умумий иродасини бажариш учун тожиқ халқига Туркистон АССР таркибидан чиқиш ва Тожикистон автоном областини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Мазкур қарор Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасига навбатдаги сессияда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилсин»¹.

Бундан сал олдин – 1924 йил 6 сентябрда Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралаш Территориал комиссияси қорақалпоқ халқининг истагини амалга ошириб, Қорақалпоқ (Қорақалпоғистон) автоном области тузиш тўғрисида қарор қабул қилган эди². Бу қарор Ўрта Осиё бюроси ҳамда РКП(б) МК томонидан маъқуллангач, Қорақалпоқ автоном областини ташкил қилиш ишлари ҳам бошланиб кетди.

Бутунбухоро халқ вакилларининг 1924 йил 30 сентябрда бўлган V қурултойи³ ҳамда Бутунхоразм халқ вакилларининг 1924 йил 2 ок

¹ Ўзбекистон миллий архиви, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 139-иш, 25–27-варақлар.

² Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Том III. (1917 – 1937 й.). Бош муҳаррир И.М. Мўминов. – Тошкент: «Фан», 1971. – Б. 407.

³ *Файзулла Ходжаев*. Избранные труды. В трёх томах. Том I. – Ташкент: «Фан», 1970. – С. 490.

тябрда бўлган V қурултойида¹ ҳам Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши тўғрисида қарорлар қабул қилинди. 1924 йил 14 октябрда бўлган Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг 2-сессиясида Туркистон АССР МИКнинг миллий-худудий чегараланиш тўғрисидаги қарори айрим тузатишлар билан қабул қилинди. Сессия қарори билан Ўрта Осиёда Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССР, Тожикистон АССР, Қорақалпоқ автоном области ва Қорақирғиз [Қирғизистон] автоном области тузилиши керак эди².

1924 йил 24 октябрда Бутуниттифок Марказий Ижроия Қўмитаси(СССР МИК)нинг иккинчи чақириқ 3-сессиясида Туркистон АССР навбатдан ташқари сессияси, Бутунбухоро халқ вакилларининг V қурултойи ва Бутунхоразм халқ вакилларининг V қурултойи қарорлари асосида Ўрта Осиёда миллий республикалар тузиш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. Сессияда БССР Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Хўжаев Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши тўғрисида нутқ сўзлади. Шундай қилиб, 1924 йил сентябрь – октябрь ойларида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш Ўрта Осиё совет республикалари, РСФСР ва СССРнинг олий органлари томонидан қонуний кучга кирди.

1924 йил 31 октябрда Ўзбекистон ССР Муваққат Инқилобий комитети (Марказий ревком) ташкил қилиниб, мазкур муваққат ишчи-деҳқон ҳукуматига таникли давлат арбоби Файзулла Хўжаев раис қилиб тайинланди. 18 ноябрь куни Туркистон АССР, Бухоро ССР ва Хоразм ССР Марказий Ижроия Қўмиталари махсус қўшма қарор қабул қилдилар ва шу қарорга биноан ўз ваколатларини Ўзбекистон ССР Советларининг Таъсис қурултойига қадар иш кўрувчи Файзулла Хўжаев раислигида ташкил этилган Ўзбекистон ССР Муваққат Инқилобий комитетига топширдилар. Файзулла Хўжаев Бухородан Тошкент шаҳрига келиб (1924 йил 21 ноябрь), муваққат ҳукуматнинг раиси вазифасини бажаришга киришди³. Бу вазифани Файзулла Хўжаев 1925 йил 13 февралгача бажарди.

¹ Хоразм тарихи. II жилд. Масъул муҳаррир: М. Матниёзов. – Урганч: «Хоразм», 1997. – Б. 42.

² «Народное хозяйство Средней Азии» (Ташкент). 1924. №4. – С. 28.

³ *Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С.* Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашр. – Б. 174–175.

1924 йил 4 ноябрда Ўрта Осиё тугатиш комитети (Средазликвидком) ёки тугатиш комиссияси фаолият кўрсатди. Комитет Тошкент шаҳрида ўрнашиб, 1925 йил кузигача Ўрта Осиё республикаларида ўтказилган миллий-худудий чегараланиш жараёнида давлат аппаратини қайта ташкил этиш ва давлат мулкларини тақсимлаш билан шуғулланди. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида тугатиш комиссияси ҳужжатлари 11-фондда махсус сақланади¹.

Ўзбекистон ССР Марказий Ревкомининг 1925 йил 29 январдаги қарорига кўра янги тузилаётган республиканинг маъмурий тузилиши белгиланган. Қарорга кўра Ўзбекистонда дастлабки 7 та вилоят (Зарафшон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм), алоҳида Нурота уезди ва Конимех автоном райони бўлган. Кейинчалик Тожикистон АССР тузилиб, у Ўзбекистон ССР таркибига кирган. Бу пайтда Ўзбекистон ССР таркибида 23 та уезд ва 241 та волость бўлган². Бошқа бир ҳужжатда кўрсатилишича, Ўзбекистондаги вилоятлар 32 та уезд, уездлар эса 312 та волостга ажралган³. Самарқанд шаҳри пойтахт бўлиши режалаштирилган.

1925 йил 13–17 февралда Бухорода махсус қурилган Халқ уйида Бутунўзбек [Ўзбекистон ССР] Советларининг I таъсис қурултойи [съезди] бўлиб ўтди. Қурултой томонидан 17 февралда «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши тўғрисида Декларация»⁴ қабул қилинди. Декларация Ўзбекистон ССР (Ўз ССР) ташкил топганлигини қонуна расмийлаштирди ва Ўз ССРнинг ихтиёрий равишда СССР таркибига кирганлигини эълон қилди⁵. Декларацияда қайд қилиб ўтилганидек, «шу кундан эътиборан ўзбек халқи худудиди Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон [Бухоро], Сурхондарё ва Хоразм вилоятларини ўз ичига олган бу халқ тарихида биринчи марта ишчи ва деҳқонларнинг иттифокдош Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси таъсис этилади, унга Тожикистон АССР ҳам қиради»⁶.

¹ Қаранг: Ўзбекистон миллий архиви, Р-11-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1–3-варақлар.

² Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3404-иш, 25–29-варақлар.

³ Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 хоз. год. – Ташкент: Издание Средне-Азиатского отделения Российско-Восточной торговой палаты, 1926. – С. 383–384.

⁴ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2386-иш, 139-варақ.

⁵ Ражабов Қ. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши: ютуқлар ва муаммолар // «Турон тарихи». 2016. № 1. – Б. 11.

⁶ Стенографический отчёт Первого Всеузбекского съезда Советов Рабочих, Деҳканских и Красноармейских Депутатов Узбекской Советской Социалистической Рес-

Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси, Йўлдош Охунбобоев Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси лавозимларига сайланишди. Курултой ишида Москвадан келган СССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Михаил Калинин қатнашди ва нутқ сўзлади¹.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши арафасида ва ундан кейин минтақа халқлари тақдирига катта таъсир қилган муҳим воқеалар юз берди. Ана шундай воқеаларнинг бир гуруҳига Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳамда бошқа иттифокдош ва автоном республикалар, автоном вилоятлар ҳамда бу республика ва автоном ҳудудларнинг коммунистик партиялари ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилганлиги бўлса, иккинчидан, Ўрта Осиё республикаларида, шу жумладан, Туркменистон, Ўзбекистон ва бошқа республикаларда ўтказилган районлаштириш сиёсати киради.

Хуллас, Ўрта Осиё республикаларида ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Тожикистон АССР (Ўзбекистон ССР таркибида), Қорақалпоқ автоном области (Қозоғистон АССР таркибида), Қорақирғиз [Қирғизистон] автоном области (РСФСР таркибида), шунингдек, 1920 йилда тузилган Қирғизистон АССР [Қозоғистон АССР; РСФСР таркибида] каби республикалар ва автоном республикаларда 1925–1926 йилларда районлаштириш сиёсати олиб борилди. Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш сиёсати ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам маъмурий-ҳудудий жиҳатдан турли бўлинишларни ўз ичига олади. Шу жиҳатдан олганда Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРда ўтказилган районлаштириш сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи бобга қисқача хулоса:

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач, большевиклар томонидан дастлаб сиёсий ва ҳарбий соҳада кўплаб ўзгаришлар қилинди. Маҳаллий халқлар вакилларининг дастлабки демократик ҳукумати бўлган Туркистон Мухторияти ҳукумати ағдариб ташланди. Бухоро амирилиги ва Хива хонлиги қизил армия томонидан босиб олинди, бу ҳудудларда «халқ ҳокимияти» ўрнатилиб, «халқ республикалари» ташкил топди. Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР ўртасидаги иқтисодий ҳам-

публики. Стенографический отчёт. Февраль 1925 года. – Ташкент: Узбекское Государственное издательство, 1925. – С. 8–9.

¹ Стенографический отчёт Первого Всеузбекского съезда Советов... – С. 74.

корлик ва ўзаро муносабатлардан Марказ ҳам манфаатдор бўлган. Хусусан, Бухоро ва Хоразм иқтисодиёти аста-секин аввал Россия, сўнгра СССР иқтисодиётига боғлаб қўйилди. Туркистон, Бухоро ва Хоразм иқтисодий кенгашларини ўзаро бирлаштириб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тузишдан асосий мақсад ҳам юқоридаги ҳолатга боғлиқ эди.

1920–1921 йилларда, Россияда фуқаролар уруши асосан қизил армиянинг ғалабаси билан тугагач, иқтисодиётни кўтариш ва вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш жараёнида иқтисодий районлаштириш масаласи кун тартибига қўйилди. Туркистон АССРда ҳам 1921–1922 йилларда районлаштириш сиёсатининг баъзи жиҳатлари ўтказилди, бунда асосий эътибор иқтисодиётни маълум районларнинг салоҳиятига мос қилиб қайта ташкил қилишга қаратилди. Бундан ташқари районлаштириш сиёсатида муҳим жиҳатлардан бири бу республикани маъмурий бошқарув соҳасига турли ўзгартиришлар киритилганлиги бўлди.

1924 йил кузида большевиклар томонидан Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, Туркистон АССР, Бухоро ССР ва Хоразм ССР ўрнида янги «миллий» совет республикалари ҳамда автоном республикалар ва областлар тузилиши натижасида Ўрта Осиёда районлаштириш масаласи ўз долзарблигини яна бир марта кўрсатди. Айнан чегараланиш жараёнлари районлаштириш сиёсатига ўз таъсирини ўтказиб, бу муаммони иқтисодий ва маъмурий-хўжалик жиҳатдан зудлик билан янгича тарихий шароит ва янги ташкил топган совет республикалари ва областлари мисолида ҳал қилиш лозимлигини эслатди. Ўзбекистон ССРда ҳам 1924 йил охири ва 1925 йил бошларида районлаштириш сиёсати объектив зарурият эканлиги аниқ бўлиб, уни ўтказиш учун жиддий тайёргарлик кўрилди.

II БОБ

ЎРТА ОСИЁДАГИ РАЙОНЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ МИҚЁСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

2.1. Районлаштириш сиёсати арафасида Ўзбекистон ССР маъмурий-ҳудудий бўлинишидаги ўзгаришлар

Ўрта Осиё республикаларида миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР ташкил топгач, Ўзбекистон районлаштириш сиёсати ўзининг янги босқичига кадам қўйди. Совет ҳокимияти томонидан Ўрта Осиёда районлаштириш сиёсатини ўтказишга ҳам жиддий тайёргарлик кўрилди.

Марказий территориал-комиссия томонидан тузилган миллий-ҳудудий чегараланишга оид лойиҳа Ўрта Осиёда ташкил этилган янги совет республикаларини ҳудудини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди. 1925 йил давомида Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистон ва Туркменистон республикалари, Тожикистон АССР ва Қирғизистон автоном областининг олий ҳокимият органлари, шунингдек, Ўрта Осиё тугатиш комитетининг иштирокида юқорида зикр этилган лойиҳани қунт билан ўрганиб чиқишни давом эттирди. СССР ҳукумати Ўрта Осиё республикаларига ўзининг махсус комиссиясини юборди, бу комиссия янгидан барпо этиладиган республикаларнинг жойларда лойиҳалаштирилган чегараларини кўриб чиқди.

1925 йил 4 майда Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети томонидан

Ўрта Осиё тугатиш комитети ва СССР МИК комиссиясининг районлаштириш бўйича биргаликда тузилган лойиҳаси кўриб чиқилди. Бу лойиҳа, бир томондан, РСФСР билан Ўзбекистон ССР ўртасида, иккинчи томондан, РСФСР билан Туркменистон ССР ўртасида белги-

ланган чегаралар лойиҳасига қўшилди ва уни тасдиқлаш учун СССР Марказий Ижроия Комитетига топширилди¹.

СССР МИК Президиуми бу масалага оид материалларни ҳар тарафлама ўрганиб чиқиб, Ўрта Осиё республикаларининг чегаралари тўғрисида қарор қабул қилди. 1926 йил октябрь ойида РСФСР билан Ўзбекистон ССР ўртасида чегаралар таърифини тасдиқлади.

Миллий чегаралаш ўтказилиши натижасида *Ўзбекистон ССР* (Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси) таркибига қуйидаги худудлар кирди:

а) Собиқ Туркистон АССРдан: унга Самарқанд области Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон ва Хўжанд уездларининг 41 волости, Сирдарё области Тошкент ва Мирзачўл уездларининг 24 волости, Фарғона области Андижон, Қўқон, Наманган, Фарғона уездларининг 70 волости ва 7 та кишлок жамоаси (Шоҳимардон, Водил, Ёрдон ва б.);

б) Собиқ Бухоро ССРдан: Бойсун, Бухоро, Ғузор, Қарши, Кармана, Нурота, Шаҳрисабз, Шеробод ва қисман Сариосиё вилоятлари;

в) Собиқ Хоразм ССРдан: кейинчалик Гурлан, Янги Урганч ва Хива уездларини ташкил этган 23 та шўро (район волостлари).

1929 йил ноябрғача Ўзбекистон ССР таркибида бўлган *Тожикистон АССР* бу пайтда Туркистон ва Бухоронинг бир қанча районларидан ташкил топди. Унинг таркибига қуйидагилар кирган:

а) Собиқ Туркистон АССРдан: Самарқанд областининг Самарқанд ва Хўжанд уездларининг 12 та волости ва Фарғона областининг Помир райони;

б) Бухоро ССРдан: Ғарм, Ҳисор, Қўлоб, Қўрғонтепа, Душанбе ва қисман Сариосиё вилоятларидан иборат Шарқий Бухоронинг деярли ҳаммаси².

Ўзбекистон ССР дастлабки ташкил топган даврида унинг территорияси 312 394 км², шу жумладан, Тожикистон АССР 135 620 км² эди (Тожикистон ҳудуди Хўжанд округидан ташқари)³. Бу пайтга келиб

¹ *Турсунов Ҳ.Т.* Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши... – Б. 148–149.

² *Турсунов Ҳ.Т.* Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Б. 149.

³ *Узбекистан: экономико-географическая характеристика.* – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1950. – С. 17, 287.

Ўзбекистон ССР аҳолисининг 3 963 285 киши (Тошкент аҳолисидан ташқари) ёки бутун Ўрта Осиё аҳолисининг ярмидан иборат эди¹.

Ўзбекистон ССР барпо этилган дастлабки даврда республика марказида жойлашган Самарқанд шаҳри унинг пойтахти бўлган (Бухоро шаҳри 1925 йил феврал-май ойларида биринчи пойтахт бўлиб турган). Ўша йилларда Ўзбекистоннинг ҳамма қисмларини бир бутун қилиб бирлаштиришда, совет аппарати ишларини жонлаштиришда Самарқанднинг пойтахт бўлиши мақсадга мувофиқ эди². Совет маҳаллий органлари ўз ишларини янада яхшилағач ва уларнинг марказий ҳукумат муассасалари билан алоқалари мустақамлангач, 1930 йил 20 сентябрда Ўзбекистон пойтахти нафақат республиканинг, балки бутун минтақанинг муҳим иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази бўлган Тошкент шаҳрига қўчирилди³.

Туркменистон ССР Туркистон АССРнинг Туркман областидан, Бухоро ССРнинг мухтор Туркман областининг Чоржўй, Карки вилоятлари ва Шеробод вилоятининг Калиф туманидан, шунингдек, Хоразм ССРнинг 8 шўросидан иборат Туркман областидан тузилди.

Қорақирғиз [Қирғиз] автоном областига Туркистон АССРдан Еттисув (Семиречье) областининг Қорақўл, Норин ва Пишпек уездлари (Пिशпекнинг 3 та волостидан ташқари), Сирдарё областининг 14 та волости ва Фарғона областининг 38 та волости кирди.

Қорақалпоқ автоном области Туркистон АССРнинг Амударё областидан ва Хоразмнинг 3 та шўросидан барпо этилди. Маъмурий жиҳатдан у 4 округга: Тўрткўл, Чимбой, Хўжайли ва Қўнғирот округларига бўлинган.

Қирғизистон АССР [Қозоғистон АССР] ҳудудига (у 1920 йил августда ташкил топган эди) Туркистон АССРнинг Сирдарё областидан Қазали, Окмачит, Туркистон, Чимкент уездлари тўлиқ, Авлиёота уездининг кўпчилик волостлари (24 та), Тошкент уездининг 10 та волости, Мирзачўл уездининг 2 та волости; Еттисув областидан Олмаота,

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Том III. – Б. 413.

² Бодиров А. Самарқанд шаҳрининг Ўзбекистон ССР пойтахтига айлантирилиши ва унинг республика сиёсий бошқарувидаги ўрни // «Мустақиллик ва илмий тадқиқотлар» мавзусидаги республика илмий конференцияси материаллари (2016 йил 11 ноябрь). – Тошкент, 2016. – Б. 96–107.

³ Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашри. – Б. 203.

Жаркент, Лепсинск, Толдикўрғон уездлари тўлиқ ва Пишпек уездининг 3 та волости; Самарқанд областидан Жиззах уездининг 6 та кўчманчи волости кирди¹.

Ўрта Осиёда янгидан барпо этилган республикалар ва областларнинг территорияларини белгилаш билан бир қаторда иқтисодий (хўжалик) чегараланиши ҳам ўтказилди, яъни собиқ Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари кўлида бўлган фабрикалар, заводлар, экин майдонлари, чорва моллари, акционерлик ширкатлари, маданий-оқартув муассасалари ва бошқалар бу республикалар ўртасида тақсимланди. Ўрта Осиё тугатиш комитети собиқ Ўрта Осиё республикалари кўлида бўлган қимматбаҳо нарсаларнинг ҳаммасини ҳисоблаб чиққан эди. Мана шу асосда иқтисодий чегаралаш ўтказилди.

И. Крильцев 1925–1926 йилларда Тошкентдаги илмий журналларда эълон қилган турли мақолаларида иқтисодий-хўжалик чегараланиши ўтказилганда амал қилинган асосий принципларга тўхталиб ўтган. Унинг ёзишича, давлат мулклари бўлими бўйича Ўрта Осиёнинг янгидан барпо этилган республикалари ва автоном областлари аҳолисининг сони асосий принцип қилиб олинган. Бунда кўчмас мулклар (заводлар, фабрикалар ва бошқалар) территориал белгиларга қараб бўлинган. Қишлоқ хўжалиги банкининг мақсадга мўлжалланган кредитлари маълум экин майдони ва маҳсулотлар бўйича тақсим қилинган. Хом ашё тайёрлаш бошқармасининг хом ашё мулклари чорва молларининг сонига қараб тақсимланган².

Иқтисодий чегаралаш асосан 1925 йил март ойида ўтказилган эди. РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1925 йил 14–16 мартда бўлиб ўтган пленуми иқтисодий районлаштириш натижаларини муҳокама қилди ва чегараланишдан сўнгра ҳар бир янги республика халқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантириш учун зарур бўлган етарли моддий ресурсларга ва иқтисодий базага эга, деб қайд қилиб ўтди³. Ўрта Осиё миллий совет республикалари ва автоном областларининг хўжалик қурилиши шу иқтисодий база асосида ривожланиши керак эди.

¹ Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Б. 150.

² Крыльцов И.И. О принципах экономического размежевания Среднеазиатских республик // «Народное хозяйство Средней Азии» (Ташкент). 1926. № 8–9. – С. 134.

³ Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Том III. – Б. 413.

1924–1925 йилларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг асосий тармоғи қишлоқ хўжалигидан иборат бўлиб, унда республика аҳолисининг 85 фоизи банд бўлган. Ўзбекистон 1 195 000 десятина¹ суғориладиган ер майдонига эга бўлди². Иттифоқ бўйича 1923–1924 йилларда етиштирилган 14,2 млн пуд пахтадан Ўзбекистон ҳиссасига тахминан 10 млн пуди (қарийб 70 фоизи) тўғри келган эди. Фарғона ва Зарафшоннинг серҳосил водийлари, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Тошкентнинг каттагина қисмида пахта далалари жойлашган эди. Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва республиканинг бошқа районлари боғ-роғлари, узумзорлари, пиллачилиги билан машхур эди.

Ўзбекистон ССР ғаллакор ва чорвачилик районларига ҳам эга бўлган. Миллий-худудий чегараланишдан сўнг Ўзбекистонга Ўрта Осиё бўйича ҳисобга олинган 10 321 000 бош чорвадан деярли 2 600 000 боши берилди. Ана шу негизда асосланиб Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарёда чорвачилик, айниқса, қорақўлчилик янада ривожлантирилди³. Қозоғистонга қўшилган чорвачилик районлари чорва моллари сонининг кўплиги бўйича биринчи ўринда турар эди⁴.

Ўзбекистон саноати жами ялпи маҳсулоти 106,9 млн рублни ташкил қилган 185 та фабрика- завод корхоналаридан иборат бўлиб, улар республика улушини ташкил қилди. Бу корхоналарда 8 700 ишчи (маҳаллий саноат корхоналарини ҳам қўшганда 35 000 нафар киши) ишлар эди. Кўриб чиқиётган даврда пахта тозалаш (39 та завод) ва озиқ-овқат (35 та завод) тармоқлари ҳали ҳам саноатнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланган⁵.

Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш сиёсати, миллий-худудий чегараланиш ишлари 1924 йил охири ва 1925 йил бошларида Ўзбекистон ССРни маъмурий бўлиш билан ҳам ўзаро чамбарчас боғланган эди. И. Магидович раҳбарлигида тузилган Ўрта Осиёни районлаштириш комиссияси 1924 йил июндан бошлаб ўз фаолиятини кучайтирган эди.

¹ Бир десятина – 1,09 гектарга тенг узунлик ўлчов бирлиги.

² Ўзбекистон миллий архиви, Р-837-фонд, 1-рўйхат, 46-иш, 204–209-варақлар.

³ *Турсунов Ҳ.Т.* Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Б. 155.

⁴ Ўзбекистон миллий архиви, Р-9-фонд, 3-рўйхат, 122-иш, 107-варақ.

⁵ Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Том III. – Б. 414.

Ўзбекистон ССР Революцион комитети 1924 йил 28 декабрда бўлган ўз мажлисида Давлат режа комитети (Госплан) хузурида (секция ҳуқуқига эга бўлган) ЎзССР районлаштириш комиссиясини ташкил қилди. Комиссияга ЎзССР Марказий статистика (ЦСУ УзССР) бошқарувчиси Васильев раис қилиб тайинланди ва унинг таркибига Ревком ташкилий бўлими, Давлат режа комитети, Ички ишлари халқ комиссарлиги, Ер ишлари халқ комиссарлиги, Сув хўжалиги бошқармаси, Молия халқ комиссарлиги, Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги сингари турли комиссарлик ва идораларнинг вакиллари киритилиб, уларга Ўз ССРнинг маъмурий бўлинишини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Ўзбекистон ССР тузилгач (1925 йил февраль), Ревкомнинг ташкилий бўлими вакили ўрнини Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитети ташкилий бўлими вакили эгаллади¹.

Ўзбекистон ССР Марказий Ревкоми 1925 йил 13 январда бўлган мажлисида Ўзбекистонни маъмурий жиҳатдан ажратиш масаласини кўриб чиқди ва қуйидагича қарор қабул қилди:

«1. Маъмурий бўлиниш ҳақидаги масала зарбдор деб топилсин.

2. Қуйидаги вакиллар иштирокида комиссия тузилсин: НКВД (Ички ишлар халқ комиссарлиги)дан Рубинштейн, Хоразмдан Давлат Ризаев ҳамда Марказий статистика бошқармаси (ЦСУ) вакили Бухоро ва Хоразм органлари қўлида бўлган барча материалларни тўплаб, Ўз ССРни маъмурий бўлинишини охирига етказсинлар.

3. Бу комиссияга ўз фикрларини районлаштириш комиссияси билан биргаликда олиб бориш зиммасига юклансин.

4. Комиссия ўз ишини 2 ҳафта муддат давомида тугатсин»².

Кўрсатилган муддат ичида НКВД маъмурий комиссияси ва Госплан районлаштириш комиссияси Ўзбекистонни маъмурий жиҳатдан бўлиш ҳақидаги лойиҳани тайёрлаб, уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон ССР Ревкомига топширидилар.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон ССР учта республикадан: ўз специфик маъмурий бўлиниш тизимига эга бўлган Туркистон, Бухоро ва Хоразмдан барпо этилган эди. Туркистон АССР областлар, уездлар, волостлар ва қишлоқ советларига (сельсоветларга); Бухоро Республи-

¹ *Ҳакимов М.Х.* Развитие национальной советской государственности в Узбекистане. – С. 326.

² Ўзбекистон миллий архиви, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 25-варақ.

каси вилоятлар (кейинчалик округлар), туманлар, кентлар, аминликлар ва қишлоқ оқсоқолликларига; Хоразм Республикаси областлар, туманлар, шўролар ва оқсоқолликларига бўлинган эди. Янги ташкил топган республикада маъмурий тизимнинг ҳар хиллиги бошқаришни ташкил этиш ва халқ хўжалигини тартибга солишни қийинлаштирар эди. Республиканинг ривожланиши ва тараққиёт йўлидаги бу тўсиқларни йўқотиш учун тегишли тадбирлар белгилаш ва чоралар кўриш лозим эди. Бундай ҳолда Ўзбекистон ССР ташкил қилинган дастлабки кунларда республикани маъмурий жиҳатдан бўлинишининг ягона йўлини амалга ошириш вазифаси турар эди.

Совет аппаратини меҳнаткашлар оммасига янада кўпроқ яқинлаштирадиган маъмурий бўлинишга эришиш керак эди. Шунга асосланиб Ўзбекистон ССР Марказий Ревкоми Президиуми 1925 йил 29 январда бутун Ўзбекистон бўйича маъмурий бўлинишнинг бир хил тизимини жорий қилинишига асос солган дастлабки қарорни қабул қилди. Унда бутун Ўзбекистон ҳудудида маъмурий бўлинишни унификация қилишга қарор қилинди. Бу қарор натижасида 1925 йил мартдан то Ўзбекистон ССРда янги районлаштириш ўтказилгунгача қуйидаги бўлиниш амал қилди. Бунда собиқ Туркистон АССРда бўлганидек республиканинг бутун территориясини областлар (вилоятлар), уездлар, волостлар ва қишлоқ советларига бўлиш керак эди. Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, бу қарор асосида Ўзбекистон ССРда 23 та уезд, 240 та волостдан иборат 7 та вилоят: Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Зарафшон [Бухоро], Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари(областлари) ҳамда Конимех автоном қозоқ райони барпо этилди¹. Ўзбекистон ССР ҳудудида 1163 та қишлоқ советлари бу даврда мавжуд бўлган².

Бу пайтда Ўзбекистон ССР таркибида бўлган Тожикистон АССРда вилоятларга бўлиниш вақтинча сақланиб қолди. 1925 йили Тожикистон АССР таркибида 7 та вилоят (Ғарм, Душанбе, Кўлоб, Кўрғонтепа, Тоғли Бадахшон, Панжикент, Ўратепа) бўлиб, улар 39 та туман ёки волость, 63 та кент ва 4603 та қишлоқлардан иборат бўлган.

Ўзбекистон ССРда 1925 йил январь ойи охирида дастлабки маъмурий бўлинишнинг ягона системаси жорий этилиши бошқариш орган-

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарканд: Издание ЦКР Уз, 1926. – С. VI.

² *Хакимов М.Х.* Развитие национальной советской государственности в Узбекистане. – С. 330.

лари ишларини ташкил этиш ва мустаҳкамлашда, республикани янада ривожлантиришда муайян аҳамиятга эга бўлди. Бироқ бу соҳадаги қадамлар дастлабки тадбирлар бўлиб, бу қатъий ва тўлиқ эмас эди. Чунки районлаштиришнинг бу босқичида Ўзбекистон халқ хўжалиги турли тармоқлари ва республика хўжалик ҳаётининг хилма-хиллиги ҳали тўлиқ ҳисобга олинмаган эди¹. Шунинг учун Ўзбекистон ССРни бундай дастлабки районлаштириш янги ташкил қилинган республиканинг тобора ўсиб бораётган сиёсий ва иқтисодий талабларига жавоб бера олмас эди. Қолаверса, Ўзбекистонга қўшни бўлган Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда, ҳатто РСФСРда 1925 йили ягона районлаштириш сиёсати ҳали тўлиқ тугалланмаган эди.

Ўзбекистоннинг 1925 йил январдаги районлаштиришга мувофиқ маъмурий-хўжалик бўлиниши айрим районларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини, сиёсий ва маданий ривожланишини тўлиқ эътиборга олмаган эди. Районлаштиришда кўплаб қишлоқ советлари ва волостлар ҳаддан ташқари тарқоқ ҳолда жойлаштирилди, уларнинг чегараларини белгилашда турли хатолар ва чалкашликларга йўл қўйилди. Кўпинча маъмурий район билан хўжалик райони ўзаро мос келмас эди².

Архив ҳужжатларида келтирилишича, Зарафшон вилоятида ҳар бир қишлоқ совети ҳудудига ўрта ҳисоб билан 25 та қишлоқ (аҳоли пункти) бўлиб, уларнинг ҳар бирида 6050 нафар аҳоли яшаган. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида аҳвол янада ёмонроқ бўлиб, бу ерларда айрим қишлоқ советлари ихтиёрида 80–90 та қишлоқ тўғри келарди³. Масалан, Зарафшон вилоятидаги Султонобод қишлоқ советида 90дан ортиқ қишлоқлар бўлган⁴. Бундай маъмурий бўлиниш қишлоқ жойлардаги аҳолининг талабларига жавоб бермас, қуйи совет аппаратининг меҳнаткашлар билан ишлашини қийинлаштирар эди.

Бу даврда Ўзбекистон муваққат ҳукумати (Марказий ревком) томонидан республика ҳудудида яшовчи Миллий камчилик аҳоли ишлари махсус комитети ташкил қилинди. Ўзбекистон ССР Ревкоми ҳузурида 1924 йил 13 декабрда ташкил қилинган ушбу комитет таркиби 3 нафар

¹ Қаранг: Материалы Всесоюзной переписи населения. 1926 г. в Узбекской ССР. Выпуск I. Поселенные итоги. – Самарканд : ЦСУ Узбекской ССР, 1927. – С. 6–11.

² Турсунов Х.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Б. 158–159.

³ Ўзбекистон миллий архиви, 86-фонд, 1-рўйхат, 3101-иш, 1–25-варақлар.

⁴ «Правда Востока» (Ташкент), 5 апреля 1926 г.

кишидан иборат бўлиб, унга Аҳмадбек Мавлонбеков (раис), Богода (раис ўринбосари), Аронсон (комиссия аъзоси ва масъул котиб) қилиб киритилди¹. Ўзбекистон ССР Советларининг I таъсис қурултойидан кейин бу комитет қайта номланди. У Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитети ҳузуридаги Миллий камчилик аҳоли ишлари бўйича Марказий комиссиясига айлантирилди. Марказий комиссияга катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилади. Комиссия фаолияти натижасида Ўзбекистон ССР тузилгандан кейин дастлабки ойларда алоҳида махсус районлар, масалан, аҳолиси асосан қозоқ ва қорақалпоқлардан иборат Конимех районини бошқариш бевосита Ўзбекистон ССР МИК томонидан амалга оширилди². Фарғона вилоятининг Конибодом райони (тожиклар кўпчилик бўлган) Фарғона вилояти ижроия комитети томонидан бошқарилди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР МИК Советлари Президиуми 1925 йил 15 апрелда махсус қарор қабул қилган³.

1926 йил 31 июлда Ўзбекистон ССР Советларининг Марказий Ижроия Комитети Президиумида Миллий камчилик аҳоли ишлари бўйича Марказий комиссиянинг ҳисобот маърузаси эшитилди⁴. 1926 йил 14 августда мазкур маъруза бўйича қабул қилинган қарорда область ижроия комитетларига бир ойлик муддат ичида бундай жойларда яшайдиган маҳаллий аҳоли тилида иш юритиш, маълумотнома ва турли иш юритиш қоғозларини бу тилларда олиб бориш, милиция, молия бўлими, қишлоқ советлари ва бошқа идораларда аҳоли билан шу тилларда мулоқат қилиш вазифаси юклатилди. Область ва уезд ижроия комитетларига аҳолига қарата чиқариладиган турли хитобнома, мурожаатнома, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни мазкур районларда ғуж(ғавжум) бўлиб яшайдиган аҳоли тилида чиқаришлари айtilди⁵. Натижада Ўзбекистонда кўплаб миллий қишлоқ Советлари ташкил қилинди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев кейинчалик Ўзбекистон ССР Советларининг III қурултойига қилган маърузасида миллий камчилик тўғрисида гапириб, бу ҳақда маърузанинг «Майда миллатларнинг аҳволи» деган қисмида қуйидаги-

¹ «Правда Востока», 22 декабря 1924 г.

² *Хакимов М.Х.* Развитие национальной советской государственности в Узбекистане. – С. 333.

³ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2222-иш, 50-варақ.

⁴ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2783-иш, 147-варақ.

⁵ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2783-иш, 159-варақ.

ча тўхталиб ўтади: «Руслар ва европалик бошқа миллатлар тўғрисида гапирмаганимизда ҳам тожиклар Ўзбекистон доирасида яшаб турган асосий майда миллатдир; сўнгра козоқлар, кирғизлар, уйғурлар, араблар ва маҳаллий яҳудий аҳолиси бор...

Тожикистон АССР шу йиллар ичида Ўзбекистон ва Иттифок ёрдами билан ўз халқ хўжалигини тез юксалтиришга муваффақ бўлди. Термиз-Душанбе йўлини қуриш бу ўсишни тагин ҳам кучайтириши ҳамда Тожикистон учун янги истиқбол ва имкониятлар очиб бериши лозим...

Хўжанд округи деб аталган округнинг ташкил этилганлиги, бу округда иш юритиш тожик тилида олиб борилаётганлиги Ўзбекистон доирасида бошқа майда миллатларга, шунингдек тожикларга хизмат кўрсатишнинг намунаси бўла олади, қорақалпоқларнинг она тилида иш юритиладиган Қорақалпоқ райони, бошқа бир қанча районлар (уйғур, араб, рус ва бошқа районлар) ҳамда 300га яқин миллий қишлоқ советлари ташкил этилганлиги ҳам бунга мисол бўла олади»¹.

Хуллас, 1925–1926 йилларда Ўрта Осиё Республикалари, шу жумладан, Ўзбекистон ССРда ҳам районлаштириш сиёсатининг сўнгги босқичини тайёрлаш ва ўтказишга катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Компартияси II съезди (Самарқанд; 1925 йил 22–30 ноябрь)да республиканинг мавжуд районларини жиддий ўрганиб, районлаштириш режасини пухта ишлаб чиқариш айtilди. Бунда Ўзбекистоннинг айрим чекка областлари (Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Тожикистон АССР)да иқтисодиёт орқада қолаётганлиги қуйидагича кўрсатилади:

«Кўпгина иқтисодий, маиший ва сиёсий сабаблар (бу районларнинг бутун республикамиздан ажралганлиги, йўлсизлик) бу областларнинг социализм йўлида муваффақият билан ривожланиб боришига тўсқинлик қилмоқдалар»². Ўзбекистон ССРни районлаштириш соҳасидаги ташкилий ишлар 1926 йил баҳоридан бошлаб тобора қизиб борди.

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми раиси (1925 йил 17 февралдан) ҳамда Ўзбекистон ССРни районлаштириш комиссияси аъзоси (1925 йил 16 июлдан) Йўлдош Охунбобоев районлаштиришнинг мақсади, районлаштиришни тўғри йўлга қўйиш лозим-

¹ *Файзулла Хўжаев*. Танланган асарлар. Уч томлик. Том III. – Тошкент: «Фан», 1978. – Б. 310 – 313.

² Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, 1958. – Б. 98.

лиги ва уни илгариги эски идоравий бўлинишдан фаркини ҳамда Ўзбекистонда районлаштириш қандай ўтказилаётганлигини ўз асарида кўрсатиб ўтади. Й. хунбобоевнинг районлаштиришнинг аввалги ва кейинги ҳолатлари тўғрисида айтган қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир:

«Эски вақтдаги идоравий тузилишнинг етишмаган жойининг бири-си ҳам идоравий марказнинг ва ёки район марказининг ҳукумат маҳкамалари турадиган жойининг ўша жойининг иқтисодий марказига (бозорига) тўғриланиб тузилмаганлиги эди. Бизда эса идоравий тузилиш орқасида шундай ҳолда қолган қишлоқлар (қишлоқ советлари) бордирки, у қишлоқлар 5–6 тадан иборат бўлиб, сув чиқадиған ариқлари бир бўлса ҳам шу қишлоқларнинг ўзлари икки кентга бўлинадирлар.

Бу кентнинг бирисида иқтисодий марказ (яъни бозор) бўлса, иккинчисида идоравий марказ (ҳукумат маҳкамаси) бўладир...

Районлаштиришни юқоридан туриб қилиб бўлмайдир...

Районлаштириш орқасида майда миллатларга ҳам кенг ҳуқуқ бериладир. Масалан, қозоқ, тожик, уйғур ва бошқаларнинг кўплаб турган жойларида миллий қишлоқ шўролари ва миллий районлар ташкил этилгусидир...

Районлаштириш иши ҳам ишчи ва деҳқонларимизнинг тинч ва осойишта яшаши, рўзғор-хўжалигини янгидан, янги йўллар билан тараққий қилдириши ва оз куч сарф қилиб кўп ҳосил олиши йўлида яшаши учун ясаладир, юзага чиқариладир»¹.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ССР ташкил қилинган, районлаштириш масаласи кун тартибига долзарб сиёсий ва иқтисодий масала сифатида қўйилди. Янги ташкил топган Ўрта Осиё совет республикалари қатори Ўзбекистон ССРда ҳам бу даврда маъмурий бўлинишда бир қатор ўзгаришлар қилинган бўлишига қарамасдан улар давр талаблари, иқтисодиёт аҳволи ва сиёсий ўзгаришларга жавоб бермас эди. 1925 йил январда Ўзбекистонда ўтказилган дастлабки маъмурий бўлиниш айрим хатолик ва чалкашликлардан холи бўлмаган. Иқтисодий-хўжалик районлаштириш соҳасидаги аҳвол ҳам ана шундай эди. Шунинг учун ҳам барча Ўрта Осиё республикалари қаторида Ўзбекистон ССРда ҳам 1925–1926 йиллар давомида районлаштиришнинг сўнгги босқичини ўтказишга жиддий тайёргарлик кўрилди.

¹ Охунбобоев Йўлдош. Танланган асарлар. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1976. – Б. 28–35.

2.2. Ўрта Осиёда районлаштириш сиёсатининг ўтказилиши, Ўзбекистон ССРда районлаштириш ва унинг натижалари

Ўрта Осиёда районлаштириш сиёсатининг сўнгги босқичи 1926–1927 йилларда ўтказилди. Бу масалага тўхталишдан олдин янги ташкил қилинган Ўрта Осиё республикалари ва Қozoғистоннинг ҳар бири тўғрисида алоҳида қисқача сўз юритилади. Даставвал совет давлати томонидан РСФСРда районлаштириш бўйича ўтказилган айрим ишларга тўхталиб ўтилинади.

РКП(б) X съезди (1921 йил март) янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди. ГОЭЛРО режаси асосида *РСФСР иқтисодий районлаштирилди*. СССР ташкил топиб (1922 йил 30 декабрь), РСФСР унинг таркибига киргач, 1923–1930 йилларда янги маъмурий-территориал бўлиниш ўтказилди: губерния, уезд, волостлар ўрнига областлар, ўлка ва районлар жорий қилинди.

Бу соҳадаги ислохотлар РСФСРда тажриба шароитида 1923 йили Уральск области ва 1924 йили Шимолий Кавказ ўлкасида амалга оширилди. Кейинчалик яна 6 та ўлка: Сибир (1925), Узоқ Шарк (1926), Ўрта Волга (1928), Қуйи Волга (1928), Шимол (1929), Нижегород (1929) ўлкалари ҳамда 5 та область: Ленинград (1927), Марказий Қоратупрок (1928), Москва (1929), Саноатлашган Иванов (1929), Ғарбий (1929) областлари ташкил этилди. СССРда мавжуд бўлган Миллий бирлашмалар (автоном республикалар ва областлар, миллий округлар) бу ерда кўрсатилмади. Аввал РСФСРда мавжуд бўлган губерния, уезд ва волостлар тугатилди. Ўлка ва областлар округларга ажратилди (округлар кўп ўтмай тугатилди), округлар эса районларга, районлар кишлок советларига бўлинди¹. 1931 йил бошларида РСФСРда 14 ўлка ва область, 11 автоном республика, 14 автоном область, 8 та миллий округ, 2085 та район бўлган².

Ўрта Осиё совет республикалари ва автоном областларининг умумий аҳолиси (улар сафига Қozoғистон АССР таркибига кирган Туркистон областини ҳам қўшадиған бўлсак), Ўзбекистон ЦСУ (Марказий статистика бошқармаси) берган маълумотларга қараганда³, 1924 йил

¹ История России XX век. Ответственный редактор: В.П. Дмитренко. – Москва: АСТ, 2000. – С. 240.

² Ўзбек совет энциклопедияси. Том. 9. – Тошкент, 1977. – Б. 330–331.

³ Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 хоз. год. С приложением схематической карты Средней Азии. –Ташкент: Изд. Средне-Азиатского отделения Российско – Восточной торговой палаты, 1926. – С. 90.

охири ва 1925 йил бошларида 8 040 505 нафар киши, бу республикаларнинг умумий территорияси эса 1 527 363 квадрат вёрст бўлган (3-иловага қаранг.).

Ўзбекистон ССР ташкил топган 1925 йилда унинг майдони 184 836 км² ёки 164 150 вёрст кв² бўлган¹ (бу ҳудудга бу пайтда Ўзбекистон ССР таркибига кирган Тожикистон АССР ҳудудини қўшиб ҳисобга олинмаганда). Бу пайтда Ўзбекистон ССР аҳолиси 4 058 500 кишидан иборат эди² (бу миқдорга ҳам Тожикистон АССР аҳолисини қўшиб ҳисобга олинмаганда). (Ўзбекистон ССР аҳолиси ҳақида 4-иловага қаранг.).

Ўзбекистон ССР территориясида ягона маъмурий бўлиниш: област (вилоят), уезд, волость ва қишлоқ советларига ажратиш жорий қилинди. Ўзбекистонда дастлаб 7 та област: Зарафшон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, марказдан бошқариладиган битта автоном район (Конимех райони) ташкил қилинади. Бу пайтда Ўзбекистонда 23 та уезд ва 240 та волость бўлган. Шунингдек, Тожикистон АССР ҳам Ўзбекистон таркибига кирган.

Ўзбекистон ССР Марказий ревкомининг қарори қабул қилиниб, Ўзбекистондаги вилоятлар, улар таркибидаги уездларнинг маъмурий марказлари белгиланди ва шаҳарлар рўйхати тасдиқланди.

Ўзбекистон ССР вилоятлари:

1. *Зарафшон вилояти* таркибига 4 та уезд: Бухоро, Ғиждувон, Кармана, Нурота ҳамда алоҳида Конимех райони кирган. Уездлар 23 та волостга бўлинган. Маркази – Бухоро шаҳри.

2. *Самарқанд вилояти* таркибига 4 та уезд: Жиззах, Каттақўрғон, Самарқанд, Хўжанд кирган. Уездлар 57 та волостга бўлинган. Маркази – Самарқанд шаҳри.

3. *Сурхондарё вилояти* таркибига 3 та уезд: Шеробод, Бойсун, Юрчи ҳамда Термиз шаҳри бўлган. Уездлар 10 та волостга бўлинган. Маркази – Шеробод шаҳри.

4. *Тошкент вилояти* таркибига 2 та уезд: Тошкент, Мирзачўл бўлган. Уездлар 26 та волостга бўлинган. Маркази – Тошкент шаҳри.

5. *Фарғона вилояти* таркибига қуйидаги 4 та уезд: Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган кирган. Уездлар 72 та волостга бўлинган. Маркази – Қўқон шаҳри.

¹ Вся Средняя Азия... – С. 383, 90.

² Вся Средняя Азия... – С. 91.

6. *Хоразм вилояти* таркибига 3 та уезд: Гурлан, Янги Урганч, Хива кирган. Уездлар 23 та волостга бўлинган. Маркази – Хива шаҳри.

7. *Қашқадарё вилояти* таркибига 3 та уезд: Бехбудий, Ғузор, Шаҳрисабз кирган. Уездлар 13 та волостга бўлинган. Маркази – Бехбудий (ҳозирги Қарши) шаҳри.

Тожикистон АССР майдони 1925 йилда 120 600 вёрст², аҳолиси эса 745 092 киши бўлган¹. Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, 1926 йил декабрда Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР ташкил топди, у қуйидаги 8 та вилоятга ажратилди: 1) Душанбе, 2) Сариосиё, 3) Қўрғонтепа, 4) Кўлоб, 5) Ғарм, 6) Тоғли Бадахшон, 7) Ўратепа, 8) Панжикент². Баъзи вилоятлар туман ва кентларга, айрим вилоятлар эса волостларга бўлинди. Кейинчалик Тожикистон АССРда ҳам бошқа Ўрта Осиё республикаларида бўлганидек вилоятлар ва туманлар тугатилиб, улар уездлар ва волостларга ажратилди. Тожикистон қуйидаги 7 та уездга бўлинди: 1) Панжикент, 2) Ўратепа, 3) Ғарм, 4) Душанбе, 5) Кўлоб, 6) Қўрғонтепа, 7) Сариосиё³. Тожикистоннинг пойтахти Душанбе бўлган.

Тожикистон АССР Ревкоми томонидан 1926 йил 3 ноябрда қабул қилинган қарорга кўра республика ҳудудида кентлар тугатилди. Тожикистон АССР Советлари МИҚ Президиуми 1927 йил 16 июлда «Тожикистон АССРда районлаштириш тўғрисида» номли қарорни қабул қилди. Унга кўра Тожикистондаги барча вилоятлар ўрнига округлар тузилди, округлар эса районларга ажратилди. Тожикистон АССРда қуйидаги 5 та округ: Ғарм, Ҳисор, Кўлоб, Қўрғонтепа, Панжикент тузилди. Бундан ташқари Тоғли Бадахшон автоном области унинг таркибига кирди⁴.

Туркменистон ССР 1925 йил 20 февралда ташкил топди. Бу пайтда унинг ҳудуди 418 529 км² ёки 367 776 вёрст², аҳолиси эса 751 387 киши бўлган. Туркменистон ССРда маъмурий бўлиниш ўтказилиб, республика ҳудуди қуйидаги 5 та округ: Полторацкий, Марв, Ленинск, Карки, Тошовуз округлари ҳамда 26 та районга бўлинган. Туркменистоннинг пойтахти Полторацк (ҳозирги – Ашгабат) бўлган.

¹ Вся Средняя Азия... – С. 90, 547.

² Вся Средняя Азия... – С. 542.

³ Вся Средняя Азия... – С. 543.

⁴ История Таджикского народа. Том. V. Новейшая история (1917–1941 гг.). – Душанбе, 2004. – С. 396.

Туркменистон ССР округлари:

1. Полторацкий округи 5 та райондан иборат бўлган. Маркази – Полторацк шаҳри.

2. Марв округи 5 та районга бўлинган. Маркази – Марв (Мари) шаҳри.

3. Ленинск округи ҳам 5 та райондан иборат эди. Маркази – Ленинск (аввалги – Чоржўй; ҳозирги Туркманобод) шаҳри.

4. Карки округи 6 та районга бўлинган. Маркази – Карки шаҳри.

5. Тошҳовуз округи 4 та районга бўлинган. Маркази – Тошҳовуз (ҳозирги – Дошовуз) шаҳри¹.

Қирғиз (Қорақирғиз) автоном области (РСФСР таркибида) 1925 йил 25 майда тузилган эди. Бу пайтда унинг ҳудуди 170 534 вёрста² ёки 135 735 км², аҳолиси эса 787 413 киши бўлган². Қирғиз автоном области Революцион комитетининг 1924 йил 8 декабрдаги қарорига кўра, Қирғизистон ҳудуди бу пайтда куйидаги 4 та округга ажратилади: Пишпек, Қорақўл – Норин, Жалолобод, Ўш. Округлар 75 та волостдан иборат бўлган³. Қирғизистон пойтахти Пишпек (ҳозирги Бишкек) шаҳри. Бу пайтда Қирғизистонда 6 та шаҳар, 721 та кишлоқ ва 727 та овул бўлган.

Қирғиз автоном областидаги округлар:

1. Пишпек округи (20 та волостга бўлинган), маркази – Пишпек шаҳри.

2. Қорақўл – Норин округи (16 та волостга бўлинган), маркази – Қорақўл (собиқ – Пржевальск) шаҳри.

3. Жалолобод округи (19 та волостга бўлинган), маркази – Жалолобод шаҳри.

4. Ўш округи (20 та волостга бўлинган), маркази – Ўш шаҳри⁴.

1927–1928 йилларда Қирғизистонда округлар ўрнига кантонлар ташкил қилинди. Бу пайтда Қирғизистонда 5 та кантон: Ўш, Қорақўл, Норин, Талас, Фрунзе ҳамда МИҚ томонидан бошқариладиган Ала-меддин, Калинин ва Чуй районлари мавжуд бўлган⁵.

¹ Вся Средняя Азия... – С. 593–594.

² Вся Средняя Азия... – С. 90, 649.

³ История Киргизской ССР. В пяти томах. Том 3 (1917 – 1941 гг.). – Фрунзе: «Кыргызстан», 1986. – С. 327.

⁴ Вся Средняя Азия... – С. 649, 650.

⁵ *Архипов Н.Б.* Средне-Азиатские Республики. Издание третье. – Москва – Ленинград: Государственное издательство, 1930. – С. 155.

Маълумки, Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилган пайтида Туркистон АССР худудининг жуда катта қисми (Сирдарё ва Еттисув областлари деярли тўлиқ) 1920 йил 26 августда РСФСР таркибида тузилган Қирғизистон АССР [Қозоғистон АССР]га ўтиб кетди. Бу худудларда Қозоғистон ССРнинг Сирдарё губернияси ташкил этилди¹. Баъзи ҳужжатларда бу худуд «ҚССРнинг Туркистон области»² деб ҳам тилга олинади. Сирдарё губерниясининг маркази Чимкентда жойлашган. Туркистон областининг ўзи Сирдарё ва Еттисув губернияларига бўлинган. Ўрта Осиё тугатиш комитети берган маълумотларга қараганда, 1924 йилда Сирдарё ва Еттисув губерниялари (Туркистон области) да 1 458 872 нафар киши яшаган³. Бошқа бир маълумотда Туркистон области аҳолисининг миқдори 1 469 025 нафар киши келтирилиб, вилоятнинг умумий майдони 600 954 вёрста⁴ (ҳозирги Ўзбекистон Республикасидан қарийб 2 марта кўп) эканлиги ёзилади⁴.

Қирғизистон АССР (Қозоғистон АССР) ташкил топган дастлабки вақтда унинг биринчи пойтахти Оренбург шаҳри қилиб белгиланади. Бироқ, Қозоғистон худудида 1925 йил бошларида районлаштириш ўтказилиши муносабати билан 1925 йил 26 январда РКП(б) МК махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган Қозоғистонни районлаштириш лойиҳаси билан танишгач, автоном республика пойтахти Оренбургдан Перовск (ҳозирги – Қизил Ўрда) шаҳрига кўчирилади. Оренбург губернияси (шаҳар ҳам) Бутунроссия МИК Президиумининг 1925 йил 6 апрелдаги қарори билан Қозоғистондан бевосита РСФСР таркибига ўтказилиб, территориал – иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун махсус комиссия тузилди. Қозоғистон таркибидаги Урал губерниясининг бир қисми ҳам Россияга ўтди. 1925 йил 15–19 апрелда янги пойтахт Қизил Ўрдада бўлган республика Советларининг V съезди Қирғизистон АССР номи Қозоғистон АССР, халққа нисбатан қирғизлар номи қозоқлар деб ўзгартирилади⁵.

Хуллас, Қозоғистон АССРни маъмурий районлаштириш ишлари 1925 йил бошларида асосан тугалланади. Қозоғистон АССР таркибига

¹ Вся Средняя Азия... – С. 671.

² Вся Средняя Азия... – С. 90.

³ Вся Средняя Азия... – С. 97.

⁴ Вся Средняя Азия... – С. 90.

⁵ История Казахстана. В пяти томах. Том 4. Казахстан в советский период. – Алматы: «Атамұра», 2010. – С. 235.

янги ҳудудлар сифатида Адаевск уезди (губернияга тенг бўлган), Ак-тюбинск, Акмолинск (Акмала), Уральск, Семипалатинск, Қустанай губерниялари, собиқ Туркистон АССРнинг катта қисми ўрнида тузилган Еттисув ва Сирдарё губерниялари ҳамда Қорақалпоқ автоном области киритилди. Натижада бу пайтда Қозоғистон АССР ҳудуди 2,7 млн км² бўлиб, аҳолиси 5 млн кишидан ортиб кетди¹.

Адолат юзасидан айтганда, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш ва иқтисодий районлаштириш натижасида деярли барча халқлар жабр кўрди. Марказнинг хоҳишига кўра, Собиқ Туркистон Республикаси ҳудудининг катта қисми Қозоғистон ва қолган қисми эса бошқа республикаларга бўлиб берилди. Туркистон ҳудудида асосан кўпроқ ўзбеклар истиқомат қилишган. Марказ, Қозоғистон АССРдан Россияга Оренбург ва бошқа жойларни бериб, эвазига собиқ Туркистон АССР ҳудудидан 705 000 вёрста² ҳудудни унга қўшиб берган. Холбуки, 1920 йилда Қозоғистон АССР тузилган пайтда ҳам Туркистон АССР ҳудудининг катта қисми Марказ томонидан, унга берилган эди.

Қорақалпоқ автоном области 1925 йил 17 февралда Қозоғистон АССР таркибида ташкил қилинди. Қозоғистоннинг ўзи бу пайтда автоном республика сифатида РСФСР таркибида бўлган. Қорақалпоқ автоном области ташкил топган пайтда унинг майдони 103 349 км², аҳолиси 229 136 нафар киши бўлган². Пойтахти – Тўрткўл шаҳри (1925–1929 й.).

Қорақалпоқ автоном области 1925 йилда маъмурий жиҳатдан қуйидаги 2 та уезд: Чимбой ва Шўраҳон уездлари ҳамда Қўнғирот, Хўжайли ва Шуманай районларига бўлинган. Бу ҳудудда асосан қорақалпоқлар, ўзбеклар ва қозоқлар яшаган³.

Миллий-худудий чегараланиш натижасида ташкил топган Қорақалпоқ автоном области аслида Туркистон АССРнинг Амударё области ҳамда Хоразм ССРнинг Хўжайли ва Қўнғирот районлари асосида тузилган эди. Кейинчалик Қорақалпоғистонда қайтадан маъмурий бўлиниш ўтказилиб, у қуйидаги 4 та округ: Тўрткўл, Чимбой, Хўжайли ва Қўнғирот округларига ажратилди. Ўз навбатида бу округлар 26 та волостга бўлинди⁴.

¹ История Казахстана. В пяти томах. Том 4. – С. 234–235.

² Вся Средняя Азия... – С. 90.

³ Вся Средняя Азия... – С. 103.

⁴ Очерки истории Каракалпакской АССР. Том II (1917 – 1993 гг.). – Ташкент: «На-ука», 1964. – С. 136–137.

Ўзбекистонда ҳам районлаштириш сиёсатини узил-кесил ўтказишга 1926 йили жиддий киришилди. 1926 йил март ойи бошларида Ўзбекистон Компартияси МК ҳузурида районлаштириш бўйича Марказий сиёсий комиссия ташкил қилинди. Комиссия таркибига 16 нафар киши киритилиб, унга Ўзбекистон ССР Ишчи-Дехқон инспекцияси халқ комиссари Ахмадбек Мавлонбеков раис қилиб тайинланди. Марказий сиёсий комиссия томонидан ўз навбатида 4 та кичик комиссия: техникавий, илмий, совет қурилиши ва молиявий-иқтисодий каби кичик комиссиялар ташкил қилинди. Техникавий кичик комиссия харита ва материаллар тайёрлаш, текшириш ва бошқа ишларни ташкил қилиш билан шуғулланди. Илмий кичик комиссия иқтисод, география, этнография фанлари ҳамда табиий-тарихий шарт-шароит ва хусусиятларни яхши биладиган илмий ва амалиётчи ходимларни ўз атрофига тўплади ва ҳўжалик, сув тизими, алоқа йўллари ҳамда алоҳида районлар аҳоли таркибини жиддий ўрганиб, бу материаллар асосида районлаштиришнинг метод ва принципларини белгилади ва уларни муҳокама қилишга киришди. Совет қурилиши бўйича кичик комиссияси Советларнинг келгуси бошқарув системасини ҳал қилиши, мавжуд бўлган тўрт поғонали бошқарув бўғинини уч поғонали бошқарувга алмаштириши керак эди. Молиявий-иқтисодий кичик комиссияси зиммасига янги ташкил қилинадиган маъмурий иқтисодий бирликларнинг бюджети, солиғи ва штати каби масалаларни ҳал қилиш вазифаси тушди¹.

1926 йил 14 мартда бўлган Ўзбекистон Компартияси МК Ижроия бюроси мажлисида районлаштириш бўйича Марказий сиёсий комиссиянинг иш режаси тасдиқланди. Режага кўра комиссия фаолияти 1926 йил 1 апрель – 10 май кунлари Ўзбекистондаги барча областларда тавсифий текшириш ишларини ўтказиш билан бошланиши керак эди. Қарорда таъкидланишича, Ўзбекистонда районлаштириш ишларини 1926 йили якунлаш лозим эди. Бунинг учун 15–25 март кунларида жойларда область ва уезд сиёсий комиссиялари тузилиб, унинг таркибига обком секретари, облизполком ва облплан раиси, уезд секретари, шунингдек, уезд исполкоми, область ер бошқармаси, сув ҳўжалиги бошқармаси, пахта комитети область контораси раислари, Қўшчи уюшмаси вакили ва бошқалар киритилди.

¹ *Ҳакимов М.Х.* Развитие национальной советской государственности в Узбекистане. – С. 336.

Ўзбекистон компартияси МК ҳузуридаги Марказий сиёсий комиссия ўз вақтида Туркистон Иқтисодий Совети ҳузуридаги Госплан (давлат режа комиссияси) ва районлаштириш бўйича Ўрта Осиё комиссияси томонидан тайёрланган барча материаллар, 1917 ва 1920 йиллардаги аҳолини рўйхатга олиш ҳамда Ўрта Осиё сув ҳўжалиги бошқармаси материаллари, Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги районлаштириш комиссияси материаллари билан тўлиқ таъминланди. Комиссия ихтиёрига Бухоро ССР ва Хоразм ССР ўрнида ташкил қилинган вилоятлар (Зарафшон, Қашқадарё ва Хоразм) тўғрисида Ўз ССР Ревкоми комиссиялари тўплаган материаллар, шунингдек, Ўз ССР Советлари МИК комиссиясининг ҳамда Ҳалқ Хўжалигининг Олий Кенгаши (ВСНХ), Марказий статистикаси бошқармаси (ЦСУ), Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши (СТО), Давлат режа комиссияси (Госплан) каби иттифоқ органларининг Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларида ер-сув ислохотини амалга ошириш даврида тўплаган барча материаллари берилди.

Бу материаллар орасида Ўзбекистон ССР Госплани (Давлат режа комиссияси) ҳузуридаги районлаштириш комиссияси тайёрлаган материаллар энг аҳамиятлиси бўлган. Бироқ бу лойиҳада кўп камчиликлар бўлиб, у ҳали 1925 йил 11 ноябрда Ўз ССР Госплани ҳузуридаги районлаштириш бўйича Марказий комиссияси йиғилишида ҳақли равишда танқид қилинган эди¹. Унда қишлоқ советларини районлаштиришга мутлақо эътибор қаратилмаган ҳамда округларни ташкил қилиш лойиҳасида нотўғри кўрсатмалардан фойдаланилган эди. Масалан, лойиҳада Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини ягона Дарё округига бирлаштириш кўзда тутилган, бироқ Фарғона ва Зарафшон вилоятларини майдалаштириш (бир нечта округларга бўлиш) кўзда тутилмаган эди. Лойиҳанинг 1-вариантида 6 та округ: Фарғона, Дарё, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Хоразм округларини ташкил қилиш кўзда тутилган бўлса, 2-вариантда улар сафига Хўжанд округини қўшиш мўлжалланган эди².

Совет ҳокимияти томонидан 8 йил давомида тўпланган материалларни умумлаштириш ҳамда районлаштиришнинг янги лойиҳасини муҳокама қилиш учун 1926 йил май ойи биринчи ўн кунлигида Самарқанд шаҳрида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона илмий ходим-

¹ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86 – фонд, 1-рўйхат, 2540-иш, 42–43-варақлар.

² Ўзбекистон миллий архиви, Р-86 – фонд, 1-рўйхат, 2540-иш, 52–53-варақлар.

лари, республика партия ва совет фаоллари ҳамда вилоятлар вакиллари-нинг кенгаши чақирилди. Кенгашда районлаштириш бўйича инфор-мацион маъруза тингланди ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилди.

1926 йил май ойида бўлиб ўтган районлаштириш бўйича Марказий сиёсий комиссиянинг пленуми (Ўзбекистон компартияси МК секретар-лари иштирокида), Ўзбекистон Компартияси МК 2-чақириқ III плену-ми ва бошқа мажлисларда ҳам районлаштириш масаласи асосий кун тартибида бўлди¹. Бу масала бўйича қилинган А. Мавлонбеков маъ-рузалари ва қабул қилинган резолюцияларда районлаштириш сиёсати-нинг моҳияти кўрсатилган.

1926 йил 10 июнда Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижро-ия Комитетининг биринчи чақириқ IV сессияси районлаштириш бўйича Марказий сиёсий комиссиянинг раиси А. Мавлонбековнинг асосий маърузасини² тинглаб, эски маъмурий бўлинишнинг яшаб ке-лаётган қолдиқларини тугатиш мақсадида, шунингдек, совет аппара-тини оммага яқинлаштириш манфаатини кўзлаб, Ўзбекистон ССРда районлаштириш ўтказишга қарор қилди. Амалда бўлган 4 поғонали (қишлоқ совети, волость, уезд, вилоят) ўрнига маъмурий бўлиниш-дан 3 поғонали (қишлоқ совети, район, округ) маъмурий бўлинишга ўтиш, волостлар ва уездлар ортиқча инстанция бўлгани учун уларни тугатишга ва ўрнига зарурий сондаги маъмурий-иқтисодий марказ-лар барпо этишга қарор қилинди; янгидан барпо этиладиган районлар бир-бири билан иқтисодий томондан яқинлашиши ва хўжалик томон-дан алоқаси асосида округларнинг қатъий тизимига бирлаштирилиши керак эди³.

Умуман олганда, Ўрта Осиёда республикалари, жумладан, Ўзбеки-стонда ҳам районлаштириш сиёсати аҳолининг миллий таркиби, ирри-гация тизимининг узвийлиги, айрим районлар хўжалик шакллари-нинг йўналиши, аҳолининг иқтисодий алоқалари ва хўжалик ҳамда маданий ҳаётнинг бошқа муҳим омилларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш ке-рак эди.

¹ *Ҳакимов М.Х.* Развитие национальной советской государственности в Узбеки-стане. – С. 340–341.

² *А. Мавлонбеков* томонидан қилинган «Ўз ССРда районлаштириш тўғрисида»ги маъруза рус тилида «Правда Востока» газетасида 1926 йил 25 июнда эълон қилинди.

³ *Турсунов Ҳ.Т.* Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этили-ши. – Б. 159.

Хуллас, республика Марказий Ижроия Комитети кўрсатмаси асосида Ўзбекистонни районлаштириш комиссияси *янги районлаштириш лойиҳасини* ишлаб чиқди. Лойиҳа кенг омма томонидан муҳокама қилинди. Республика ҳудудида бўлиб ўтган 2000 дан кўпроқ мажлисда 250 000 одам¹ қатнашганлиги (бунинг устига қишлоқ хўжалиги ишлари авжига чиққан ёз фаслида), лойиҳага айрим тузатиш ва қўшимчалар киритилганлиги ўз вақтида қайд этилган. Хусусан, қишлоқ советларининг ҳудуди ва чегарасини аниқлаш юзасидан бир қатор тузатишлар киритилди².

Янги маъмурий бўлиниш лойиҳаси бўйича Ўзбекистон ССРда собиқ 7 та вилоят ўрнига 10 та округ: Андижон, Бухоро, Зарафшон [Ўрта Зарафшон], Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хўжанд ва Хоразм округлари барпо этилди [Тожикистон АССРдан ташқари]. Собиқ 23 та уезд ўрнига дастлабки 87 та район (туман) ташкил этилди. Республикада 239 та волость тугатилди, қишлоқ советларининг миқдори 1152 тадан 1720 тагача кўпайди, яъни 43,3% ошди. Бу пайтда Ўзбекистон ССР таркибида бўлган Тожикистон АССР ҳудуди алоҳида Тожикистон миллий округига ажратилди. У 12 та район ва 306 та миллий советлардан ташкил қилиниши кўрсатилди³.

Ўзбекистон ССР Советлари МИК Президиумининг 1926 йил 19 июндаги қарори билан Ўз ССР Марказий районлаштириш комиссияси таркибини 40 кишидан иборат тасдиқлади: Аҳмадбек Мавлонбеков (комиссия раиси), Е.Зелькина [бу яхудий аёл Акмал Икромовнинг хотини ҳамда Ўзбекистон Ер ишлари халқ комиссарининг ўринбосари бўлган] ва Каценнеленбоген (раис ўринбосарлари), Корастелев (масъул секретарь ва Президиум аъзоси)⁴ (бу ҳақда 5 *иловага* қаранг).

Ўзбекистон ССР Советлари МИК Президиумининг 1926 йил 11 июндаги қарори асосида Ўзбекистон ССРни районлаштириш бўйича Марказий, область, уезд ва район комиссиялари фаолияти тўғрисида Низом қабул қилинди. Бу Низомга кўра, Ўз ССРдаги районлаштириш бўйича барча ишларга Ўзбекистон ССР Советлари МИК ҳузуридаги

¹ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3074-иш, 136-варак.

² Комиссия ЦИК Уз ССР по районированию. К 5-ой сессии ЦИК Уз. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарканд: Издание ЦКР Уз, 1926. – С. VI.

³ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. VI–VII.

⁴ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86- фонд, 1-рўйхат, 2783-иш, 118-варак.

Марказий районлаштириш комиссияси раҳбарлик қилиши лозим эди. Дарҳақиқат, қисқа муддат давомида районлаштириш бўйича Марказий комиссия катта ишларни амалга оширди. Марказий комиссия томонидан 25 июнь – 7 июль кунларида ҳар бир вилоятдаги районлаштириш комиссияси маърузасини эшитиб, уларнинг мулоҳазаларини ва тайёрлаган лойиҳаларини Марказий комиссиянинг лойиҳаси билан солиштирди. 1926 йил 10 июлдан 12 августгача ишчи ва деҳқонлар томонидан охириги лойиҳа кенг муҳокама қилинди¹.

Районлаштиришнинг мақсад ва вазифалари аниқ бўлиб, кўзда тутилган барча ишлар амалга оширилгач, районлаштириш бўйича Ўрта Осиё комиссияси Президиуми (комиссия раиси: И. Магидович)нинг 1926 йил 19 августдаги қарорига биноан Ўз ССР Советлари МИК ҳузуридаги районлаштириш бўйича Марказий комиссия жойларга директива жўнатиб, районлаштириш масаласи бўйича тушунтириш, жумладан, кишлоқ советлари ҳақидаги фикрлар Советларга ўтказилаётган навбатдаги қайта сайловларгача давом этишини маълум қилди². (Ўзбекистон ССРда кишлоқ советларига қайта сайловлар 1926 йил 13 декабрда бўлиб ўтди. Сайловда 1144 та кишлоқ советларига раис ва аъзолар сайланди.)

1926 йил 16 сентябрда Ўрта Осиё районлаштириш комиссияси пленумида Ўзбекистон, Қирғизистон ва қисман Туркменистонда районлаштириш масалаларини ўтказиш кўриб чиқилди³. ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ҳамда Ўзбекистон Компартияси МК Ижроия бюроси томонидан ҳам Ўзбекистон ССРни районлаштириш лойиҳаси қўллаб – қувватлангач, Марказий комиссияга уни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон ССР Советлари МИК навбатдаги сессиясига қўйишни топширди. Бу сессияда Ўзбекистон ССРни маъмурий-иқтисодий районлаштириш лойиҳаси қабул қилиниши керак эди. Бу масалага бағишлаб 1926 йил 17 сентябрда Ўзбекистон партия, совет ва ҳўжалик идоралари ходимлари учун махсус Республика кенгаши ўтказилди.

1926 йил 25–29 сентябрда Самарқандда Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитасининг V сессияси бўлиб, унда район-

¹ *Хакимов М.Х.* Развитие национальной советской государственности в Узбекистане. – С. 346–347.

² Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3405-иш, 181-варақ.

³ *Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С.* Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашри. – Б. 191.

лаштириш лойиҳаси, давлат бюджети ва иқтисодиёт аҳволи каби масалалар кўриб чиқилди ва тасдиқлади¹. Сессиянинг биринчи мажлисида районлаштириш лойиҳаси ҳақида Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиуми раиси Йўлдош Охунбобоев маъруза қилди. У ўз маърузасида Ўзбекистон хўжалигидаги иқтисодий ҳолатни таҳлил қилиб, районлаштириш масаласи республиканинг келгуси тараққиёти учун муҳим роль ўйнашини таъкидлади. Й. Охунбобоев маърузаси юзасидан сессияда 14 нафар нотик гапирди. Бу масала сессиянинг ўзида ҳам кескин мунозара ва тортишувларга сабаб бўлди. Масалан, лойиҳада Сурхондарё округининг маркази сифатида кўрсатилган Шеробод ўрнига Кумқўрғон, Ўрта Зарафшон округининг маркази сифатида ёзилган Кармана ўрнига Мирбозор ёки Каттакўрғон шаҳарларини белгилаш, Нов районини Тошкентга эмас, балки Хўжанд округига киритиш, алоҳида Исфара районини ташкил қилиш каби масалаларда мунозара қизиб кетди. Комиссия томонидан бу фикрлар сўнгги марта ўрганилгач, районлаштириш ҳақидаги қарорининг асосий охириги лойиҳаси тайёрланиб, у 29 сентябрда сессия қатнашчилари ихтиёрига ҳавола қилинди. V сессия 1926 йил 29 сентябрь куни районлаштириш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди. Бу қарор 1926 йил 18 октябрда «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталарида босилди². Бу қарорга кўра Ўзбекистон ССРда маъмурий-иқтисодий районлаштириш амалга оширилди ҳамда вилоятлар, уездлар ва волостлар тугатилди. Бу пайтда Ўзбекистон ССРда мавжуд бўлган 7 та вилоят, алоҳида Кони-мех қозоқ райони, 23 та уезд, 241 та волость ва 1163 та қишлоқ жомаси ўрнига янги маъмурий бирликлар: 10 та округ, 87 та туман ва 1720 та қишлоқ шўроси (сельсовет) тузилди³.

Районлаштириш тўғрисидаги қарорнинг бошланиш қисмидан кейин Ўзбекистонда янги ташкил қилинган 10 та округ ва 87 та район (туман) номлари қуйидаги тартибда келтирилади:

Ўзбекистон ССР таркибидаги округлар ва районлар:

1. *Хоразм округи* – маркази Хива шаҳри; бутун Хоразм вилояти асосида; 10 та район (туман)дан иборат.

2. *Бухоро округи* – маркази Эски Бухоро шаҳри; тўлиқ Бухоро ва Ғиждувон уездлари асосида; 7 та райондан иборат.

¹ Қаранг: «Правда Востока» (Тошкент), 25–30 сентябры 1926 г.

² О районирование // «Правда Востока», 18 октября 1926 г.

³ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 168.

3. *Ўрта Зарафшон округи* – муваққат маркази Кармана шаҳри; тўлиқ Кармана, қисман Нурота, Жиззах, Каттакўрғон уездлари ва Каттакўрғон шаҳри асосида; 6 та райондан иборат.

4. *Самарқанд округи* – маркази Самарқанд шаҳри; тўлиқ Самарқанд уезди, қисман Жиззах, Каттакўрғон, Нурота уездлари асосида; 10 та райондан иборат.

5. *Тошкент округи* – маркази Тошкент шаҳри; бутун Тошкент вилояти асосида; 11 та райондан иборат.

6. *Хўжанд округи* – маркази Хўжанд шаҳри; Наманган, Конибодом, Хўжанд уездлари асосида; 4 та райондан иборат.

7. *Қўқон округи* – маркази Қўқон шаҳри; тўлиқ Қўқон уезди; қисман Наманган, Фарғона (Марғилон) уездлари асосида; 11 та райондан иборат.

8. *Андижон округи* – маркази Андижон шаҳри; тўлиқ Андижон уезди, қисман Фарғона (Марғилон), Наманган, Қўқон уездлари; 12 та райондан иборат.

9. *Сурхондарё округи* – муваққат маркази Шеробод шаҳри; бутун Сурхондарё вилояти асосида; 6 та райондан иборат.

10. *Қашқадарё округи* – маркази Беҳбудий [ҳозирги – Қарши] шаҳри; бутун Қашқадарё вилояти асосида; 8 та райондан иборат.

11. *Алоҳида Конимех тумани* – маркази Конимех; собиқ Бешрабат, Аю-Терен, Бойметантин ва Тошқудук волостлари асосида тузилган¹ (Бу ҳақда янада тўлиқ *6-иловага* қаранг).

Қарорда Ўзбекистон ССР Советлари МИК Президиумига лойиҳада кўзда тутилган кишлоқ советларининг сони ва таркиби масаласи 2 ҳафта муддат ичида ҳал қилиниши ҳамда аҳоли пунктлари билан биргаликда уларнинг номлари матбуотда эълон қилиниши ҳақида сўз боради. Хуллас, Ўзбекистонда ўтказилган районлаштириш амалда 1927 йил февраль ойи ўрталарида якунланди. 1926 йил 3 октябрда бўлган Ўзбекистон Компартияси МК IV пленумида ҳам районлаштириш лойиҳаси кўриб чиқилиб, у асосан маъқулланди. Пленумда Марказий районлаштириш комиссияси (ЦКР) томонидан тайёрланган кишлоқ советларини районлаштириш режаси маъқулланиб, улар миқдорини кўпай-

¹ «Правда Востока» 18 октября 1925 г.; Собрание Узбекской и распоряжений рабочею и дехканского правительства Узбекской ССР. – Самарканд – Ташкент, 1926. №35–36. – С. 150; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашри. – Б. 191–195.

тириш ва 1749 тага (аввал 1163 та бўлган ва 1720 та режалаштирилган) етказиш вазифаси қўйилди. Қишлоқ советлари ва райисполкомлар (район ижроия комитетлари) ҳақида Низом ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Кейинчалик Ўзбекистон ССР МИК Советларининг «Қишлоқ советлари ҳақида Низом» (1926 йил 26 октябрь) ва бошқа қарорлари қабул қилинди¹.

Ўзбекистон ССР майдони 1926 йил сентябрда 176 774 км² ёки 155 342 вёрст², аҳолиси эса 4 444 015 нафар киши бўлган² (7-иловага қаранг). Тожикистон АССР ҳудуди ва аҳолисини ҳисобга олинмаганда шунча бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, 1926 йили Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш бу ҳудудда янги тузилган республикалар ва автоном областлар тараққиётида ўзига хос ўрин тутди. Хусусан, Ўзбекистон ССРда 1926 йил сентябрда ўтказилган маъмурий ва иқтисодий районлаштириш, республикада биринчи марта ташкил топган 87 та район (туман), бир томондан, халқ хўжалиги тараққиёти ва иқтисодиёти учун, иккинчи томондан, янги маъмурий ҳудудларга бўлиш ва бошқарув тизимида муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон ССРни янги округлар ва районларга ажратиш совет аппарати ишларини яхшилашга, уни аҳолига яқинлаштиришга, бошқарув идораларига сарф этиладиган маблағни камайтиришга имкон берди ва республика ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини таъминлади.

Шунингдек, Ўрта Осиёда ўтказилган ҳам иқтисодий, ҳам маъмурий районлаштириш сиёсати Марказ манфаатларига хизмат қилди. Совет ҳокимияти ва большевиклар районлаштириш натижаларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринди.

2.3. Районлаштириш сиёсати даврида республикадаги аҳолининг этник таркиби ва маданий ҳаёт

Аввал ҳам қайд этиб ўтилганидек, районлаштириш сиёсати даврида 1925–1926 йилларда Ўзбекистон ССРда (Тожикистон АССР ҳисобга олмаганда) 4 444 015 нафар киши яшаган. Бу пайтда унинг таркиби-

¹ *Хакимов М.Х.* Развитие национальной советской государственности в Узбекистане. – С. 359.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 5–6.

да бўлган Тожикистон АССР аҳолиси эса 681 000 киши бўлган. Ўзбекистон ССР ҳудудида туб аҳоли ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар ва қорақалпоқлардан ташқари европаликлар: славян халқлари (руслар, украинлар, белоруслар), татарлар, арманилар, бухоро яҳудийлари, эронийлар (форслар) ва бошқалар ҳам яшаган. Ўзбекистон аҳолиси бутун Ўрта Осиё республикалари аҳолисининг 63,4 фоизини ташкил қилган ҳолда унинг территорияси атиги 19,1 фоиздан иборат бўлган. Ўзбекистон ҳудудидаги ўзбеклар бутун аҳолининг 81,3 қисми, яъни 74,3 фоизини ташкил қилган¹ (бу ҳақда *иловадаги 8-жадвалга* қаранг).

1926 йилдаги аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда (Тожикистон АССРни ҳисобга қўшмаганда) 4 443,3 минг, Тожикистонда 827,4 минг, Туркменистонда 1030,6 минг, Қирғизистонда 1035,9 минг киши, бутун Ўрта Осиё бўйича 7337,2 минг киши яшаган².

Ўзбекистон ССР таркибида бўлган Самарқанд округининг ҳудуди 1926 йилда 16 776 квадрат вёрста, аҳолиси 461 304 кишидан иборат эди³. Округ аҳолисининг асосий қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобланиб, улар асосан қишлоқларда ва ариқ бўйларига жойлашган хуторларда⁴ яшашган. Бундан ташқари округда кўпчиликни ташкил этмаган бўлсада, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли ҳам бўлиб, улар қишлоқларда ва ёзда эса тоғ яйловларида истиқомат қилиб, чорвачилик билан шуғулланишган. Округ бўйича 1 430 та қишлоқлар бўлиб, 79 142 та хўжалик(хонадон)ни ва аҳоли сони эса 366 560 нафарни ташкил этган. 1926 йилги районлаштиришдан сўнг, 5 та шаҳардан 2 таси Самарқанд округи таркибида қолди. Улар Самарқанд (84 744 нафар аҳолиси) ва Жиззах (10 000 нафар аҳолиси) шаҳарлари ҳисобланиб, шаҳар аҳолиси асосан иккала шаҳарда яшашган. Округ бўйича аҳоли зичлигига назар ташлайдиган бўлсак, шаҳар аҳолиси 1 квадрат вёрстага 27,5 кишига, қишлоқ аҳолиси эса 1 квадрат вёрстага 21,9 кишига тўғри келган. Лекин ҳар бир район бўйича алоҳида кузатилса, аҳоли зичлиги кескин фарқ қилиб, 1 квадрат вёрстага 7,4 кишидан 185,5 кишигача

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 5–9.

² *Архипов Н.Б.* Средне-Азиатские республики. – Москва – Ленинград: Государственное издательство, 1930. – С. 29.

³ Ўзбекистон миллий архиви, 86-фонд, 1-рўйхат, 3402-иш, 333-варак.

⁴ Хуторлар – бу ўринда 5–10 хўжалик яшовчи жуда кичик қишлоқлар кўзда тутилмоқда.

тўғри келганлигини айтиш мумкин. Масалан, Зомин районида 1 квадрат вёрстага 7,4 киши, Юқори Дарғомда 185,5 киши, Митан районида 16,1 киши тўғри келган¹.

Хоразм округининг умумий аҳоли сони 319 190 киши бўлиб, уларнинг 30 185 нафари (9,5%) шаҳар аҳолиси, 289 005 нафари (90,5%) эса қишлоқ аҳолиси ҳисобланган. Округ ҳудудида 3 та шаҳар: Хива, Гурлан, Янги Урганч ва шаҳар типигаги учта посёлка: Хонқа, Ҳазорасп ва Манғит мавжуд бўлган. Округ бўйича қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг зичлигини ҳисобга олганда 1 квадрат вёрстага 74 киши, фақат қишлоқ аҳолиси ҳисобга олинганда эса 67 киши тўғри келган. Округ аҳолиси 54 529 хўжаликни (хонадонни) ташкил этиб, асосан Бухоро округи аҳолисининг жойлашув тартибига ўхшаб, хуторларда яшайдиган қишлоқ аҳолиси ариқ бўйларида жойлашган эди. Маъмурий жиҳатдан бир неча хуторлар алоҳида мачитлар атрофига бирлашган. Лекин айрим қишлоқлар барқарор жойлашмаган эди. Маълумотларга қараганда, округ бўйича мачитлар сони 1 355 тани ташкил этган. Демак, округда мачитлар сони аҳоли яшаш пунктлари (қишлоқлар)нинг жойлашувига яраша бўлган дейиш мумкин².

Бухоро округининг умумий аҳоли сони 562 707 киши бўлиб, уларнинг 92 985 нафари (16%) шаҳар аҳолиси, 469 722 нафари (84%) қишлоқ аҳолиси ҳисобланган. Округ бўйича аҳоли зичлиги 1 вёрстада 39,7 кишига, агар шаҳар аҳолисини ҳисобга олмаганда 33 кишига тўғри келган. Агар округ ҳудудининг 75% чўллигини ҳисобга олсак, маданий воҳаларда аҳоли зичлиги анча юқори бўлган. Масалан, маданий воҳаларда аҳоли зичлиги 1 вёрстага 60 кишидан (Қорақўл районида) то 296 кишигача (Ғиждувон районида) тўғри келган³.

Бухоро округи аҳолисининг кўпчилиги ўтроқ ҳолда яшаган. Қишлоқларда асосан хуторларда яшайдиган аҳоли ариқ бўйларида жойлашган бўлиб, маъмурий жиҳатдан 35–40 хуторлар мачит атрофида бирлашган. Икки-учта мачитлар атрофидаги хуторлар қишлоқларни ташкил этган.

Округ бўйича 1 392 қишлоқ типигаги аҳоли пункти (қишлоқлар) бўлиб, уларнинг аҳолиси 90621 хўжаликни (хонадонни) ташкил қилган. Бундан ташқари округда 3 та шаҳар мавжуд бўлиб, улар Бухоро

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 64–79.

² Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3402-иш, 321-варақ.

³ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3401-иш, 63–64-варақлар.

(округ маркази), Когон ва Гиждувон шаҳарларидан иборат. Округда яна шаҳар типигаги 2 та посёлка бўлиб, булар Вобкент ва Қорақўл ҳисобланган¹.

Аҳолининг миллий таркибига кўра ўзбеклар 82,3% ни, тожиклар 6,7% ни, араблар 5,9% ни, қozoқлар 0,5% ни, туркманлар 3,9% ни ва қолган аҳоли турли миллатлар вакилларига тўғри келган бўлиб, улар озчиликни ташкил қилган.

Районлаштириш комиссиясининг маълумотларига қараганда, Кўқон округининг ҳудуди анча қисқарди (1924 йилга нисбатан). Округнинг умумий майдони 9 641 квадрат вёрста, аҳолиси 654 236 нафарни ташкил этган. Округ ҳудуди шимол ва жанубдан Қирғизистон, ғарбдан Хўжанд округи ва шарқдан эса Андижон округи билан чегараланган².

Кўқон округининг этник таркиби асосан ўзбеклардан иборат бўлиб, улар умумий аҳолининг 81% ни ташкил этган. Округ бўйича қишлоқ аҳолисини 85% ни ўзбеклар, 8,6% ни тожиклар, 2,3% ни қирғизлар, 2,1% ни қорақалпоқлар ва бошқа турли миллат вакиллари ташкил этган бўлса, шаҳар аҳолисининг 68,9% ни ўзбеклар, 14,2% ни руслар, 9,2% ни тожиклар ва бошқа турли миллат вакилларидан иборат бўлган. Кўқон округининг умумий аҳоли сони 654 236 киши бўлиб, уларнинг 168965 нафари (25,9%) шаҳар аҳолиси, 485271 нафари (74,1%) эса қишлоқ аҳолиси ҳисобланган. Қишлоқ аҳолисининг зичлиги турлича бўлиб, 1 вёрстага 17,9 кишидан 125,6 кишигача тўғри келган. Округ бўйича 4 та шаҳар ва 1 та шаҳар типигаги посёлка бўлган³.

Андижон округида 866та аҳоли пунктлари (манзилгоҳ), хўжаликлари сони 130 420та бўлиб, округ аҳолиси умумий сони эса 724 397 нафар кишини ташкил этган. Аҳолининг 566 058 нафари қишлоқ, 158 339 нафари шаҳар аҳолиси ҳисобланган. Аҳолининг этник таркибини 72,6%ни ўзбеклар, қолган қисмини қирғизлар (7,9%), қипчоқлар (5,2%), уйғурлар (3%), қорақалпоқлар (1,8%), тожиклар (1,2%), руслар (1,1%), қурама (0,4%) ва бошқа элат вакиллари ташкил этган. Округ бўйича аҳоли зичлиги 1 квадрат вёрстага 112 кишига тўғри келган. Демак, маълумотлардан кўриниб турибдики, Андижон округи аҳолиси водийнинг бошқа ҳудудларига нисбатан анчагина зич жойлашганлиги

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 35.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 109–111.

³ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 109–111.

билан характерланади. Аҳолининг саводхонлик даражаси турли ҳудудларда турлича бўлган¹.

Расмий маълумотларга қараганда, Хўжанд округининг умумий майдони 5 872 квадрат вёрстани ташкил қилган бўлса, округ бўйича аҳоли сони эса 176565 кишидан иборат бўлиб, аҳоли зичлиги бўйича 1 квадрат вёрстага 30 нафар кишига тўғри келган². Аҳолининг 38% (66796) шаҳарларда, 62% ни (109759) эса қишлоқларда истиқомат қилишган³. Округнинг шаҳар аҳолиси асосан қуйидаги 3 та шаҳарда яшашган: Хўжанд (38 409 нафар), Конибодом (26 921 нафар) ва Сулукта (1 466 нафар). Хўжанд округи этник таркибини асосан ўзбеклар ва тожиклар, қисман қирғизлар, руслар, қипчоқлар ва бошқалар ташкил этган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, асосан ўзбеклар ва тожиклар округда катта маъкега эга бўлганлар.

1925 йилги маълумотларга қараганда, Наманган уездиди 273 та аҳоли пунктлари (қишлоқлар), хўжаликлар сони эса 43 934та бўлиб, аҳолининг умумий миқдори сони эса 184 792 нафарни ташкил этган⁴. Аҳолининг кўпчилик қисми асосан қишлоқларда истиқомат қилишган. Уезднинг шаҳар аҳолиси умумий сони 48 952 нафар ҳисобланиб, Наманган шаҳрида 40 196 нафар, Чустда эса 8 756 нафар киши яшаганлиги рўйхатга олинган⁵.

Қашқадарё округининг умумий аҳоли сони 434 494 киши бўлиб уларнинг 62 374 нафари (14,3%) шаҳар аҳолиси, 372 120 нафари (85,7%) эса қишлоқ аҳолиси ҳисобланган. Округ бўйича қишлоқ аҳолиси жами 77 320 хўжалиқдан (хонадондан) иборат бўлиб, унинг 1154 хўжалиги кўчманчи аҳоли бўлган. Улар жами округ аҳолисининг 1,5% ни ташкил этган. Округ ҳудудида шаҳар ва шаҳар типидидаги манзилларга Бехбудий, Шаҳрисабз, Ғузор ва Китоб қирган. Округ бўйича қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг зичлигини ҳисобга олганда ўртача 1 квадрат вёрстага 14 киши тўғри келган. Аҳолининг этник таркибига назар ташланса, у ўзига хослиги билан характерланади. Жумладан, аҳолининг миллий таркибига кўра ўзбеклар 95,5% ни, тожиклар 0,6% ни,

¹ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3401-иш, 4–8-варақлар.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 99

³ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86 –фонд, 1-рўйхат, 3402-иш, 333-варақ.

⁴ Список населённых мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Выпуск III. Ферганская область. – Самарканд: Изд. ЦСУ УзССР, 1925. – С. 1–4.

⁵ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II. – С. 132.

араблар 0,6% ни, яхудийлар 3,3% ни ва қолган қисми аҳолининг турли миллат вакилларига тўғри келган. Фақат қишлоқ аҳолисини ҳисобга олганда эса 80,7% ни ўзбеклар, 11% ни тожиклар, 4,7% ни араблар ва қолганларини турли миллат вакиллари ташкил этган¹. Демак, расмий маълумотлардан кўриниб турибдики, қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам ўзбеклар аҳолининг асосий қисмини ташкил этган ва улар округда катта маъқега эга бўлган. Лекин округ аҳолисининг саводлилиқ даражаси унчалик юқори бўлмаган. Бу кўрсаткичнинг асосий қисми шаҳарларга тўғри келган. Округнинг кўчманчи аҳолиси, асосан, Тангаҳарам, Яққабоб ва Китоб туманларининг айрим қисмларида истиқомат қилишган. Округ аҳолиси асосан кичик-кичик яшаш пунктлари(қишлоқлар)да жойлашган бўлиб, бундай аҳоли пунктларида хўжаликлар сони 10 дан 100 тагача бўлган. Аҳолининг бундай жойлашуви деярли барча районларда ана шундай кўринишда бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидаги расмий маълумотларга кўра, Тошкент округи аҳолиси 561 064 кишини ташкил этиб, унинг 282 571 нафари шаҳарларда, 278493 нафари эса қишлоқларда истиқомат қилишган². Округдаги 5 та районда: Тошкент, Мирзачўл, Ховос районининг Урсатьевский станцияси яшаш пунктида, Янгийўлнинг Қовунчи шаҳарчаси, Пскентда шаҳар аҳолиси истиқомат қилишган. 1926 йилда округ бўйича аҳоли зичлиги 1 квадрат вёрстага 43,9 кишига тўғри келган. Аҳолининг миллий таркибига кўра қишлоқ ва шаҳарларда яшашига назар ташлайдиган бўлсак қуйидаги кўринишда бўлган: қишлоқ аҳолисининг 49,7%ни ўзбеклар, 26,3%ни қozoқлар, 11,9%ни қурама­лар ва бошқа миллат вакиллари ташкил этган бўлса, шаҳар аҳолисининг эса 64,1%ни ўзбеклар, 24,5%ни руслар ва қолган турли миллат вакиллари ташкил этган³.

Манбалардаги маълумотларга қараганда, Сурхондарё округининг умумий аҳоли сони 264 863 киши бўлиб, уларнинг 13110 нафари (5%) шаҳар аҳолиси, 251 753 нафари (95%) қишлоқ аҳолиси ҳисобланган. Округнинг шаҳар аҳолиси миқдор жиҳатидан республика округлари ичида охи­рги ўринда бўлган. Сурхондарё шаҳар аҳолиси республика

¹ Ўзбекистон миллий архиви, Р86 –фонд, 1-рўйхат, 3402-иш, 63–64 варак.

² Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3402-иш, 333-варак.

³ Материалы по районированию Ташкентского округа Уз ССР. Выпуск I. Список населённых пунктов. – Ташкент: Изд. ТОКР, 1926. – С. 81.

жами шаҳар аҳолисининг 1,3%ни ташкил этган. Округ бўйича аҳоли зичлиги 1 квадрат вёрстага 15 киши тўғри келган¹.

Округ бўйича шаҳар ва шаҳар типигаги манзилларга қуйидагилар кирган: Шеробод, Бойсун, Дарбанд, Термиз, Юрчи ва Сариосиё. Буларнинг ичида Термиз шаҳри қолганларига нисбатан анча барқарор ва ўша давр нуктаи назаридан замонавий кўринишда бўлганлиги билан характерланади².

Аҳолининг миллий таркибига кўра асосан ўзбеклар 74,5%ни, тожиклар 20,2%ни ва туркманлар 3,8%ни ташкил этган. Кўриниб турибдики, округ бўйича аҳолининг асосий қисми ўзбеклардан иборат бўлган.

Ўрта Зарафшон округининг умумий аҳоли сони 240346 нафар бўлиб, уларнинг 25631 нафари (10,7%) шаҳар аҳолиси, 214715 нафари (89,3%) эса қишлоқ аҳолиси ҳисобланиб, 46411 хўжалиқдан (хонадондан) иборат бўлган³.

Округ ҳудудида 859та аҳоли яшаш манзиллари ва 3та шаҳар: Кармана, Каттақўрғон ва Нурота мавжуд бўлган. Қишлоқ аҳолиси асосан сув манбалари атрофига, яъни ариқ, сой ва каналлар атрофларида жойлашган бўлиб, улар хуторларга бўлинган. Округ бўйича қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг зичлигини ҳисобга олганда 1 квадрат вёрстага 29,7 киши, фақат қишлоқ аҳолиси ҳисобга олинганда эса 28,1 киши тўғри келган. Лекин ҳар бир район бўйича алоҳида кузатилса, аҳоли зичлиги кескин фарқ қилиб, 1 квадрат вёрстага 4,3 кишидан 104,8 кишигача тўғри келганлигини айтиш мумкин. Жумладан, сув манбалари бой районларда аҳоли зичроқ, сув манбалари камроқ бўлса эса сийрақроқ жойлашган. Масалан, Қорадарё районида 1 квадрат вёрстага 104,8 киши, Нурота районида эса 1 квадрат вёрстага 4,3 киши тўғри келган⁴.

Ўрта Зарафшон округи аҳолисининг миллий таркибига эътибор берадиган бўлсак, асосан 85,3%ини ўзбеклар, 6,3%ини туркманлар, 2,4%ини қozoқлар ва 3,6%ини тожиклар ташкил этган. Кўриниб турибдики, аҳолининг асосий қисми ўзбеклардан иборат бўлган.

¹ Ўзбекистон миллий архиви, Р86-фонд, 1-рўйхат, 3402-иш, 333-варақ.

² Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. Маъсул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: «O‘zbekiston», 2019. – Б. 325–328.

³ Ўзбекистон миллий архиви, 86-фонд, 1-рўйхат, 3405-иш, 333-варақ.

⁴ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 1–4.

Хуллас, районлаштириш амалга оширилганда Ўзбекистон ССР-нинг барча округларида ўзбеклар аҳолининг асосий қисмини ташкил этган. Бироқ республиканинг кўплаб округларида ўзбеклардан ташқари маҳаллий халқлар вакиллари бўлган тожиклар, қozoқлар, туркманлар ва бошқалар, шунингдек, европалик аҳоли вакиллари ва татарлар ҳам яшаган. Аҳолининг мураккаб этник таркиби ва демографик жаранларнинг таъсири кейинчалик ҳам сақланиб қолди.

Ўзбекистон ССР ташкил топган ва районлаштириш ўтказилган йилларда республикадаги маданий ҳаёт тўғрисида сўз юритилар экан, 1925 йилда Ўзбекистон ҳудудида 981 та бошланғич ва ўрта мактаб бўлган. Бу мактабларда 75 000 нафар ўқувчи билим олар эди. Бу ерда 23 та техникум, 8 та касб-хунар техника мактаби, 8 та фабрика- завод мактаби, 14 та касб-хунар техника курслари ишлаб турган¹.

Тарихий тадқиқотларда келтирилишича, Ўзбекистонда 1925–1926 ўқув йилида мактаблар сони 1353 тага етди. Қишлоқларда мактаблар сони бундан ҳам ортиқроқ кўпайди. 1924–1925 ўқув йилида 640 та мактаб бўлган бўлса, 1925–1926 ўқув йилида уларнинг сони 1052 тага етди, яъни 64,4 фоиз ортиди². 1927–1928 йилларга келиб, таълим соҳасида совет мактаблари устуворлик касб этиб, Ўзбекистонда бирорта ҳам эски усулдаги мактаблар (анъанавий мактаблар) ва жаид мактаблари қолмади.

1925 йилда Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университетида (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида) 3331 нафар талаба таҳсил олган. Республикада ишлаб турган Ўрта Осиё коммунистик университети (САКУ) партия ва совет ходимларидан иборат раҳбар кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашда муҳим роль ўйнаган. Унинг 434 нафар тингловчиси бўлган. Шунингдек, 413 нафар тингловчи ўқиган 4 та область совет-партия мактаблари ҳам бор эди. Бу пайтда Ўзбекистон территориясида 76 та кутубхона ва 124 та клуб бўлган³.

¹ Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Б. 155.

² Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1956. – Б. 146.

³ Бюллетень Центрального Статистического Управления Узбекистана. 1926. №13. – С. 35–38.

Бу даврда Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ҳамза сингари жадид адабиёти вакиллари қаторига Ойбек, Ғафур Ғуллом, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир сингари ёш ёзувчи ва шоирлар ҳам қўшилди.

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР ташкил этилиши билан соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлди. Соҳага ажратилган маблағ ҳам қисман ортиб борди. 1927–1928 хўжалик йилида бу соҳага 14,4 млн рубль, 1932–1933 хўжалик йилида эса 32,5 млн рубль ажратилди. Аҳоли жон бошига ажратилган маблағларни тақсимлаганда 1927–1928 хўжалик йилида 2,48 рубль, 1932–1933 йилида 5,16 рублдан тўғри келади¹.

Бир қарашда юқорида келтирилган рақамлар орқали Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси ишини йўлга қўйишда ҳеч бир камчилик ва хатоларга йўл қўйилмагандек кўринади, аммо соҳанинг барча йўналишларида жиддий муаммолар мавжуд бўлган. Аҳоли орасида санитария маорифи, санитария – профилактика, даволаш ишларининг етарли даражада ташкил этилмаганлиги, қолаверса, аҳоли турмуш даражасидаги қолоқлик, моддий таъминотидаги ночорликлар туфайли юқумли ва ижтимоий касалликлар кенг қулоч ёйди. 1927 йили тери-таносил касаллиги РСФСРда ҳар 10 000 аҳолига 92 нафар, Украинада 48,5 нафар, Ўзбекистонда эса 126,5 нафар тўғри келди. Шунингдек, бошқа республикаларда бу касаллик кўрсаткичи пасайган бир шароитда Ўзбекистонда ўзгаришсиз қолди².

1925 йил бошларида Ўзбекистонда 59 та касалхона, 77 та амбулатория, безгакка қарши курашадиган 11 та станция, турли корхоналар ва бошқа жойлар қошида 79 та врачлик пунктлари бор эди. Даволовчи муассасаларда 537 нафар врач, 338 нафар фельдшер ва 186 нафар акушер ишлаган³. Марказий Россиядан келган илмий-педагогик кадрлар ёрдамида Ўрта Осиё давлат университети қошида медицина факультети, шунингдек, медицина техникуми ва медицина мактаблари очил-

¹ Муминова Г.Э. Ўзбекистонда совет даврида соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917–1991 й.). Тарих фанлари доктори (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 19.

² Муминова Г.Э. Ўзбекистонда совет даврида соғлиқни сақлаш тизими тарихи... – Б. 19.

³ Бюллетень Центрального Статистического Управления Узбекистана. 1926. №13. – С. 40.

ди. Улар маҳаллий миллатлар, жумладан, ўзбеклардан иборат дастлабки медицина кадрлари тайёрлаб чиқарди. Ўзбек аёллари ҳам врачлик касбини эгаллай бошлади.

Шундай қилиб, районлаштириш сиёсати даврида Ўзбекистонда аҳолининг этник таркиби турлича бўлган. Республика округларида ўзбеклардан ташқари бошқа маҳаллий халқлар (тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қорақалпоқлар ва б.) яшаганидек, ўзбеклар бошқа Ўрта Осиё республикалари (Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Қорақалпоғистон)да аҳолининг салмоқли қисмини ташкил қилган. Бу даврда республикада маданий ҳаёт, хусусан, таълим соҳасида катта ўзгаришлар юз берган. Бошланғич ва ўрта мактаблардан ташқари университет ва техникумлар ташкил қилинган. Бу ўқув юртларида ўзбек ёшлари ҳам таълим олишни бошлайди. Медицина ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Иккинчи бобга қисқача хулоса:

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, янги совет республикалари ва автоном областларининг ташкил қилиниши Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистон ССРда районлаштириш ўтказилишини объектив заруриятга айлантирди. Районлаштириш бир-бирига боғлиқ иккита жиҳатдан: иқтисодий (хўжалик) районлаштириши ҳамда маъмурий районлаштиришдан иборат бўлган.

Ўзбекистон ССР ташкил топгач, 1925 йил январда у маъмурий жиҳатдан дастлабки 7 та вилоят, вилоятлар эса 23 та уезд ва 241 та волостга ажратилди. Бироқ дастлабки маъмурий бўлиниш шошилинч ўтказилганлиги сабабли бу ерда кўп муаммолар ўз ечимини топмади, маҳаллий бошқарув бўғинидаги мавжуд чалкашликлар бартараф этилмади.

1925–1926 йилларда Ўзбекистонда (бошқа Ўрта Осиё республикаларида ҳам) районлаштириш бўйича турли комиссиялар ташкил қилиниб, улар ўз фаолиятида Ўрта Осиё районлаштириш комиссияси ва бошқа юқори идораларнинг кўрсатмаларини ҳамда тўпланган катта ҳажмдаги материалларни асос қилиб олди. Натижада 1926–1927 йилларда Ўрта Осиёда районлаштириш ўтказилди. 1926 йил 29 сентябрда районлаштириш сиёсати Ўзбекистон ССРда ҳам ўтказилди. Бироқ маъмурий районлаштириш асосан 1926 йил амалга оширилган бўлса,

иқтисодий районлаштириш масаласи фақат 1927 йил биринчи ярмида яқунланди.

Районлаштириш сиёсатининг икки жиҳати: ҳам иқтисодий, ҳам маъмурий районлаштириш амалга оширилган даврда Ўзбекистон ССР-да аҳолининг этник таркиби мураккаб эканлиги, республика округлари ва районларидаги иқтисодий ва маданий ривожланишнинг турлича даражаси ва бошқа жиҳатлар ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Районлаштиришнинг таъсири республикадаги ижтимоий ва маданий ҳаётга, шунингдек, иқтисодий жараёнларга умуман айтганда ижобий хусусиятга эга бўлди.

III БОБ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА РАЙОНЛАШТИРИШНИНГ ТАЪСИРИ ВА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

3.1. Ўзбекистонда бозорлар фаолияти ва савдо-сотиқ муносабатлари

Инсоният тарихида бозорлар муҳим роль ўйнаган. Хусусан, Шарқ бозорлари азалдан машҳур бўлган. Туркистон худудидаги кўҳна Бухоро, Самарқанд, Пойкенд, Урганч, Хива, Марв, Мунижкат, Исфожоб, Чағаниён, Термиз, Хўжанд каби шаҳарларда савдо-сотиқ қадимдан ривожланган. Айниқса, ўрта асрларга келиб нафақат шаҳарларда, балки жуда кўп йирик қишлоқларда ҳам Тим, Токи, Чорсу деб номланган гавжум бозорлар бўлган. Йирик пойтахт шаҳарларнинг чорраҳаларида қурилган тим ва чорсу намуналарини Бухоро, Хива, Самарқанд тимлари мисолида кўриш мумкин.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан Россия империяси ўртасидаги савдо алоқалари айниқса Закаспий темир йўли қурилгач, анча ривожланган. Ўзининг ободонлиги ва қулайлиги билан Бухоро бозори минтақада биринчи ўринда турган. Фарғона водийсида ўзининг катталиги ва савдо айланмаси жиҳатидан Қўқон бозори алоҳида ажралиб туради. Ипак газламалари билан бутун Шарқда танилган Марғилонда қатор-қатор тизилган дўконларда савдо-сотиқ қилинган. Тошкентдаги Эски Жўва (Ҳозирги Чорсу) бозори карвонлар келиб-кетадиган йирик савдо маркази бўлган¹.

Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти ўрнатилгач, большевиклар кескин чоралар кўришига қарамай бозорлар сақланиб қолди. Ўзбекистонда районлаштириш ўтказилиши арафасида ва 1926 йилдан кейин ҳам республика шаҳарлари, туман марказлари ва йирик қишлоқларда

¹ Бозор // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 2. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 103–106.

бозорлар фаолият кўрсатган. Маҳаллий аҳоли бу даврда бозорлар орқали савдо-сотик муносабатларини олиб борган.

Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш даврида, янги ташкил этилган Ўзбекистон ССРнинг барча ҳудудларида савдо-сотик муносабатлари турлича кўринишда эди. Бозорлар асосан, Районлаштириш комиссиясининг қарорлари билан ташкил этилган район марказларида фаолият юритган. Бозорлар ҳудудларда турли кўринишда ташкил этилган бўлсада, улар аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондирувчи асосий иқтисодий марказ ҳисобланган.

Ўзбекистонда округ районларидаги бозорлар ва савдо-сотик муносабатлари қуйидагича бўлган:

Самарқанд округида савдо-сотик ишлари ўзига хос равишда олиб борилган. Округда 50 та бозор ва 3500 савдо шоҳобчалари бўлган. Савдо шоҳобчаларининг 109 таси давлатники, 103 таси тижорат ва 3 288 таси хусусий эди. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шоҳобчаларининг пул айланмаси 33 856 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 18 538 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 3 711 000 рубли тижорат шоҳобчаларига ва 11 608 000 рубли хусусий шоҳобчалари ҳиссасига тўғри келган¹.

Хоразм округида эса амалга оширилган савдо-сотик ишларига назар ташлайдиган бўлсак, тижорат ўзига хос равишда ташкил этилган эди. Округ ҳудудида жами 23 та бозорлар фаолият юритган бўлиб, уларнинг жойлашуви туманларнинг иқтисодий-сиёсий ҳолати, шарт-шароитидан келиб чиқиб турлича бўлган. Масалан, Манғит туманида 5 та, Гурлан, Янги-арик, Боғот туманларида 2 та, Шовот, Янги Урганч, Ҳазорасп туманларида 3 та, Ғазавот, Хива ва Хонқа туманларида эса биттадан бозорлар фаолият юритган². Бозорларда асосий савдо-сотик ишлари ҳафтанинг белгиланган кунларида амалда оширилган. Бозорлардаги маҳаллий савдогарлар ўз маҳсулотлари савдосини кўчма тарзда амалга оширишгани билан характерланади.

Округ бўйича умумий савдо шоҳобчаларининг 24 таси давлатга қарашли, 30 таси тижорат ва 1263 таси хусусий бўлган. Хусусий савдо шоҳобчаларининг аксарияти белгиланган бозор кунларида фаолият юритган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шоҳобчаларининг

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 65.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск II. Список населённых пунктов. Книга I. Округ Хорезм. – Самарканд: Изд. ЦК Р Уз, 1926. – С. 2.

пул айланмаси 4 684 000 рублни ташкил этган бўлиб, унинг 1 794 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 435 000 рубли тижорат шоҳобчаларига ва 2 453 000 рубли эса хусусий савдо шоҳобчалари ҳиссасига тўғри келган¹.

Ўзбекистон ССРдаги муҳим округлардан бири Қўқон округида ҳам савдо алоқалари ўзига хос равишда олиб борилган. Округда аҳоли савдо ишларини юритиш ва истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида марказий шаҳар бозорлари ва қишлоқ бозорлари фаолият юритган. Масалан, Риштон, Бешариқ, Лайлакхона, Кува, Яйпан, Чодак ва бошқа шунга ўхшаш ҳудудларда қишлоқ бозорлари фаолият юритган бўлса, асосий йирик шаҳар бозорлари эса Қўқон, Фарғона, Марғилон каби водийнинг йирик шаҳарларида жойлашган эди. Округда 5499 та савдо шоҳобчалари бўлиб, уларнинг 137 таси давлатга қарашли, 237 таси тижорат ва 5125 таси хусусий эди. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо мажмуаларининг пул айланмаси 57 312 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 41 505 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 4091 000 рубли тижорат шоҳобчаларига ва 11 716 000 рубли хусусий шоҳобчалар ҳиссасига тўғри келган².

Районлаштириш комиссиясининг маълумотларига кўра, Андижон округи ҳудудида 48 та бозорлар мавжуд бўлган бўлса, энг муҳимлари Наманган ва Андижонда жойлашган эди. Ана шу жиҳатдан ҳам округдаги савдо-сотиқ ишлари асосан икки қисмга ажратилган. Биринчиси Наманган, округнинг марказий ва шимоли-ғарбий қисмларини, Андижон эса округнинг қолган қисмларидаги аҳоли истеъмол эҳтиёжларини қондирувчи марказ ҳисобланган. Кучли иқтисодий марказий бозор Асака бозори ҳисобланган. Округда 111 та давлатга қарашли, 237 та тижорат ва 3 843 та хусусий савдо шоҳобчалари фаолият кўрсатган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шоҳобчаларининг пул айланмаси 46 504 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 33 628 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 4 091 000 рубли тижорат шоҳобчалари ва 8 785 000 рубли хусусий шоҳобчалари ҳиссасига тўғри келган. Андижон округида фақат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шоҳобчаларидан ташқари 41 та пахта сотиб олиш пункти ва турли маҳсулотларни қайта ишловчи 11 та пунктлар ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий манзилгоҳларида фаолият юритган³.

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 19.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 110–111.

³ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-руйхат, 3401-иш, 4–8-варақлар.

Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланишдан сўнг Ўзбекистон ССР таркибида бўлган Хўжанд округида амалга оширилган савдо-сотик ишларига назар ташлайдиган бўлсак, тижорат ўзига хос равишда ташкил топган. Округда асосий савдо маркази Хўжанд шаҳри ҳисобланган. Бундан ташқари Конибодом, Исфара, Шайдон шаҳарларида, Қуйи Аштда асосий савдо бозорлари фаолият юритган. Жумладан, Қуйи Ашт бозори Қирққудук, Жарбулоқ, Пахтакор, Сарвак, Қалам, Тожиққожар ва Ўзбеққожар қишлоқлари аҳолисига хизмат кўрсатган. Бундан ташқари Пистакўз, Ғўлакандоз, Қамишқўрғон ва бошқаларда иккинчи даражали бозорлар ҳам фаолият юритган. Хўжанд округида 1719 та савдо шоҳобчалари бўлиб, уларнинг 32 таси давлатга қарашли, 38 таси тижорат ва 1649 таси хусусий бўлган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо мажмуаларининг пул айланмаси 10 121 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 5 585 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 1 568 000 рубли тижорат шоҳобчаларига ва 2 968 000 рубли хусусий шоҳобчалар ҳиссасига тўғри келган. Хўжанд округида фақат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шоҳобчаларидан ташқари 5 та пахта сотиб олиш пунктлари ва 13 та турли маҳсулотларни қайта ишловчи пунктлар ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий аҳоли манзилгоҳларида фаолият юритган¹.

Районлаштириш даврида Қашқадарё округида савдо сотик муносабатларига назар ташланадиган бўлса, у ўзига хос бўлган. Округ ҳудудида жами аҳоли истеъмол эҳтиёжларини қондириш учун 23 та бозорлар фаолият юритган бўлиб, уларнинг жойлашуви туманларнинг иқтисодий ва маъмурий ҳолати, шарт-шароитидан келиб чиқиб турлича бўлган. Масалан, Чирокчи, Бешкент туманларида 5 та, Тангаҳарам, Косон туманларида 4 та, Шаҳрисабзда 2 та, Китоб, Яққабғ ва Ғузор туманларида эса 1 тадан бозорлар фаолият юритган. Бу бозорлар Қашқадарё округидаги шаҳар ва қишлоқларни ўзаро боғлаб турган. Бозорлар ўша пайтда аҳолининг асосий олди-сотди жойлари бўлиб, улар ўлканинг иқтисодий тараққиётида муҳим рол ўйнаган. Бозорларга турли хил истеъмол моллари ва хом ашё материаллари турли йўللар орқали етказиб берилган ҳамда савдо алоқалари туманларнинг иқтисодий тараққиётига жиддий таъсир кўрсатган. Савдо алоқалари округ доирасидаги туманлар билан чегараланмасдан, қўшни округлар билан

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I.— С 100–101.

хам олиб борилган. Округ бўйича умумий савдо шохобчалари 2 032 та бўлиб, унинг 23 таси давлатга қарашли, 26 таси тижорат ва 1 983 таси хусусий бўлган. Хусусий савдо шохобчаларининг аксарияти белгиланган бозор кунларида ишлаган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шохобчаларининг жами пул айланмаси 6 696 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 2 383 000 рубли давлат шохобчаларига, 3 770 000 рубли тижорат шохобчаларига ва 3 936 000 рубли хусусий савдо шохобчалари ҳиссасига тўғри келган¹.

Ўзбекистоннинг муҳим ҳудудларидан бири Бухоро округидаги савдо-сотиқ ва бозорлар фаолияти ўзига хос равишда олиб борилган. Округ ҳудудида 34 та бозорлар мавжуд бўлиб, ҳар туманга бозорлар сони ҳам деярлитенг тақсимланиб жойлашган эди. Масалан, Шофиркон, Ромитан-Хайробод туманларида 4 та, Баҳовуддин туманида 6 та ва бошқа туманларда 5тадан бозорлар фаолият юритган. Округ бўйича энг муҳим аҳамиятга эга бўлган марказий бозор Бухоро шаҳрида жойлашган. Бу бозор-савдо муносабатларида нафақат округ бўйича, балки қўшни округлар ва ҳаттоки Қозоғистоннинг айрим ҳудудларини ҳам боғлаб турувчи минтақадаги марказий бозор ҳисобланган. Бундан ташқари Ғиждувон ва Вобкент бозорлари ҳам асосий бозорлар саналган².

Округ бўйича савдо-сотиқ ишлари ҳар бир районда ўзига хос кўринишда ташкил этилган. Жумладан, бозорлар фаолияти ҳар бир районда турли кўринишда бўлиб, айрим районлар мисолида фаолият юритганлигини кўришимиз мумкин.

Ленин (Шофиркон) районидаги аҳоли эҳтиёжлари асосан Хўжа Ориф бозори орқали таъминланган. Районнинг ғарбий ва марказий ҳудудларидаги 33 та қишлоққа (бу қишлоқларда 5236 хўжалик яшаган) Хўжа Ориф бозори хизмат кўрсатганлиги бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, районда учта бозор бўлиб, улар Қўхна Вардонзе, Денов ва Чандир қишлоқларига хизмат кўрсатган. Районнинг шарқий қисми аҳолиси эса Ғиждувон районининг машҳур бозоридан фойдаланишган. Районда бозорлардан ташқари қуйидаги савдо пунктлари ҳам мавжуд бўлган: Битта пахта сотиб олиш пункти, битта қорақўл тери сотиб олиш ва битта жун сотиб олиш пунктлари (барчаси Хўжа Орифда) фаолият юритган³.

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С 163–165.

² Ўзбекистон миллий архиви, Р-86 – фонд, 1-рўхат, 3401-иш, 165-варақ.

³ *Ражабов К., Бобомуродов К.* Шофиркон тумани тарихи (Қисқача маълумотлар). – Тошкент: «Tafakkur», 2015. – Б. 28–29.

Округда яна бир муҳим районлардан бири Ғиждувон районида ҳам савдо муносабатлари ўзига хос равишда ташкил қилинган. Районда олди-сотди ишлари асосан куйидаги бозорларда олиб борилган: Ғиждувон, Ғаждумак, Пермаст, Ғишти ва Тошработ бозорлари. Уларнинг ичида энг асосийси Ғиждувон бозори ҳисобланиб, 59 та қишлоқнинг 6 600 хўжалигига, Ғаждумак бозори эса 31 та қишлоқнинг 2 900 хўжалигига хизмат кўрсатган. Райондаги қолган бозорлар маҳаллий кўринишга эга бўлган. Районда бозорлар билан биргаликда, учта пахта сотиб олиш, иккита қорақўл тери тайёрлаш пунктлари ҳам фаолият юритган¹.

Бухоро округида ўзига хос районлардан бири Вобкентда эса куйидаги бозорлар фаолият юритган: Вобкент, Пешкў, Кумушкент, Зандана ва Янгибозор. Буларнинг ичида энг машҳури Вобкент бозори бўлган. Вобкент бозори районнинг марказий ва шарқий қисмига (64 та қишлоқ) ва қолаверса Ғиждувон районининг бир қатор қишлоқларига фаолият кўрсатган. Районнинг ғарбий қисмига эса Зандана, Янгибозор, Пешкў бозорлари фаолият кўрсатган. Районда учта пахта сотиб олиш ва учта турли маҳсулотлар сотиб олиш пунктлари ҳам фаолият юритган. Роми-тон-Хайробод, Баҳовуддин, Бухоро ва Қорақўл районларида ҳам ўзига хос бозорлар ва савдо пунктлари иш юритган².

Округ бўйича умумий савдо шоҳобчалари ҳам фаолият кўрсатган бўлиб, уларда давлатга қарашли, тижорат ва хусусий савдо шоҳобчаларига бўлинган. Хусусий савдо шоҳобчаларининг кўпчилиги бозор кунлари ишлаган. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви маълумотларига кўра, 1925 йилнинг биринчи ярмида Бухоро округидаги бу савдо шоҳобчаларининг пул айланмаси 20 348 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 9 719 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 1 449 000 рубли тижорат шоҳобчаларига ва 9 180 000 рубли хусусий савдо шоҳобчалари ҳиссасига тўғри келган³.

Районлаштириш даврида Тошкент округида ҳам савдо-сотиқ муносабатлари ўзига хос равишда олиб борилган. Округ бўйича 32 та бозорлар фаолият юритган бўлиб, уларнинг ҳар бири район аҳолиси эҳтиёжлари учун хизмат қилган. Масалан, бу даврда ишлаб турган Тошкентда

¹ Ражабов Қ. Бухоро вилояти тарихи (Қискача маълумотлар). – Тошкент: «Tafakkur», 2015. – Б. 91–92.

² Бу ҳақда қаранг: Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент: «Tafakkur», 2016. – Б. 405–406.

³ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3401-иш, 165–166-варак.

Қибрай, Кўктерак, Тошкент, Троцкий; Янгийўлда Зангиота, Эски Тошкент, Қовунчи, Чиноз; Паркентда Номданақ, Паркент; Ангренда Облик, Телов, Хонобод, Янгибозор; Беқободда Жумабозор, Қиёт, Стретенский қаби бозорларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин¹.

Районлаштириш даврида Сурхондарё округида амалга оширилган савдо-сотиқ ишларига назар ташлайдиган бўлсак, тижорат ўзига хос равишда ташкил этилган эди. Округ ҳудудида жами 20 та бозорлар фаолият юритган бўлиб, уларнинг жойлашуви туманларнинг иқтисодий-сиёсий ҳолати, шарт-шароитидан келиб чиқиб, турлича бўлган. Бозорларда асосан савдо-сотиқ ишлари ҳар ҳафтада икки марта белгиланган кунда амалга оширилиб, аҳоли эҳтиёжи учун хизмат қилган. Бозорларнинг ичида энг каттаси ва иқтисодий жиҳатдан кучлиси Эски Термиз яқинидаги Паттакесар бозори ҳисобланган. Паттакесар бозорида божхона назорати орқали Афғонистон давлати билан ҳам олди-сотти алоқалари олиб борилган. Шеробод, Сариосиё, Юрчи ва Денов бозорлари туманлараро бозор саналса, Бойсун, Дарбанд ва Дашнобод бозорлари эса фақат ўз туманлари аҳолиси эҳтиёжлари учун хизмат кўрсатганлиги билан характерланади. Умуман округдаги бозорларнинг 8таси иқтисодий жиҳатдан кучли ҳисобланиб, улар округ аҳолиси эҳтиёжининг 80%ини таъминлаган. Округ бўйича умумий савдо шоҳобчаларининг 13 таси давлатга қарашли, 10 таси тижорат ва 778 таси хусусий бўлган. Хусусий савдо шоҳобчаларининг аксарияти бозор кунлари фаолият юритган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шоҳобчаларининг пул айланмаси 2 491 000 рублни ташкил этган бўлиб, унинг 425 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 263 000 рубли тижорат шоҳобчаларига ва 1 803 000 рубли эса хусусий савдо шоҳобчалари ҳиссасига тўғри келган. Сурхондарё округида фақат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шоҳобчаларидан ташқари битта пахта сотиб олиш пункти (Термиз шаҳрида) ва турли маҳсулотларни қайта ишловчи 10 та пунктлар ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий аҳоли манзилгоҳларида фаолият юритган².

Ўзбекистон ССРдаги яна бир муҳим округлардан бири Ўрта Зарафшон округида савдо-сотиқ муносабатлари ўзига хос равишда ташкил этилиб, асосий савдо-сотиқ ишлари асосан Кармана, Каттақўрғон, Ну-

¹ Материалы по районированию Ташкентского округа Уз ССР. Выпуск I. Список населённых пунктов. – Т.: Изд. ТОКР, 1926. – С. 81.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 150–154.

рота шаҳарларида ва Пайшанба, Чимбой қишлоқларида олиб борилган. Округ ҳудудида жами 36та бозорлар фаолият юритган бўлиб, уларнинг жойлашуви туманларнинг иқтисодий-сиёсий ҳолати, шарт-шароитидан келиб чиқиб турлича бўлган. Бозорларда асосий савдо-сотиқ ишлари ҳафтанинг белгиланган бозор кунларида амалга оширилган. Округда фақат олди-сотди билан шуғулланувчи савдо шоҳобчаларидан ташқари маҳсулотларга қайта ишлов берувчи ва маҳсулотлар қабул қилувчи пунктлар ҳам бўлиб, уларнинг сони 26 та бўлган. Уларнинг 12 таси қорамоллар ёғини қайта ишловчи, 4 таси қуруқ мева қабул қилувчи ва 10таси пахта сотиб олувчи пунктлардан иборат эди. Округда 1 376 та савдо шоҳобчалари бўлиб, уларнинг 36таси давлатга қарашли, 15 таси тижорат ва 1 325 таси хусусий эди. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо мажмуаларининг пул айланмаси 9 214 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 5 952 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 824 000 рубли тижорат шоҳобчаларига ва 2 438 000 рубли хусусий шоҳобчалар ҳиссасига тўғри келган¹.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш даврида Ўзбекистон ССРдаги округлар ва уларга қарашли бўлган районлардаги савдо-сотиқ ишлари ва бозорлар фаолияти ўзига хос тарзда йўлга қўйилган. Бу ҳолат Ўрта Осиё районлаштириш комиссиясининг назаридан четда қолмаган. Чунки савдо-сотиқ ва бозорлар районнинг иқтисодий марказини ҳамда ҳудуддаги иқтисодий потенциални белгилаб берган. Бу жиҳат Ўзбекистонда янгитдан маъмурий-ҳудудий районларни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

3.2. Қишлоқ ҳўжалиги ва саноатни ривожлантиришда маъмурий-ҳудудий ўзгаришларнинг аҳамияти

Самарқанд округининг қишлоқ ҳўжалигига эътибор бериладиган бўлса, у ўзига хос кўринишга эга бўлган. Округнинг Зарафшон водийсида суғорма деҳқончилик, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида лалмикорликка асосланган деҳқончилик ривожланган. Округ бўйича умумий экин майдонлари 278 137 десятинани ташкил этиб, шундан 159 307 десятинаси (57,2%) суғорма деҳқончилик, 106 257 десятинаси (38,2%) лалмикорликка, қолганлари эса боғдорчилик ва узумчиликка мослаштирил-

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 52–53.

ган эди. Қишлоқ хўжалигининг суғориладиган ерларида асосан шולי (13,5%), пахта (12,8%), буғдой (36%), боғдорчилик ва узум (7,3%) етиштирилган¹. Лалми ерларда эса асосий экин қишги буғдой ҳисобланиб, у жами лалми ерларнинг 92 834 десятинасида етиштирилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида чорвачилик ҳам Самарқанд округида ўзига хос тармоқлардан бири бўлган. Округ бўйича чорва молларининг умумий миқдори 397 000 бош бўлиб, унинг 12,1%ини отлар, 35%ини йирик қорамоллар, 46,4%ини эса майда қорамоллар ташкил этган².

Самарқанд округининг транспорт алоқалар тизими ҳам ўзига хослиги билан характерланади. Округдан Ўрта Осиё темир йўлининг муҳим йўналиши кесиб ўтган бўлиб, унинг узунлиги 206 вёрстани ташкил этган. Округ ҳудудида қуйидаги темир йўл станциялари мавжуд бўлган: Обручѐв, Ломакино, Жиззах, Милютин, Курапаткино, Ростовцево, Самарқанд ва Жума. Бу темир йўлдан Марказ ўз манфаатлари учун фойдаланиб келган. Жумладан, 1923–1924 йиллардаги маълумотларга қараганда, темир йўл станцияларидан 4 062 000 пуд миқдордаги турли хил маҳсулотлар Марказга жўнатилганлиги ҳам бунга мисол бўла олади³. Округ ҳудуди бўйлаб темир йўллардан ташқари марказий манзилларни, аҳоли пункларини бир-бири билан боғловчи турли хил йўллар ҳам мавжуд бўлган.

Самарқанд округи саноатига эътибор бериладиган бўлса, йирик саноат корхоналари фаолият юритган. Жумладан, 4 та ун ишлаб чиқарувчи ва 7 та вино – тамаки корхоналари, 10 та терини қайта ишловчи, 3 та пахта тозалаш ва 1 та вино заводи, 14 та меваларни қайта ишловчи ва 1 та макарон заводи ва 1 та босмахонани айтиб ўтишимиз мумкин. Бундан ташқари округ ҳудудида маҳаллий майда корхоналар, яъни 1 043 та сув тегирмонлари, 702 та ёғ-мой ишлаб чиқарувчи, 103 та тикувчилик цехи ва бошқа темирчилик, пойафзал устaxonалари фаолият юритган⁴.

Хоразм округида қишлоқ хўжалиги алоҳида аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигининг кўриниши ҳудуднинг табиий иқлими ва шароитидан келиб чиқиб турлича бўлган. Округнинг қишлоқ хўжалигида яроқли ерларнинг умумий майдони 130 142 десятинани

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 64.

² Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3401-иш, 140–145-варақ.

³ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 66.

⁴ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 65.

ташкил этиб, шундан 109 624 десятинаси суғориладиган, 20 518 десятинаси эса лалмикор ерлар ҳисобланган. Экин майдони сифатида фойдаланиладиган ерларнинг умумий миқдори округ бўйича 97 234 десятинани ташкил этган. Хоразмда ерга ишлов бериш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, интенсив суғорма деҳқончилик кўриниши билан характерланади. Деҳқончиликда асосан қуйидаги маҳсулотлар етиштирилган: буғдой (27,1%), маккажўхори (16,2%), пахта (18,7%), беда (12,6%) ва бошқалар¹.

Хоразм округи қишлоқ хўжалигида яна боғдорчилик, узумчилик, ипакчилик соҳалари ҳам мавжуд бўлиб, улар ёрдамчи хўжалик тармоқлари ҳисобланган. Лекин округ бўйича боғдорчилик ва узумчилик соҳаларида етиштирилган маҳсулотлар саноатлаштириш даражаси яхши йўлга қўйилмаган, яъни бу соҳалардаги маҳсулотлар қайта ишлаш учун бошқа ҳудудларга юборилган.

Чорвачиликда қорамоллар асосан ишчи кучи сифатида фойдаланилган. Унинг сути ва гўшtidан эса озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинган. Округда йилкичилик алоҳида характерга эга бўлиб, ҳатто йўқолиб бораётган ноёб от турлари: қорабайир, арғумоқ каби отлар етиштирилган. Маълумотларга кўра, чорва молларининг умумий миқдори округ бўйича 259 296 бош ҳисобланиб, унинг 16,5% (42 994 бош) ни отлар, 42,9% (111 231 бош)ни йирик қорамоллар, 3,2% (8 204 бош) ни туялар, 26,6% (68 747 бош)ни қўйлар, 2,3% (3 917 бош)ни эчкилар ва 8,6% (22 203 та)ни эса эшаклар ташкил этган².

Хоразм округининг саноатига эътибор бериладиган бўлса, у ўзига хос кўринишга эга бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Саноатда асосан қайта ишлашга мослашган йирик корхоналар 9та бўлиб, бтаси пахта тозалаш заводи, биттаси электр станция, биттаси тери маҳсулотларини қайта ишлаш ва биттаси эса ун заводи бўлган. Бу йирик саноат корхоналарида жами ишчилар сони 234 кишини ташкил этган. Бундан ташқари округда 3 613 та маҳаллий тегирмонлар, 1 817 та ёғ-мой ишлаб чиқарувчи ва 180 дан ошиқ турли хил майда корхоналар, яъни пойафзал устахоналари, темирчилик ва чилангарлик устахоналари, тикувчилик корхоналари ва бошқа шу каби майда саноат корхоналари фаолият юритганлигини манбалардан кузатишимиз мумкин.

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 18.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 19.

Хоразм округида факат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шоҳобчаларидан ташқари 16та пахта сотиб олиш пунктлари ва 10та турли маҳсулотларни қайта ишловчи пунктлар ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий аҳоли манзилгоҳларида фаолият юритган. Бундан ташқари, туманларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш мавсумларга қараб турли хил, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов берувчи вақтинчалик пунктлар ташкил этилган. Округда Қишлоқ хўжалик банки, Давлат банки ва Осиё банкларининг кредит бўлимлари ҳам фаолият юритганини манбалардан кузатишимиз мумкин.

Хоразм округининг транспорт алоқалар тизимига қараладиган бўлса, бу ҳолат ўзига хослиги билан характерланадики, округ ҳудудида ички темир йўл тизими мавжуд бўлмаган. Лекин қуруқлик ва сув орқали округнинг марказий манзилларини бир-бири билан боғловчи асосий йўллар бўлган. Масалан, қуруқлик билан боғловчи Хива – Янги Урганч, Янги Урганч – Гурлан, Хива – Гурлан, Янги Урганч – Хонқа ва Хонқа – Қорабоғ йўлларини мисол келтиришимиз мумкин. Сув орқали эса ички алоқалар Амударё ва Шовот, Полвон, Ғазавот, Қиличбой каналларида ҳаракатланадиган кемалар ёрдамида амалга оширилган. Ташқи алоқалар эса округ бўйича қуруқлик ва сув орқали олиб борилган. Жумладан, Амударё ва Орол денгизи орқали округ темир йўллар билан боғланган. Қуруқликдан эса 3та йўл билан, Питнак – Чоржўй (338 вёрста), Хива – Марв (437 вёрста) ва Хива – Полтарацк (447 вёрста) йўллари орқали боғланган. Округга товар кириб келиши ва олиб чиқилишида, асосан Амударёдаги қайиқлар ва пароходлар муҳим роль ўйнаган. 1924–1925 йилларда округ миқёсида товар айланмасининг умумий миқдори 18000 тоннани ташкил этган¹.

Бухоро округида қишлоқ хўжалиги алоҳида аҳамиятга эга тармок ҳисобланган. Округнинг қишлоқ хўжалиги ҳудуднинг характерига қараб турлича бўлиб, у воҳаларда интенсив суғорма деҳқончилик, чўл ҳудудларида эса экстенсив чорвачилик ҳисобланган. Округнинг умумий экин майдони 113 839 десятина бўлиб, шундан 110 461 десятина (93%) суғориладиган, 3378 десятина (3%) эса лалмикор ерлар ҳисобланган. Қишлоқ хўжалигининг суғориладиган ерларида асосий ўринни дон экинлари (53%), айниқса буғдой (44%), ундан кейин пахта (29%) ва

¹ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3401-иш, 165–166-варақ.

беда (11%) ташкил этган. Лалми ерларда, яъни экиладиган майдонларда асосан бугдой ва арпа етиштирилган¹.

Бухоро округида чорвачилик ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган. Чорвачиликда қорамоллар асосан ишчи кучи сифатида фойдаланиш, соғиладиган ва қисман озиқ-овқат учун етиштирилган. Чўлга яқин жойларда эса чорвачилик мустақил характерга эга бўлиб, катта миқдорда қўй, эчки, қисман туялар боқилган.

Бухоро округининг саноатига эътибор бериладиган бўлса, ўзига хос кўринишга эга бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Округда фойдали металлрни қазиб олинadиган саноат унчалик ривожланмаган. Қазилма саноат асосан қўл меҳнатига асосланган бўлиб, жумладан, округнинг жанубий ҳудудларидан туз олинган. Бундан ташқари саноатда 3та пахта тозалаш заводи, ёғ-мой ва совун ишлаб чиқарувчи корхоналар бўлиб, уларда 183 та ишчи ишлаган. 1924–1925 йилларда умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 5 242 800 рублни ташкил этган. Бундан ташқари 2та чарм заводи, 3та ичакни қайта ишловчи ва 9та кичик корхоналар бўлиб, 1924–1925 йилларда 8 702 600 рублга тенг маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари 2 та электр станция Когон ва Бухоро шаҳарларида мавжуд бўлган². Округ саноатида майда корхоналар ҳам фаолият юритган бўлиб, ўзига хос ўринга эга бўлган. Жумладан, маҳаллий тегирмонлар, ёғ, гуруч ишлаб чиқарувчи корхоналар, пой-афзал устахоналари ва бошқаларини мисол келтиришимиз мумкин. Округда 16 та пахта сотиб олиш пунктлари ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий аҳоли манзилгоҳларида фаолият юритган. Бундан ташқари, туманларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш мавсумларига қараб қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов берувчи турли хил вақтинчалик пунктлар ташкил этилган. Бутун Бухоро округи бўйича иқтисодий ишлаб чиқариш ўзига хос характерга эга бўлиб, пахта хом ашёсини тайёрлаш, пахта чигити, пахта чигитига қайта ишлов бериш, майда қорамол етиштириш йўлга қўйилган бўлиб, энг асосийси қорақўл тери топширишда округ Ўзбекистонда 1-ўринда (СССРда ҳам), пахта етиштиришда эса 3-ўринда бўлган³.

Қўкон округида қишлоқ хўжалиги муҳим тармоқ ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигининг кўриниши ҳудуднинг шарт-шароитидан келиб

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 35–36.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 36.

³ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-руйхат, 3401-иш, 165–166-варак.

чикиб турлича бўлган. Округнинг қишлоқ хўжалигида яроқли ерларнинг умумий майдони 182 619 десятинани ташкил этиб, шундан 176 500 десятинаси (96,6%) суғориладиган, 6 119 десятинаси (3,4%) эса лалмикор ерлар ҳисобланган. Экин майдонларининг табиий шароитлари пахта етиштиришга жуда қулай бўлган. Экин майдонларида асосан қуйидаги маҳсулотлар: пахта (40,5%), маккажўхори (21,8%) ва донли экинлар (21,2%) етиштирилган¹.

Чорвачилик эса округда ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган. Чорвачиликда қора моллар асосан ишчи кучи сифатида фойдаланиш, қисман сотиш ва озиқ-овқат учун етиштирилган. Маълумотларга кўра, чорва молларининг умумий миқдори округ бўйича 240 170 бош ҳисобланиб, унинг 46,4%ни йирик қора моллар, 17%ни отлар ва 34,2 фоизини эса майда қорамоллар ташкил этган². Округ бўйича ҳар бир хўжаликка қора моллар ўртача тақсимланганда 2–2,5 бошгача тўғри келган.

Қўкон округининг саноатига эътибор бериладиган бўлса, ўзига хос кўринишга эга бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Айниқса, нефтни қайта ишлаш саноати олдинги ўринларда бўлган. Жумладан, нефтни қайта ишлаш Чимён заводини мисол келтирсак бўлади. Бундан ташқари 11 та пахта тозалаш заводи, 2 та тола ишлаб чиқариш корхонаси, 1 та ёғ ва совун ишлаб чиқарувчи заводи, 80 дан ошиқ ипак ишлаб чиқарувчи корхоналар, 1 та ғишт ва 1 та пиво заводи, 2 та терини қайта ишловчи завод, 2 та босмаҳона, 1 та механика заводи, 4 та ун заводи ва 3 та электростанция мавжуд бўлган. Юқорида санаб ўтган саноат корхоналарида жами 1 566 ишчи ишлаганлигини расмий манбалардан кузатишимиз мумкин. Кўриниб турибдики, енгил саноат Ўзбекистон миқёсида анча ривожланган. Ипакчилик соҳасида Фарғона водийси СССРда 1-ўринда турганлиги ҳам бунга яна бир мисол бўла олади. Бундан ташқари Қўкон округида турли ҳил маҳаллий майда корхоналар ҳам фаолият юритган.

Андижон округида аҳолининг саводхонлик даражаси турли ҳудудларда турлича бўлган. Районларда кўпроқ бошланғич таълим берувчи таълим муассасалари фаолият юритган бўлса, шаҳар марказларида эса ўрта ва олий билим юртлари ўз фаолиятларини амалга оширган³.

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 110–112.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 110–112.

³ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3401-иш, 4–8-варақлар.

Андижон округида қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланган. Округнинг умумий экин майдонига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг умумий миқдори 216 368 десятинали ташкил этган бўлса, унинг атиги 1%ини лалмикор ерлар ташкил этган. Кўри-ниб турибдики, қишлоқ хўжалик ерларининг асосий қисми суғорма деҳқончиликка асосланган. Қишлоқ хўжалигида асосан пахтачилик, дуккакли экинлар ва донли экинлар етиштириш яхши йўлга қўйилган. Округнинг суғориладиган ерларида асосан қуйидаги экинлар: пахта (47,6%), шולי (18,9%), маккажўхори (10,3%) ва буғдой (10,2%) етиштирилган. Бундан ташқари, катта миқдорни ташкил этмасада, беда (2,8%) ҳам экилган¹.

Андижон округида чорвачилик ёрдамчи тармоқ ҳисобланган. Чорва молларидан асосан мавсумга қараб ишчи кучи сифатида фойдаланилган. Айниқса чорва моллари савдоси кузда, ҳосилни йиғиштириш пайтида авжида бўлган. Манбаларда кўрсатилишича, округ бўйича чорва молларининг умумий миқдори 207 192 бошни ташкил этган. Унинг 42 364 боши отлар, 98 371 боши йирик қорамоллар, 44 193 боши қўйлар ва 18 816 боши эса эчкилардан иборат бўлган².

Андижон округида қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари боғдорчилик, узумчилик ва ипакчилик каби соҳалар ҳам ўзига хос равишда ташкил этилган бўлиб, улар ҳам округда алоҳида ўринга эга тармоқ ҳисобланган.

Андижон округининг саноатига эътибор бериладиган бўлса, йирик саноат асосан пахтачиликка мослаштирилган. Манбаларга қараганда йирик саноат корхоналари округнинг Андижон ва Наманган шаҳарларида жойлашган. Масалан, Андижонда битта механик устахона, битта ун заводи, битта ёғ-мой-совун заводи, битта пиво заводи, битта тери-ичакни қайта ишловчи завод, 2 та пахта тозалаш заводи, битта босмахона, битта электростанция мавжуд бўлган бўлса, Наманганда 5 та пахта тозалаш заводи ва 4 та хусусий пахта тозалаш заводи, битта ёғ-мой-совун заводи, битта тери-ичакни қайта ишловчи завод ва биттадан босмахона, электростанция, ун заводи мавжуд бўлган.

Андижонда темир йўл фаолияти ҳам ўзига хос йўлга қўйилган эди. Округ ҳудудларидан 2та темир йўл йўналиши ўтган бўлиб, биринчиси

¹ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3401-иш, 5–8-варақлар.

² Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3401-иш, 6–8-варақлар.

Қўқон округининг шимоли-шарқидан бошланиб, округ жануби-шарқи орқали Қирғизистонга йўналган. Иккинчи йўналиш ҳам Қўқон жануби-шарқидан бошланиб Андижон шаҳрида тутаган. Округ ҳудудида 12та темир йўл станцияси бўлиб, улар қуйидагилар эди: Хонобод, Қорасув, Қўрғонтепа, Гурунчмозор, Андижон II, Андижон I, Асака, Ҳаққулбод, Тўқай, Пойтуғ, Учқўрғон ва Наманган¹. Бундан ташқари округда марказий манзилларни ва аҳоли пунктларини бир-бири билан боғловчи авто-улов йўллари ҳам бўлиб, улар аҳоли ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларда муҳим роль ўйнаган.

Хўжанд округи аҳолиси қишлоқ хўжалик соҳасида боғдорчилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Округ бўйича яроқли ерларнинг умумий майдони 35 007 десятинани ташкил этиб, шундан 31 984 десятинаси суғориладиган, 3 023 десятинаси эса лалмикор ерлар ҳисобланган. Демак, экин майдонининг 91% суғорма деҳқончиликка, 9% эса лалмикорликка асосланган. Округда асосан суғорма деҳқончилик яхши йўлга қўйилган. Деҳқончиликда асосан қуйидаги маҳсулотлар: буғдой (35,1%), пахта (24,3%), гуруч (15,4%) ва маккажўҳори етиштирилган². Бундан ташқари округнинг Хўжанд ва Конибодом районларида боғдорчилик билан жуда кенг шуғулланишган. Умумий экин майдонининг 3 997 десятинаси боғлар, 838 десятинаси узумзорлар бўлган. Округдан йилига 770 000 пуд турли хил мевалар, 146 000 пуд узум ва 484 000 пуд қуруқ мева Хўжанд ва Мельников станцияларидан четга юборилганидан билиш мумкинки, бу ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жуда яхши йўлга қўйилган.

Хўжанд округи қишлоқ хўжалигида яна ипакчилик ва районларнинг тоғли ҳудудларида эса чорвачилик соҳаси ривожланган бўлиб, Ашт районининг чорвачилик соҳалари ривожланган ҳудудларига Ғожи, Кўприкбоши ва Пунук қишлоқларини мисол келтиришимиз мумкин. Ипакчилик соҳаси эса, маълумотларга қараганда, Қирққудуқ, Жарбулоқ, Пахтакор, Сарвак, Қалам, Тожиққоқжар ва Ўзбеққоқжар қишлоқларида бу тармоқ нисбатан анча ривожланган. Округда бу соҳалар ёрдамчи тармоқлар ҳисобланган. Маълумотларга қўра, чорва молларининг умумий миқдори округ бўйича 89 005 бош ҳисобланиб, унинг 7,7%ини

¹ Ўзбекистон миллий архиви, Р-86-фонд, 1-руйхат, 3401- иш, 7–8-варақлар.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 100–102.

отлар, 30%ини йирик қорамоллар ва қолган қисмини асосан майда қорамоллар ташкил этган¹.

Хўжанд округида фақат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шоҳобчаларидан ташқари 5та пахта сотиб олиш пунклари ва 13та турли маҳсулотларни қайта ишловчи пунктлар ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий аҳоли манзилгоҳларида фаолият юритган.

Хўжанд округининг саноатига эътибор берадиган бўлсак, у округда жуда яхши йўлга қўйилганлигини кузатишимиз мумкин. Округ худуди тошкўмир ва нефть захираларига бой ҳисобланиб, округ саноатида тошкўмир ва нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш саноати яхши йўлга қўйилган. Биргина Исфара худудидаги конларда 100 000 000 тонна тошкўмир борлиги мутахассислар томонидан аниқланган. Сулукта ва Шўроб тошкўмир конлари энг асосий конлар ҳисобланиб, Сулуктада 469 нафар ишчи йилига ўртача 26 490 тонна, Шўробда 62 нафар ишчи 4 774 тонна тошкўмир қазиб олишганини манбалардан билиш мумкин. Мельников темир йўл станциясига яқин бўлган Санто нефтни қайта ишлаш бирлашмасида 250 нафар ишчи йилига ўртача 12 880 тонна нефть ишлаб чиқаришган. Мельников темир йўл станциясидан йилига ўртача 465 000 рубль миқдордаги 9 441 тонна нефть четга юборилганлиги манбаларда кўрсатилган. Бундан ташқари округда 182та маҳаллий тегирмонлар, 118та ёғ-мой ишлаб чиқарувчи корхоналар, 28та ёғочни қайта ишловчи, 30та тикувчилик, 4та темирчилик ва бошқа маҳаллий майда корхоналар фаолият юритганлигини кузатишимиз мумкин.

Хўжанд округининг транспорт алоқалар тизими ҳам ўзига хослиги билан характерланади. Хўжанд округи худудидан Ўрта Осиё темир йўлининг муҳим йўналиши ҳам ўтган бўлиб, унинг узунлиги 90 вёр-стани ташкил этган. Округ худудида қуйидаги темир йўл станциялари мавжуд бўлган: Драгомирово, Хўжанд, Верёвкин ва Мельников. Бу станциялардан 1923–1924 йилларда 2 090 000 пуд миқдордаги турли ҳил маҳсулотлар Марказга жўнатилган². Бу темир йўл станцияларидан Марказ ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб келди.

Округ худудида темир йўллардан ташқари округнинг марказий манзиллари, шаҳарлари, қишлоқларини боғловчи йўллар ҳам бўлган. Жумладан, қўшни округлар билан боғловчи Хўжанддан Чуст орқали

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 101.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 102.

Андижон округига, Ашт райони орқали Қўқон округига ўтган йўллар ҳам бўлган. Бундан ташқари округда тоғ йўллари, 9 та айланма доvon йўллари, Сирдарё ва бошқа дарёларда 7 та паром мавжуд бўлиб, улар аҳолининг турли хил эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилган.

Наманган уезди аҳолисининг кўпчилиқ қисми қишлоқларда яшаганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги соҳаси уезд бўйича катта аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланган. Қишлоқ хўжалигида сунъий суғориш ва лалмикорликка асосланган умумий экин майдонларидан фойдаланилган. Дехқончиликда асосан пахта, шоли, маккажўхори етиштирилган. Уезд аҳолиси қишлоқ хўжалиги соҳасида дехқончиликдан ташқари чорвачилиқ, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан ҳам мунтазам шуғулланиб келишган.

Қашқадарё округида қишлоқ хўжалиги ўзига хос кўринишда бўлиб, асосий тармоқ ҳисобланган. Қишлоқ хўжалиги ҳудуднинг шарт-шароитидан келиб чиқиб турлича бўлган. Масалан воҳаларда дехқончилик, чўл ҳудудларида эса асосан чорвачилиқ билан шуғулланишган. Округнинг умумий экин майдони 159 558 десятина бўлиб, шундан 81 927 десятина суғориладиган, 66 655 десятинали эса лалмикор ерлар ҳисобланган. Аҳолининг округ бўйича томорқа ерларининг умумий миқдори 226 213 десятинали ташкил этиб, округдаги 77 320 хўжалиқнинг ҳар бирига ўртача 3 десятина (2,93)дан тўғри келган. Қишлоқ хўжалигининг суғориладиган ерларида асосан буғдой (44,4%), арпа ва сули (23%), ёғ маҳсулотлари олинадиган экинлар (7,2%), шоли (4,4%) ва пахта (4%) етиштирилган¹. Лалми ерларда эса, асосан қишги буғдой ва арпа экилган. Дехқончилик экинларини етиштириш округ миқёсидаги районларда турли-туманлиги билан характерланади. Жумладан, Косон, Бешкент ва Ғузор туманларида асосан (75–90%) суғорма дехқончилик бўлса, Тангиҳарам районида эса унинг акси бўлганини кузатишимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири боғдорчилик округда унчалик ривожланмаган. Округда боғдорчиликка мослаштирилган ерларнинг умумий миқдори 2048 десятинали ташкил этиб, унинг 90% Шаҳрисабз туманига тўғри келган. Узумзорларнинг катта қисми Шаҳрисабз, Косон ва Бешкент туманларида жойлашган эди.

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 163–165.

Чорвачилик Қашқадарё округида қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган десак хато бўлмайди. Зеро ўша давр манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, чорва маҳсулотларини етиштириш, чорва молларини кўпайтиришда Қашқадарё республикада олдинги ўринларда бўлган. Округ бўйича чорва молларининг умумий миқдори 1 344 235 бош бўлиб, 161 730 бош йирик қора моллар, 34 140 бош отлар, 16 933 бош туялар ва 850 228 бошни қўйлар ташкил этган¹. Шундан кўриниб турибдики, чорвачиликда майда қора моллар етиштириш, яъни қўйлар ва эчкилар боқиш ва парваришлаш яхши йўлга қўйилган. Улар жами чорва молларининг ўртача 80%ни ташкил этган. Чорва моллари округнинг ҳар бир хўжалигига ўртача 17–18 бошдан тўғри келган.

Қашқадарё округининг саноатига эътибор берилса, йирик саноат унчалик ривожланмаган эди. Округда фақат битта асосий пахта тозалаш заводи Китоб шаҳрида фаолият юритган. Лекин округ саноатида қўл меҳнатига асосланган маҳаллий майда саноат корхоналари ўзига хос кўринишда бўлганлигини манбалардан кузатишимиз мумкин. Жумладан, округ ҳудудида маҳаллий тегирмонлар, ёғ, гуруч ишлаб чиқарувчи корхоналар, темирчилик, пойафзал устахоналари ва бошқа майда корхоналар фаолият юритган.

Қашқадарё округининг транспорт алоқалар тизимига назар ташладиган бўлса, у ўзига хослиги билан ажралиб туради. Округда темир йўллар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, округнинг иқтисодий тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Ўрта Осиё темир йўлларининг муҳим ва асосий нуқтаси ҳисобланган Когон шаҳридан бошланган асосий темир йўл йўналиши Қашқадарё округи орқали Турманистон ССРга ўтиб кетган. Бундан ташқари Қаршидан Китобгача бўлган асосий темир йўл йўналиши ҳам мавжуд бўлган. Округ бўйича жами темир йўлларнинг узунлиги 266 вёрстани ташкил этиб, бу темир йўлларда қуйидаги темир йўл бекатлари фаолият юритган: Нишон, Муборак, Косон, Қарши, Манғит, Ғузор, Яккабоғ ва Китоб². 1923–1924 йиллардаги маълумотларга кўра, бу йўллардан 47 минг пуд юк ташилган. Округда темир йўллардан ташқари, марказий манзилларни бир-бири билан боғловчи турли хил йўллар ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, 5 та транс-

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 163–165.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 163–165.

порт қатнови учун мўлжалланган йўллар ва округнинг шарқий қисмида эса тоғ йўллар, яъни карвон йўллари ҳам фаолият юритганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Қишнинг совуқли кунларида тоғ йўлларидаги ҳаракатлар вақтинча тўхтаб қолган. Бундай жойларга Китоб ва Шаҳрисабз туманларидаги аҳоли яшаш пунктларидаги айрим жойларни мисол келтиришимиз мумкин.

Тошкент округининг қишлоқ хўжалик соҳаси ҳам ўзига хос кўринишга эга бўлиб, муҳим тармоқ ҳисобланган. Аҳоли фойдаланадиган умумий экин майдони округ бўйича 180 766 десятинани ташкил этиб, унинг 157 698 десятинаси суғориладиган, 23 068 десятинаси лалмикор ерлар ҳисобланган¹. Округ аҳолиси қишлоқ хўжалиги соҳасида асосан шоликорлик, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғуланишган. Масалан, округдаги 5 та районда: Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Пскент, Ангренда шоликорлик билан, Бекобод, Тошкент ва Янгийўлда эса асосан пахтачилик билан шуғуланишган. Бундан ташқари округда боғдорчилик ва узумчилик ҳам ўзга хос кўринишда бўлган. Жумладан, умумий экин майдонининг 3 771 десятинаси боғлар, 4 640 десятинаси эса узумзорлардан иборат бўлган².

Сурхондарё округида қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланган. Округнинг умумий экин майдони 77 718 десятина бўлиб, унинг ярми суғориладиган ва ярми лалмикор ерларга бўлинган. Лалмикор ерларда асосан буғдой ва арпа етиштирилган бўлса, суғориладиган ерлардаги экинларнинг эса 60%ини донли экинлар, 16,3%ини пахта, 8,5%ини ёғли экин, 6,5%ини боғдорчилик, 4,9%ини шоли, 3,6%ини беда экинлари ташкил этган³. Округнинг қишлоқ хўжалиги ҳудуднинг шарт-шароитидан келиб чиқиб, уч қисмга ажралганлигини кузатиш мумкин. Биринчиси, тоғли ҳудуд ҳисобланиб округнинг учдан икки қисмини ташкил этган. Тоғли ҳудудга Бойсун тумани, Денов туманининг шимоли-ғарбий қисми, Сариосиё ва Шеробод туманлари кирган. Бу ҳудуд аҳолиси ердан лалмикор усулда фойдаланишиб, асосан дон экинлари етиштиришган. Иккинчи ҳудуд Сурхон воҳаси ва унинг атрофлари ҳисобланиб, унга Жарқўрғон тумани тўлалигича, Денов ва Сариосиё туманларининг жануби-шарқий қисмлари ҳам кирган.

¹ Материалы по районированию Ташкентского округа Уз ССР. Выпуск I. – С. 81.

² Материалы по районированию Ташкентского округа Уз ССР. Выпуск I. – С. 4–10.

³ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 150–154.

Қишлоқ хўжалигининг бу ҳудудларида суғорма деҳқончилик асосида шоликорлик ва пахтачилик йўлга қўйилган. Учинчи ҳудуд Сурхон воҳасининг текисликлари ва Шеробод ариқлари атрофини эгаллаган. Бу ҳудудларнинг табиий иқлими, шарт-шароитлари пахтачиликка мос келганлиги учун асосан пахта етиштирилган.

Чорвачилик соҳаси ҳам округда ўзига хос ўринга эга бўлган. Маълумотларга кўра, чорва молларининг умумий миқдори округ бўйича 477 197 бош ҳисобланиб, унинг 66%ини майда қорамоллар, 20,1%ини эса йирик қорамоллар ташкил этган¹. Айниқса, қорақўл қўйларини етиштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган. Округда қорақўл қўйлари жами чорва молларининг 20,5%ини ташкил этиши бунинг яққол мисоли бўла олади. Шунга қарамасдан округда чорва молларини етиштириш, сотиш, айирбошлаш бошқа округларга нисбатан анча орқада қолганлигини статистик маълумотлардан кузатишимиз мумкин.

Округда йирик саноат унчалик ривожланмаган бўлса-да, битта пахта тозалаш заводи, ёғ-мой ва ун ишлаб чиқарувчи корхона ва электростанция фаолият юритган. Бундан ташқари майда корхоналар, яъни тегирмонлар, пойафзал устахоналари, темирчилик ва чилангарлик устахоналари ҳам аҳолига хизмат кўрсатганлигини манбалардан кузатишимиз мумкин.

Сурхондарё округида фақат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шохобчаларидан ташқари битта пахта сотиб олиш пункти (Термиз шаҳрида) ва турли маҳсулотларни қайта ишловчи 10 та пунктлар ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий аҳоли манзилгоҳларида фаолият юритган.

Сурхондарё округида транспорт алоқалар тизимида темир йўллар муҳим аҳамиятга эга йўллар ҳисобланган. Округнинг жанубий қисми яъни Паттакесар туманидан (Туркменистон ҳудуди орқали) Калиф-Термиз йўналиши бўйича темир йўл ўтган бўлиб, бу йўл Сурхондарё округига Туркменистон ҳудуди орқали кириб келиб, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига ҳам ўтиб кетган. Округда Термиз, Новшаҳар ва Болдир темирйўл станциялари мавжуд бўлиб, унинг узунлиги 112 вёрстани ташкил этган². Бундан ташқари округда марказий манзилларни бир-бири билан боғловчи ҳарбий йўл ҳам мавжуд бўлиб, бу йўл Дарбанд-Бой-

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 150–154.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 150–154.

сун-Миршоди йўналиши бўйлаб Душанбе шаҳрига ўтиб кетган. Бу йўл Бойсун туманининг ўртасидан кесиб ўтган бўлиб, бутун Сурхондарё водийсининг асосий қишлоқларини ҳам бир-бири билан боғлаган. Округнинг айрим қисмлари бир-бири билан тоғ йўллари орқали ҳам боғланган.

Ўрта Зарафшон округида қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланган. Округ ҳудудини қишлоқ хўжалигидан фойдаланиш хусусиятига кўра икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи асосий ва марказий қисм ҳисобланиб, унга Зарафшон воҳасининг марказий қисми кириб, унда интенсив суғорма деҳқончилик ва шимолий тоғли ҳудудларида эса йирик қора мол етиштирилган. Иккинчи жанубий қисмида эса экстенсив чорвачилик яхши йўлга қўйилган эди.

Округнинг умумий экин майдони 97 361 десятина бўлиб, шундан 55 752 десятина (57,2%) суғориладиган, 41 609 десятинали (42,8%) эса лалмикор ерлар ҳисобланган. Лалмикор ерларнинг асосий қисми Жом районуни тўғри келган. Жом районуни асосан лалми буғдой етиштирилган. Округнинг марказий қисми бўлмиш Зарафшон воҳасида эса асосан суғорма деҳқончилик экинлари: пахта, кунжут, гуруч, тамаки ва қишқи буғдой етиштирилган. Округ бўйича тақсимланганда ерлар, ҳар бир хўжаликка 2,1 десятинадан, яъни ҳар 100 қишига 120 десятина суғорма ва 70 десятинадан лалми ерлар тўғри келган¹. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, округ бўйича қаровсиз, ишловсиз ерлар ҳам анчагина миқдорни ташкил этган. Шунинг учун ҳам ерлардан фойдаланиш даражаси округ бўйича ҳар бир районда турлича бўлган деб айтиш мумкин.

Ўрта Зарафшон округининг чорвачилиги ҳақида тўхталинадиган бўлса, у ўзига хос кўринишда бўлган. Округнинг марказий қисмида қорамол асосан ишчи кучи сифатида фойдаланилган. Унинг гўшти ва сутидан эса озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинган бўлса, шимолий ва жанубий қисмларида эса майда қорамоллар бўрдоқчилик ва жун учун етиштирилган. Округ чорвачилигида диққатга сазовор соҳа қорақўлчилик бўлиб, қорақўл қўйлари округ яйловларида чўпонлар томонидан алоҳида эътибор билан боқилган.

Маълумотларга кўра, чорва молларининг умумий миқдори округ бўйича 307 432 бош ҳисобланиб, унинг 6,6%ни отлар, 26,2%ни йирик қорамоллар, 57%ни эса қўй ва эчкилар ташкил этган². Округда йирик

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 51.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 50–51.

қорамоллар парвариш қилиш биринчи ўринда бўлган бўлса, майда қорамоллар эса асосан округнинг шимолий ва жанубий қисмидаги тоғли районларида етиштирилган.

Округда йирик саноат унчалик ривожланмаган. Шундай бўлсада округ бўйича 3 та пахта тозалаш заводи ва битта тамаки фабрикаси фаолият юритган. Бундан ташқари округда 213 та маҳаллий тегирмонлар, 940 та ёғ-мой ишлаб чиқарувчи, 1 та гишт заводи, 24 та темирчилик устахонаси, 1672 та тикувчилик корхонаси ва 4 та пойафзал устахоналари фаолият юритганини манбалардан кузатиш мумкин¹.

Ўрта Зарафшон округининг транспорт алоқалар тизими ҳам ўзига ҳослиги билан характерланади. Округдан Ўрта Осиё темир йўлининг муҳим йўналиши кесиб ўтган бўлиб, унинг узунлиги 147 вёрстани ташкил этган. Округ ҳудудида қуйидаги темир йўл станциялари мавжуд бўлган: Нагорное, Каттақўрғон, Зирабулок, Зиёвуддин, Кармана ва Малик. Бу темир йўл станцияларидан Марказ ўз манфаатлари йўлида фойдаланган бўлсада, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган. 1923–1924 йиллардаги маълумотларга қараганда, бу темир йўллардан 1 521 000 пуд миқдордаги турли хил маҳсулотлар Марказга жўнатилган². Округ ҳудуди бўйлаб темир йўллардан ташқари округнинг марказий манзилларини ва аҳоли пунктларини бир-бири билан боғловчи турли хил йўллар ҳам ўтган.

Ўзбекистонда 1923 йилдан бошлаб ишлаб турган заводлар сони ошиб борган. Масалан, 1925–1926 хўжалик йилида Ўзбекистонда 49 та ва Туркменистонда 7 та (жами уларнинг миқдори 59 та бўлган) пахта тозалаш заводлари ишлаб турган³.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда районлаштиришнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва саноат соҳасида маълум силжишлар кўзга ташланди. Аҳоли иқтисодий ва маъмурий марказлар орқали аввалги даврга қараганда қулай шароитларда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсата бошлади. Вилоятлар ўрнида ташкил қилинган округлар ва районларда иқтисодиёт жонланди, бу даврда янги иқтисодий сиёсат амалда бўлганлиги учун бозор муносабатлари ва савдо-сотиқ ривожланди. Совет ҳокимияти

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 50–51.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. – С. 50–51.

³ СССР по районам. Средне-Азиатские республики. Составил Н.Б. Архипов. – Москва-Ленинград: Государственное издательство, 1927. – С. 113.

томонидан тадбиркорлик фаолиятига рухсат берилганлиги натижасида пахта тозалаш ва ёғ-мой-совун заводлари ҳамда турли корхоналар ўз маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. Қишлоқларда ўтказилган ер-сув ислохоти натижасида камбағал деҳқонлар ер билан таъминланди.

3.3. Ўзбекистонда ўтказилган иқтисодий районлаштириш сиёсатининг Марказ манфаатлари билан боғлиқлиги

1926 йил кузида Ўрта Осиё республикаларида, жумладан, Ўзбекистон ССРда ўтказилган маъмурий ва иқтисодий районлаштириш сиёсати Марказ манфаатлари асосида ўтказилганлиги сир эмас. Совет давлати ва большевиклар миллий чекка ўлкалар, хусусан, Ўрта Осиё республикаларида ўтказилган районлаштириш сиёсатини тайёрлаш ва амалга оширишда энг аввало Марказ манфаатларини ҳисобга олишган. Ўрта Осиё республикалари совет давлати учун арзон хом ашё етиштириб берувчи ҳудуд ҳисобланган.

Совет Иттифоқи ташкил топгандан сўнг 1923 йилда Госплан (Давлат режа комитети) ҳузурида СССРни районлаштириш бўйича комиссия тузилган эди. Госплан томонидан ўша пайтда Иттифокнинг барча томонлари – иқтисодий, географик, техникавий, маиший ва ҳ.к. чуқур текширилиб, иқтисодий ва маъмурий жиҳатдан бошқаришнинг энг қулай шакли – областлар (вилоятлар) тузиш фикри маъқулланди. Дастлаб Туркистон минтақаси ҳудудида Иттифокда мўлжалланган 21 та областнинг учтаси: Туркистон (область маркази – Тошкент), Ғарбий Қирғизистон [Ғарбий Қозоғистон] (маркази – Оренбург), Шарқий Қирғизистон [Шарқий Қозоғистон] (маркази – Семипалатинск) областларини тузиш фикри ўртага ташланган эди¹.

СССРда районлаштириш соҳасидаги ислохотлар дастлаб тажриба ҳолатида Уральск (маркази – Екатеринбург) ва Украина ССРда 1923 йил ноябрда ўтказилди. Урал губернияси областга айлантирилиб, унинг маъмурий ва иқтисодий маркази қилиб Екатеринбург шаҳри белгиланди. Госплан режасига кўра, Украина катта икки районга – маркази Харьков бўлган саноат ҳамда маркази Киев бўлган деҳқончилик районларига ажратилиши лозим эди. Бироқ республикани, яъни Украинани сиёсий жиҳатдан иккига ажратиш хато бўлиши ҳамда қутилма-

¹ *Смушков В.* Экономическая политика СССР. – Москва: «Пролетарий», 1925. – С. 32.

ган оқибатларга олиб келишини ўз вақтида тушунган совет давлати бу фикрдан воз кечди. Ўша пайтда Украина парчаламасдан яхлит ҳолатда сақланиб қолди. Шунинг учун бу соҳадаги ислохотлар қуйидагича мазмун касб этди: айрим губерниялар ва уездлар тугатилиб, улар ўрнига округлар ташкил қилинди (округлар уездларга нисбатан анча катта бўлган), волостлар ўрнига эса районлар тузилди (районлар ҳудуди ҳам собиқ волостлардан 2–3 марта катта эди). Хуллас, Украинада 1923 йилда 102 та уезд ўрнига 53 та округ, 1989 та волость ўрнига 706 та район ташкил қилинди. Аввал мавжуд бўлган губерниялар эса бутунлай тугатилди. Амалда мавжуд бўлган марказ – губерния – уезд – волость ўрнига область, округ, районлар ташкил топди¹.

Совет республикаларида амалга оширилган районлаштириш, бир томондан, мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши учун қулай имконият яратди. Иккинчи томондан, районлаштириш сиёсати муайян ҳудуд (республика, область ёки округ)ни Марказга кўзга кўринмас ришталар билан иқтисодий жиҳатдан маҳкам боғлаб, совет давлати томонидан амалга оширилаётган марказлаштириш сиёсатида муҳим роль ўйнади.

1926 йилда РСФСРнинг Уральск ва Шимолий Кавказ областларида шунингдек, Белоруссия ва Шимолда ҳам районлаштириш амалга оширилди.

Совет ҳокимияти томонидан районлаштириш соҳасида амалга оширилган бу ишлар ва олинган тажрибадан 1926 йилда Ўрта Осиё республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда ўтказилган районлаштириш сиёсатида фойдаланилди.

Совет Иттифоқида районлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши натижасида унинг маъмурий – ҳудудий бўлиниши доимий тарзда ўзгариб турган. Масалан, 1925 йилда СССРда 6 та иттифокдош республика, 13 та автоном республика, 17 та автоном область, 2 та область ва ўлка, 96 та округ, 1294 та район бўлган. Бу рақамлар 1926 йилда 6 та иттифокдош республика, 15 та автоном республика, 3 та область ва ўлка, 114 та округ, 1530 та районга етган. 1927–1929 йилларда ҳам маъмурий бирликлар турлича бўлган (бу ҳақда қуйидаги жадвалга қаранг)².

¹ Қаранг: Материалы по районированию Украины. – Харьков, 1923.

² Бу ҳақда қаранг: Экономическое районирование СССР // <http://istmat.info/node/44454>.

**Россия империяси ва СССР ҳудудидаги маъмурий бирликлар
(1917–1929 й.)**

Маъмурий бирлик номи	1917	1922	1923	1924	1925	1926	1927	1928	1929
Иттифокдош республикалар	—	3	4	6	6	6	6	6	6
Автоном республикалар	—	9	13	14	13	15	15	15	15
Автоном областлар	—	10	16	14	17	14	14	14	16
Областлар ва ўлкалар	—	—	—	1	2	3	4	0	8
Округлар	—	—	—	68	96	114	124	129	176
Районлар	—	—	—	938	1294	1530	1641	1854	2426
Губерниялар	74	81	75	72	66	47	38	33	16
Уездлар	605	759	766	611	498	442	419	343	198
Волостлар	13913	15072	13659	9281	4810	4428	4117	3564	1595

1926 йилда ўтказилган Ўрта Осиёда иқтисодий районлаштириш даврида Марказ томонидан ҳар бир республиканинг қуйидаги хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилди:

1. Муайян ҳудуднинг тарихий ўтмиши ва тажрибаси.
2. Ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши учун табиий шароитлар.
3. Аҳолиси.
4. Ирригация тизими.
5. Қишлоқ хўжалиги.
6. Саноати.
7. Транспорти.
8. Савдо – сотиқ муносабатлари.
9. Хўжалик – ташкилий қурилиши¹.

Ўша даврда Москвада чоп этилган тарихий манбаларнинг бирида кўрсатилишича, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши учун табиий шароитларга муайян ҳудуднинг жойлашган ўрни ва ҳолати (майдони ва маъмурий бўлиниши), ер юзаси, иқлими, дарёлари, тупроқ унумдорлиги, ўрмонзор ва бошқалар киради. Ўрта Осиё республикалари учун бу ҳолатлар мезон қилиб олинганда, Ўзбекистон ССР ҳудуди Туркменистон, Тожикистон, Қорақўғиз [Қирғизистон] ўртасида барча кўрсаткичлар бўйича юқори ўринда турган.

¹ Бу ҳақда қаранг: СССР по районам. Средне-Азиатские республики. Составил Н.Б. Архипов. – Москва-Ленинград: Государственное издательство, 1927. – С. 142.

1926 йилда бутун Ўрта Осиё республикаларида 6 272 600 киши яшаган бўлса, уларнинг қарийб 2/3 қисми – 3 963 300 киши Ўзбекистон аҳолиси бўлган. Аҳолининг миллий таркиби борасида ҳам минтақада ўзбеклар мутлоқ кўпчилик – 53,2 фоизни ташкил қилган. Барча аҳолининг 14,9 фоизини тожиклар, 10,4 фоизини туркманлар, 8,6 фоизини қорақирғизлар, қолган 12,9 фоизини бошқа халқлар ташкил қилган¹.

Ўрта Осиёнинг иқтисодий ҳаётида сунъий суғориш (ирригация) муҳим ўрин тутган. Хусусан, ўзбек халқи асрлар давомида сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликда катта ютуқларга эришди. Хоразм, Бухоро, Самарқанд ҳамда Фарғона водийсида бободеҳқонлар Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқа дарёлар сувларидан фойдаланган ҳолатда жаҳон деҳқончилиқ маданияти тарихига бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш жараёнида шунинг учун ҳам ирригация масалаларига катта эътибор қаратилди, туб аҳоли томонидан ўз даврида бунёд қилинган суғориш тизими иншоотлари ва техникаси, сувни тақсимлаш ва ер-сув ҳукуқи, суғориш тизимидаги инженерлик ишлари, суғориладиган экин майдони ва урушгача бўлган аҳвол, сўнгги йиллардаги суғориладиган экин майдонининг ҳажми ҳамда яқин орадаги истиқболлари, суғориш тизими эксплуатацияси ва ремонт муаммолари, капитал қурилиш муаммолари каби масалалар ирригация тизимида етакчи ўрин тутган. Районлаштириш жараёнида бу муаммолар эътиборга олиниб, иқтисодий самарадорликка эришиш йўллари изланган.

Ўрта Осиё ирригация районида суғориладиган экин майдони 1925 йилда қуйидагича бўлган: Ўзбекистонда 1 882 000 гектар, Тожикистонда 314 000 гектар, Туркменистонда 449 000 гектар, Қорақирғиз (Қирғизистон)да 375 000 гектар, Қозоғистонда 688 000 гектар, Қорақалпоғистон ҳудудида 61 000 гектар, мазкур республикаларнинг барчасида 3 769 000 гектар суғориладиган экин майдони бўлган. 1926 йилда мазкур суғориладиган экин майдонининг миқдори 5 438 000 гектарга етказилган². Бу рақамлардан кўриниб турибдики, барча экин майдонларининг тенг ярмидан ортиғи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келган.

Маълумки, Ўрта Осиё республикалари асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлиб, бу ерда халқ хўжалигининг асосий қисмини

¹ СССР по районам. Средне-Азиатские республики. – С. 24–26.

² СССР по районам. Средне-Азиатские республики. – С. 44.

қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик ва чорвачилик) ташкил қилади. Ўзбекистонда ва Тожикистонда ҳамда Туркменистон ва Қозоғистоннинг айрим ҳудудларида деҳқончилик ва пиллачилик муҳим ўрин тутса, Қозоғистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистон ҳамда Ўзбекистон ва Туркменистоннинг саҳро ҳудудларида чорвачилик халқ хўжалигининг асосий қисмидан иборат бўлган.

Қишлоқ хўжалиги Ўрта Осиё республикалари учун иқтисодиётнинг асосий тури бўлишдан ташқари бутун СССР учун ҳам муҳим аҳамият касб этган. Ўрта Осиё республикалари, айниқса, Ўзбекистонда етиштирилган пахта ва пилла хом ашёси, қорақўл тери маҳсулотлари, узум, мева-чева ҳамда полиз маҳсулотлари Иттифокнинг марказий районларини таъминлаши керак эди. Ўзбек пахтаси XX аср 20-йилларидан бошлаб асосан Россияда фаолият кўрсатаётган совет тўқимачилик корхоналари учун асосий хом ашё манбаи бўлган. Ўн йиллар давомида Ўзбекистонда етиштирилган пахта ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Марказ манфаатларига хизмат қилган.

Ўрта Осиё республикаларидаги қишлоқ хўжалиги тизимида хўжалик системаси, аграр масала, суғориш системаси, алмашлаб экиш ва деҳқончилик техникаси, суғориладиган майдон, дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ғалла баланси, дуккакли ва мой(ёғ) берадиган ўсимликлар, пахтачилик ва унинг ўлка хўжалигида тутган ўрни, Ўрта Осиёда пахта етиштиришнинг ҳозирги ҳолати, суғориладиган деҳқончилик тараққиётининг кейинги истикболлари, полизчилик ва сабзовотчилик, боғдорчилик ва узумчилик, чорвачилик ва унинг умумий характеристикаси, чорвачиликнинг муҳим тармоқлари ҳамда кейинги ўн йилликларда унинг аҳволи, чорва моллари хом ашёсини тайёрлаш, Ўрта Осиёда чорвачиликнинг истикболлари, ипакчилик каби масалалар¹ бу даврда катта аҳамият касб этган. Ўрта Осиё республикаларида ўтказилган районлаштириш жараёнида бу масалаларга эътибор қаратиши бежиз бўлмаган.

Бу даврда Ўрта Осиё республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам саноат корхоналари тўлиқ қувват билан ишламас эди. Умуман олганда ўлкада саноатнинг ҳолати, саноат корхоналари миқдори, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари ва умумий ҳажми минтақа аҳолиси талаб даражасида бўлмаган. Ўзбекистон ССР раҳбарияти республика-

¹ СССР по районам. Средне-Азиатские республики. – С. 52–101.

да янги саноат тармоқларини яратиш соҳасида тинимсиз фаолият кўрсатганлар. XX аср 30-йилларида Ўзбекистонда Чирчиқ ва бошқа саноат шаҳарларига асос солинди. Бироқ Марказ томонидан ҳамма пайт Ўзбекистонни индустрлаштириш сиёсатига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Районлаштириш жараёнида саноат масалаларига Ўрта Осиёнинг энергетика ресурслари ва ундан фойдаланиш, кўмир, нефть каби табиий бойликларни ўзлаштириш, электрлаштириш, тоғ ишлари (тоғ-кон саноатини йўлга қўйиш), маҳаллий ҳунармандчилик, қайта ишланадиган саноат, пахта тозалаш ва ёғ-мой заводлари, тўқимачилик саноати, вино ишлаб чиқариш, ун саноати ва элеваторлар, холодильниклар, лавлагидан шакар ва қанд ишлаб чиқарувчи саноат, чарм-тери саноати, металлургия ва цемент саноати кабилар кирган¹.

Марказнинг ҳоҳиш иродаси билан ўтказилган Ўрта Осиёдаги районлаштириш жараёнида, ҳудудий келишмовчиликлар ҳам бўлган. 1924 йил кузида ўтказилган Ўрта Осиё республикаларидаги миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида минтақадаги энг қадимий ва катта халқ бўлган ўзбекларнинг, бошқа халқларнинг манфаатлари ҳам Марказ томонидан етарли даражада эътиборга олинмади. Чегараланишдан бошқа халқлар ҳам, хусусан, тожиклар ҳам норози бўлган. Марказнинг ҳоҳишига кўра, Ўзбеклар кўпроқ яшайдиган Ўш, Жалолобод Қирғизистонга, Қўрғонтепа ва 1929 йилдан Хўжанд Тожикистонга, Чоржўй ва Тошҳовуз Туркменистонга, Туркистон ва Чимкент вилоятлари ҳудуди Қозоғистонга «қўшиб берилди». Айниқса, марказ томонидан, Қозоғистон АССР ҳудудига Туркистон АССР ва янги ташкил қилинган Ўзбекистон ССРдан жуда катта территория қўшиб берилди. Бунинг эвазига Қозоғистон ҳудудининг бир қисми РСФСРга олинди. Ўзбекистондаги миллий коммунистларининг қатъий талаби билангина Тошкент шаҳри ва унинг атрофлари Ўзбекистонга қолдирилди.

1925 йил августда районлаштириш бўйича Ўзбекистон комиссияси республикани янги маъмурий-хўжалик қисмларига ажратиш бўйича лойиҳа тайёрлаганида у Марказ томонидан рад қилинди.

Қорақирғиз [Қирғизистон] автоном областига Фарғона водийсида асосан ўзбеклар яшайдиган Ўш, Ўзган ва Жалолобод ҳудудлари кирган эди. Бу пайтда алоҳида ўзбек Ўш райони (Ўш шаҳри ва уездидаги

¹ СССР по районам. Средне-Азиатские республики. – С. 104–113.

волостлар)ни тузиш масаласи кун тартибига қўйилган¹. Бироқ Ўшни Ўзбекистонга қайтариш масаласи ўша пайтда ҳам, кейин ҳам амалга ошмади.

Ўрта Осиё республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда ўтказилган иқтисодий районлаштириш сиёсатининг Марказ манфаатлари билан боғлиқлиги учун бу жараёнга Иттифок ҳукумати ва Совет давлати алоҳида эътибор қаратган. Марказий ҳокимият тузилмаларининг моддий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, Марказий Россиядаги саноати ривожланган районларнинг ёрдами натижасида ҳамда Марказдан қўллаб мутахассис кадрларнинг юборилиши Ўзбекистон халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга, иқтисодиётни кўтаришга хизмат қилган.

Ўзбекистонда саноат қудратининг тикланиши ва нисбатан муштаҳамланиши, шубҳасиз, мамлакатдаги иқтисодий аҳволга, ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатди. Айни пайтда бу таъсирнинг салбий томонлари ҳам сақланиб қолди. Марказ раҳбарияти томонидан қўлланган барча чора-тадбирлар асос-эътибори билан аввал совет Россияси, сўнгра Совет Иттифоқи олий табақасини ташкил этган ҳукмрон доиралар манфаатларига бўйсундирилди, ўзбек халқининг бутун меҳнати ва унинг натижалари, Ўзбекистон заминида мавжуд барча миллий табиий бойликлар ва унда етиштирилган бутун маҳсулотлар тўла-тўқис тоталитар империявий режим хизматиға йўналтирилган эди.

Шунинг учун ҳам пилла ва пахтани қайта ишлаш саноати, чарм-тери ва кўн корхоналари учун XX аср 20-йилларида Марказдан Ўзбекистонга юборилган асбоб-ускуналар ҳам; пахта тозалаш ва бошқа саноат корхоналарини барпо этиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ҳам аслида хом ашёни кейинчалик совет мамлакатининг марказий минтақаларида тубдан қайта ишлашни кўзда тутадиган бирламчи ишлов беришгагина мувофиқлаштиришни мўлжаллаб амалга оширилган эди².

Мамлакатни социалистик саноатлаштириш (индустрлаштириш) йўли 1925 йил декабрда Иттифок сиёсий раҳбарияти томонидан эълон

¹ Тиханова Е.В. Районирование Средней Азии // Россия в системе Евро-Азиатских взаимодействий. – Москва, 2011. – С. 161.

² Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Лойиҳа раҳбари ва масул муҳаррир: Д.А. Алимова. – Тошкент: «Шарқ». 2001. – Б. 186.

қилинган эди. Уни амалга ошириш янги иқтисодий сиёсат (НЭП) ислохотлари ўтказишни тўхтатиш ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимини мустаҳкамлаш билан боғлиқ равишда олиб борилди.

Бироқ саноат имкониятларини кенгайтириш вазифаси аслини олганда мураккаб масала бўлган. Чунки фақат Ўзбекистон эмас, балки «улкан ва бепоён Советлар мамлакати» ҳақиқатда аграр мамлакатлигича қолаётган эди. Кўп тармоқли саноатга хос ривожланиш Ўзбекистон учун янада долзарброқ вазифа бўлиб майдонга чиқди. Маълумотларнинг гувоҳлик беришича, ўша вақтга келиб ташкил топган Ўзбекистон халқ хўжалигида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 70 фоиздан кўпроқни ташкил қиларди. Республиканинг аграр ишлаб чиқаришида аҳолининг 85 фоизидан кўпроғи банд эди. Ниҳоятда чекланган саноат соҳаси техника билан оз даражада таъминланган бўлиб, унинг 90 фоизи қишлоқ хўжалик хом ашёсини бирламчи қайта ишлашга мўлжалланган эди¹.

Мамлакат иқтисодиётининг кўпроқ аграр хусусиятга эга эканлиги хўжаликнинг ривожланиш имкониятларига жиддий тўсиқ бўлиб, етарли даражада ижтимоий-иқтисодий юксалишга имкон бермас эди. Кенг тармоқ ёйган индустриал инфратузилмани яратмай туриб олға томон ҳаракат қилишни таъминлаб бўлмаслиги аниқ бўлган. Афсуски, совет режимининг моҳияти ва унинг тоталитар хусусияти, кейинчалик янги иқтисодий сиёсатдан воз кечиши ва қатағон сиёсатини мунтазам равишда олиб бориши бу соҳада амалга оширилган ишлар ва натижаларнинг зиддиятли бўлишини олдиндан белгилаб берди.

Бундан ташқари индустрлаштиришни Ўзбекистонга тезроқ жорий қилишнинг қўшимча сабаблари ҳам бўлган. Биринчидан, республикада саноат қурилишини кенг авж олдириш Совет давлати ва коммунистик партиянинг «ленинча-сталинча доно миллий сиёсати тактикаси»ни нафақат ўзбек халқига, бутун Шарқ халқларига намоиш этиши керак эди. Иттифок раҳбарияти яқин ўтмишда Россия империясининг чекка ва қолоқ мустамлакаси бўлган ўлкада «социалистик тузум» ва коммунистик партиянинг шарофати билан «коммунистик жаннат» қурилганлигини ҳамда қолоқликдан таракқиётга томон «катта сакраш» амалга оширилганлигини кўрсатиш эди. Ўзбекистон Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ўртасида энг йирик ва ҳар жиҳатдан етакчи

¹ *Четыркина В.М.* Узбекистан, состояние и развития его народного хозяйства. – Самарканд, 1926. – С. 241.

